

САЪДУЛЛА СИЁЕВ  
МЕНИНГ ХЎРОЗ  
ҚУВГАНИМ



ISBN 978-9943-01-033-8




9 789943 010338

"O'ZBEKISTON"

Уз 84. / 543 / 44  
С - 26.

САЪДУЛЛА СИЁЕВ  
МЕНИНГ ХЎРОЗ  
ҚУВГАНИМ



84/543/44  
с-26.

САЪДУЛЛА СИЁЕВ  
МЕНИНГ ХЎРОЗ  
ҚУВГАНИМ



550855

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2007

Яворский, Борис Михайлович, Тихомирова, Светлана  
Анатольевна.  
Основы электродинамики : Учеб. пособие для учащихся  
ср 10-го кл. : Гуманит. профиль / Ин-т общ. образова-  
ния. — М. : Ин-т общ. образования, 1991. — 160 с. :  
ил. : 21 см.  
2 р., 1000 экз.  
1. Соват. — 1. Электродинамика.  
УДК 637.8(075.3)  
ЕКЛ 43.6.2  
№ 30578  
63 № 1435 [91-42419] и оп  
ИПО ВКП 16.10.91 Р227

Масъул муҳаррир — *Тулқин Ҳайит*

**Сиёев С.**

Менинг хўроз қувганим /Ҳикоя, ҳажвия ва бадиалар/ Т.:  
«Ўзбекистон» НМИУ, 2007, -112 бет.

Мазкур тўпلامда таниқли адибимиз Саъдулла Сиёевнинг кейинги йилларда ёзган энг сара ҳикоя, ҳажвия ва бадиалари жамланди. Унинг бир ҳикояси «Бепарво бўлмоқчиман!» деб номланади, аммо адиб ҳеч қачон Сиз билан бизга, жамингга, ўз юртига бепарво қарамаган ва қарамайди ҳам. Хўш, унда бу ҳикояда нима ҳақида гап боради?... Уйлашимизча, мазкур тўпلامдан урин олган шу ва шунга ўхшаш ҳикоя, ҳажвия ва бадиаларни ўқиб, бу саъолга жавоб топасиз ҳамда адибдан ва биздан мамнун бўласиз деган ниятдамиз.

ББК 84(5У)-44

**Саъдулла Сиёев**

## МЕНИНГ ХЎРОЗ ҚУВГАНИМ

Рассом *Р. Зуфаров*  
Тех. муҳаррир *У. Қим*  
Мусахҳиҳ *Ш. Мақсудова*  
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Босишга рухсат этилди 17.04.2007. Бичими 60×84/16.  
Фонд рақами: Шартли б.т. 6.51. Нашр б.т. 5.95. Адаби 2000.  
Будорتما № 06-157 Баҳоси келишилган нарҳда.

FARG'ONA  
UNIVERSITATI  
AXBOROT RESURSLARI  
QABUL QILISH  
KATALOGI

ISBN 978-9943-01-033-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2007

# ҲИКОЯ ВА ҲАЖВИЯЛАР



## БЕПАРВО БЎЛМОҚЧИМАН

Кейинги пайтда сал инжиқроқ бўлиб қолдим. Тик этган товуш ёқмайди. Икки одамнинг кулишиб турганини кўрсам ғашим келади. Илгари унча-мунча ишни ҳазил-хузул билан битириб кетардим... Энди арзимаган нарсага жаҳлим чиқади, асабийлашаман.

Ҳар куни ишдан келаману, диванга таппа ташлайман. Бошим лўққиллаб оғрийди. Дорига ҳужум қиламан. Седальгин, равнатин, пенталгин.

Охири бўлмалди. Судралиб докторга бордим. У энди ўттиздан ошган, паст бўйли, хўнна семиз йигит экан. Гапирганда негадир одамнинг кўзига қарамасликка интилади.

— Қаерда хизмат қиладилар? — Четга боқиб сўради у.

— Мактабда ишлайман, — дедим, — завучман.

— Ў-ў, олижаноб касб эгаси экансиз, — кулимсиради доктор.

«Сан бу касбнинг тузини тотиб кўрмагансан, гапираверасанда», дедим ичимда.

Доктор мени тикка қилиб қўйиб, резинка болғачаси билан тиззамга бир урди. Сесканиб тушдим. Иккинчи тиззамга урганда чўккалаб қолдим.

— Анетга ўтиринг, — деди у оппоқ кушеткани кўрсатиб. Ўтирдим. Доктор энгагимни кўтарди. Кейин кўрсатгич бармогини ҳавога ўқталиб нари-бери сурди:

— Бу ёққа қаранг! Энди бу ёққа! Яна бу ёққа!

У дўмбоққина панжалари билан бошимни сиқиб кўрди. Соч иватаётган сартарошдай калламни обдон фикимлади. Кейин полга бир оёқлаб тургазиб қўйди. Гоҳ чап оёқда, гоҳ ўнг оёқда туриб, аранг ўнггача санадим.

Ниҳоят, доктор болғачасини тап эткизиб столга ташлади-ю, бурчакка бориб қўл ювди. Жойига келиб ўтирди. Бошини чайқаб ўх тортди. Биринчи дафъа кўзимга қараб деди:

— Танобингиз сал бўшашибди, домла...

Индамадим. «Танобим бўшаганини ўзим ҳам биламан, сиз даволан келинг, укам!» дедим ичимда. Доктор мендан бир кушлик ишимни, уйқумни, иштаҳамни сўради. Шопилмай, битта-битта айтиб бердим, у киприк қоқмай тинглади. Сўнг туриб, қўлларини кўксига чалиштирди-ю, нари-бери юра бошлади:

— Гапингизга қараганда ишда кўп асабийлашар экансиз, — деди лекция ўқиётган профессордай салмоқлаб, — бу эса сизга мутлақо мумкин эмас. Бир ўқувчингиз Мусо Хоразмийнинг кимлигини билмагани учун икки соат бўғилибсиз. Сизга аввало нима зарур? Хоразмийми ёки саломатликми?

— Гапингиз қизиқ бўлди-ю, дўхтир — дедим фиғоним чиқиб, — бир киши жон керакми, жононми, деган экан...

— Ўша киши тўғри айтибди. Жон бўлмаса жононни бошингизга урасизми?

— Ўзининг кимлигини, ота-бобосининг кимлигини билмайдиган жонни нима қиламан? — деб бақирдим. — Пишириб ейманми?!

Энди докторнинг жаҳли кўзиди.

— Менга қаранг, ўртоқ бемор, — деди рўпарамга келиб, — бу ерга нимага келгансиз ўзи? Мен билан афсона талашганими ё даволанганими?

— Кечирасиз, даволангани, — дедим сал паст тушиб. Докторнинг оқиш ранги тагин қизарди.

— Унда гапга қулоқ солинг, — у яна лўмбиллаб хона кеза кетди. — Сизга маслаҳатим шуки, бўлар-бўлмасга қуйиб-пишаверманг. Юракни кенгроқ қилинг. Кенга-кенг, торга-тор дунё, деб қўйибдилар. Тушунаман, ҳозир бола ўқитиш қийин масала бўлиб кетган. Акселларция ва ҳоказо... Аммо сал бепарвороқ бўлишга урининг. Зигирдек камчилик кўрсангиз, лов этиб кетадиган одатингиз бор экан. Бу одатни ташлашг. Бир ўзингиз кучанганингиз билан узоққа боролмайсиз. Ҳаётни мукамал қиламан деб сиздан олдин ҳам не-не олимлар бош қотирган...

Чидамай гап қўшдим:

— Демак, ўртамиёна одам бўлиб... қумурсқадай судралиб юраверишим керак экан-да?

Докторнинг қизил ранги бирдан оқарди. У гурс-гурс юриб тепамга келди-ю, «Бедаво экансиз-ку?» дегандек менга олайиб тикилди.

— Узр, — деб ерга боқдим. Доктор остонагача ваъз айтиб борди:

— Шоирлар айтгандай, хаёлингизни доим гулга буркаб юринг. Кўпроқ очик ҳавода ухланг. Миянгизни толиқтирадиган даражада қаттиқ ишламанг. Тоғларга тез-тез сайр қилиб туринг. Хафа бўладиган ерларга борманг. Кулгили китоблардан ўқинг. Ўтишдан олдин оғир овқат еманг. Сут-қатикни кўпроқ ичинг. Ибн Сино қатик ичган одам юзга киради, дейди...

Эшикни зичлаб ёндим. «Китобни роса ўқибсан, — дедим ичимда, — менинг ёшимга ет, кейин сўзлашаман сен билан».

Эртдан бошлаб бепарвороқ бўлишга қасд қилдим. Саҳар турдим, кайфиятни сошлаб мактабга жўнадим. Йўлда таниш-билишлар учраса, хуш-хандон кўришаман, ярашса-ярашмаса ҳазил қиламан. Улар менинг тажанглигимга ўрганиб қолмаганми, ажабланиб боқишади.

Енгил оёқ билан мактабга ҳам келдим. Зинадан кўтарилиб ўқитувчилар хонасига бурилдим. Қарасам, шундоққина эшик тагига биров ботмондай қилиб тупуриб кетибди. Таққа тўхтадим. Илгариги даврим бўлса, «Бу қайси нодоннинг иши?!» деб бақириб берардим. Бу сафар ўзимни қўлга олдим. Ҳовлига чиқиб фаррош хотинни чақириб келдим.

— Хуршида опа, мановини... оптананг, — дедим иложи борича тиржайишга ҳаракат қилиб. Фаррош хотин афтимга чўчиброқ қараш-ю, носкашни койиб-койиб, остонани супуриб олди.

Узун-қисқа бўлиб ўқитувчилар келишди. Уларнинг саломига ўлганимнинг кунидан кулиб алик олайпман. Бироқ ичимни ит кемиряпти. Ҳамон ўша бефаросат носкашни ўйлайман. Орамизда беш киши нос чекади, қоровул тоға билан олти киши. Қоровул атай ҳужрасидан келиб, бу ерга тупуриб кетмайди. Демак, бу ўзимизникиларнинг қилиғи. Бирам тилим қичияптики... Қани энди кеча докторга бормаган бўлсаму, оғзига ел тушкур носкашни топиб таъзирини берсам!

— Барака топкурлар, — дедим сиполик билан ўрнимдан туриб, — бу ер картошка омбори эмас, мактаб. Илтимос, йўлакка тупурилмасин. Нос чекадиганлар ҳовлига чиқиб чексин. Мабодо чўнтакка тупуришга ор қиладиганлар бўлса, мана, идиш.

Гулга сув қуядиган банка ёнимда эди, носкашлар тарафга сурдим. Ғала-ғовур бошланди.

— Биз культурниймиз, — деди бир носкашимиз, — уйда нос, мактабда папирос чекамиз.

— Агар шапалоқдай бўлса Йигиталининг маҳсулоти, — деди иккинчи носкаш, — у ҳар отганда кафтини тўлдириб отади.

— Носнинг маркасини аниқлаш керак, — деди учинчиси, — мабодо Холмат-98 бўлса, Тиловбердининг оғзидан тушган.

...Хаёл суриб ўтирибман. Бир вақт Билолов деган ёшгина тарих ўқитувчимиз кўнғироқдан кейин лўкиллаб кириб келди. Афтиангорига қараб бўлмайди. Соқол икки энлик, ёқа кир, шимининг тиззасига ямоқ тушган. Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка. Индамасам, ҳе йўқ, бе йўқ, сифф журналини қўлтиқлаб жўнамоқчи.

— Кечирасиз, тўхтанг, — дедим. Билолов остонада тўхтади. — Қаерда ишлагингизни бир оғиз айтиб кетсангиз, ўртоқ Билолов?

У аввалига «мудир масҳара қилаянтими?» дегандай ҳайрон бўлди, сўнг ҳазил аралаш жавоб берди:

— Бемалол, домла. Янгиобод туманидаги 5-мактабда педагогман...

— Негадир педагоглитингизга ишонмаянман, — дедим мен ҳам кулимсираб, — рафторингизга қараб завқим келаяпти. Сиффга муаллим бўлиб кираяпсизми ё ўрта асрлардан кўргазмали қурол бўлибми?

— Урунмайсиз, домла, — деди у бир қадам олға босиб, — ситир подадан қолиб кетган экан, шуни қўшдим у югуравердим...

— Бўпти, сиз уйга бориб ўқитувчига ўхшаб келинг, дарсингизни мен ўтиб тураман, — деб унга жавоб бериб юбордим.

Билоловнинг дарсига кирдим. Йўқлама қилдим. Баъзи ўқувчилардан кечаги дарсни сўрадим. Доскага Туробов деган бола чиқди. У булбул бўлиб кетди:

— Чингизхоннинг икки юз мингта яқин яхши қуролланган аскарлари бор эди. Лекин Амир Темур кўрқмай Чингизхон билан урушмоқчи бўлди...

— Шошманг, Туробов, — дедим, — Темур қачон ўтган?

— Амир Темур ... Ҳм... Темур Улугбекдан олдин ўтган, муаллим.

— Чингизхон-чи?

— Чингизхон... Амир Темурни ёмон кўрган...

Жаҳлим чиқди. Туробовга шартта «икки» қўйиб бердим. У жойига бориб ўтирди-ю, кундалигини очиб кўриб, қўл кўтарди:

— Муаллим, менга «икки» қўйибсиз-ку?

— Ҳм, «бир» қўйиш керакмиди?

— Бу баҳойингизни катталар кўрса, сизга гап тегмайдими? Болаларни яхши ўқитмайсиз, деб?

Гуп этиб миямга қон урди. «Бу ақлни сенга қайси аҳмоқ ўргатди?» деб бақирмоқчи бўлдим ҳали пенсияга узоқлигини ўйлаб, тилимни тишладим.

Танаффусда бир иш билан ҳовлига чиқдим. Қарасам, кираверишша беш-олти бола чекиб туришибди. Ҳалиги Туробов ўртоқлариши оғзига қаратиб нимадир деяпти. У мени кўрди-ю, чўнтагидан тилла ранг сигарет олиб узатди:

— Марҳамат, муаллим. Адамлар Америкадан олиб келибдилар. Тортими яхши экан.

«Йўқол кўзимдан ярамас!» деб бақирдим. У ёғи нима бўлганини билмайман. Кўзимши очсам, диванда ётибман. Биров юзимга сув сепапти, биров валидол тишлатапти.

Мактабдан тўғри касалхонага жўнадим. Осуда шароит билан дори-лармоннинг кучими, уч-тўрт кунда ўзимга келиб қолдим. Уйда дорисиз ухлай олмас эдим. Энди шундоқ ётаману, донг қотиб қоламан.

Бир куши ана шунақа ноз уйқуда ётган эканман. Қарасам, тепамда нинасини шинга ўқталиб ҳамшира қиз турибди. Дарров чап биқишимга ағдарилдим. Ҳамшира жазиллатиб укол қилди-ю, «ана энди уйқуни келган жойидан олаверинг» деб жўнади. Куймичимни сийпалаб бир пас ётдим. Кулоғимга таниш овоз чалинди. Ўнг ёғимга ағдарилдим. Тўрт қадам нарида ҳув поликлиникадаги доктор йигитим илжайиб турарди. Уни ҳам яқинда укол қилишган шекилли, билагини шимариб, тирсагини букиб олибди.

— Ие, домла, нима бўлди? — деди кўришиш учун кўл чўзиб. Уколнинг захридан жоним оғриб турган эди, қийналиб бўксамни кўтардим.

— Сизнинг муолажангиздан кейин... шу ерга келиб қолдик, — дедим инқиллаб, — ўзларидан сўрасак?

Докторнинг кайфияти ёмон шекилли «салом»имга яраша алиқ олди:

— Биз ҳам... сиздақа касалларни даволай-даволай етган еримиз шу бўлди, домлажон...

Бир вақт юрагим санча бошлади. Салдан кейин бошим гир-гир айланди. Пўч этиб кроватга ўтириб қолдим. Доктор югуриб ёнимга келди. Томиримни ушлади-ю, лўкиллаб чиқиб кетди. Бир зумда ҳамшира кирди. У қалин дафтарни очиб кўриб:

— Сиз Бакировмисиз? — деди менга.

— Бакиров мен, бу киши Кабилов! — жеркиб берди доктор. Ҳамшира «Вой, шўрим!» деб бошини чапғаллади. Кўлтиғидаги дафтар шалошлаб ерга тушди.

— Ана, медикиларингизнинг аҳволи, — дедим докторга, оғзимга таблетка ташлаётиб, — ҳавас қилинг.

Бакиров ҳам ганга чечан экан, дарров жавоб берди:

— Ўзингиз ўқитган болалар-да, домлажон, ҳар қанча ҳавас қилса арзийди...

Мен энди оғиз жуфтлаган эдим, Бакиров «Иҳ!» деди-ю, қорнини чапғаллаб қолди. Уни суяб каравотга ётқиздим. Кейин навбатчи шифокорни чақиргани зингилиб кетдим.

## ОСМОНДАГИ ОЙ

Қадамбой Жайропов Сарносиевнинг бир чеккасида, Чош деган тоғли қишлоқда яшайди. Бу ерларда олти ой ёз бўлса, олти ой қиш бўлади. Куёш мрамар тоғнинг ортига ёнбошлаганда чоңликлар ҳам тўшакка кирди, эрталаб Хурсанд тоғнинг ортидан мўралаганда ирғиб туришади. Чошда на телефон, на холодильник, на телевизор, на радио бор. Шунинг учун қишлоқдагилар баъзан Хурсанд тоғнинг тепасига чиқиб, шаҳар томонга қараб ўтиришади. Туман ё вилоятдан бирор гап етиб келса, оғзаки телефон орқали бутун қишлоққа тарқалади.

Яқинда ана шундай бир гап тарқалди. Уни биринчи бўлиб Қадамбойнинг тоғаси Эшқобил ака эшитди. У куёви Авлиёқулни эргаштириб, жиянининг уйига равона бўлди.

Қадамбой мактабда муаллим. Биологиядан дарс беради. Ёз келса, тоғма-тоғ юриб, доривор гиёҳларни териб келади. Азбаройи савоб деб қишлоқдагиларга тарқатиб чиқади. Жуда бекор қолса, қийшайиб сой бўйига тушади. Мажнунтолнинг майла, текис новдаларини кесиб олиб, нонсават тўқийди. Беш-ўнга бўлганда маҳалладаги хотин-халаж кириб талаб кетишади. Толсаватнинг даромади ҳам бир камига етиб турибди-да, э!

Ёзнинг чилласи. Қадамбой шундоққина сой лабида бақатеракнинг тагида ўтирибди. Олдида бир даста толчивиқ. «Буниси қуртсаватга, буниси қўлсаватга», деб новдаларни саралай бошлади. Шу пайт узун-қисқа бўлиб, Эшқобил ака билан Авлиёқул етиб келдилар.

— Омин, топганингда барака, жиян! — деди тоға, эски бир тўнкага омонат чўкиб. Авлиёқул чўнқайиб фотиҳага кўшилди. Эшқобил ака ярқираб турган саватларни бир-бир қўлга олиб кўрди, барқашдан каттароқ биттасини танлади.

— Мана шунисини янганга бера қол, — деди саватни салмоқлаб, — нон ёпса доим дастурхонни куйдириб юради, пахмоқсон!

Қадамбой ҳазиллашди:

— Ҳақи битта товуқ бўлади, тоға.

Эшқобил ака, қандай гап бошласам экан, деб йўл ахтариб ўтирган эди, дарров рози бўлди:

— Тоға-хўр, жиян зўр экан-да, э! Товуқнинг ёнига хўрозини кўшиб бераман, жиян. Энди сенга ҳам бир маслаҳатли гап бор.

Қадамбой бир тўп толчивиқни нижимлаб бошини кўтарди.

— Нима гап экан?

— Яқинда туман ҳокими бўшар экан. Акалари уни кўтар-кўтар қилиб, каттароқ ишта олиб кетаётган эмиш. Биз, мана поччанг билан маслаҳат қилдик. Агар хўп десанг, кўплашиб сени ҳокимликка ўтказмоқчимиз. Бизнинг уругдан ҳам ҳоким чиқсин-да! Қачонгача Қизилқишлоқдан чиқа беради? Нима дединг, жиян?

Қадамбой мириқиб кулди.

— Ажойиб тоғамсиз-да! Шунча ёшга борсангиз ҳам хаёлпарастлигингиз қолмайди. Қани, мана бу кабинетга киринг, Қадамбой, деб, менга бировнинг кўзи учиб турибдими? Ҳоким бўламан, деб от чоптириб юрганлар бор, биласиз. Яранмаган гапни кўйинг, тоға.

— Отни биз ҳам чопамиз, — деди Эшқобил ака, — икки гектар ерга зигир экиб кўйибман. Бошоқлаб турибди. Худо хоҳласа, бир милёнга сотаман. — Тоға куёвига қаради, — ҳей, сен ҳам сўйла-да, Авлиёкул! Йўлда не деб жавраб келиб эдинг?

Куёв томоқ қириб, тилга кирди:

— Бизда ҳам икки ҳукизча бор. Иккови ўлганда бир тоннага яқин юк қилиб келар-ов. Сен учун сотаман. Ҳоким бўлиб кетсанг, менга бирор пермер хўжалиги очиб берарсан, Қадамбой.

Қадамбой кўрдики, тоғалари астойдил бел боғлаган. У олдидаги хас-хашакни кучоқлаб, дарёга олиб бориб ташлади. Қўлларини қоқиб, изига қайтди.

— Э, бошимни оғритманглар, — деди хафа бўлиб, — ёвгон ошим — галвасиз бошим. Ҳокимлик осонми? Бугун борсан, эртага йўқсан. Осмондаги ойга қўл чўзиб нима қиласиз, тоға? Бекорга куйганларинг қолади.

Эшқобил ака оёғини тираб туриб олди:

— Куйсак, биз куямиз, жиян. Зато, бизнинг уругдан ҳам ҳоким чиққан, деб керилиб юрамиз. Худо, ол қўлим, деб ҳоким бўлсанг, қишлоққа свет обкелардинг, болаларга тузукроқ мактаб солиб берардинг. Биз ҳам одамга ўхшаб, дилузур кўриб, радио эпитардик.

Қачонгача дунё беҳабар бўлиб, тоғ-тошни орасида ётамиз? Хўп, де, жиян!

Қадамбой уҳ тортди.

— Мен кўнгилчанман. Одамларга қаттиқ гапиролмайман.

— Ўрганиб қетасан. Яккаҳўжайин бўлганингдан кейин ортиндан келса — тепасан, олдиндан келса — тишлайсан.

— Тишлайсиз-а, тишлайсиз. Ҳозир одамларнинг кўзи очилган. Тишингизни қоқиб қўлингизга берар.

— Бекор айтибсан. Бир қўлингда ноц ушлаб туриб, қанча уришсанг ҳам чидайди одамлар. Айтганингни қилади. Гап тамом. Сени ҳоким қиламиз. Маълумотинг старли, калланг ишлайди. Қанча йил завуч бўлиб мактабни бошқардинг. Йўқ дема, жиян.

Қадамбой ирғиб турди.

— Йўқ, йўқ, йўқ! — деди бошини сарак-сарак қилиб. — Тоға, агар зўрлай берсангиз, ҳозир ҳов ана у ерга чиқиб, ўзимни сойга ташайман.

— Эсингни едингми, жиян? Олдин бир кун бўлса-да ҳоким бўлиб, айшингни сур, кейин сувга ташлайсанми, ўтга ташлайсанми, ўзинг биласан.

Қадамбойга аслида майда новда керак эди. У лин этиб томга чиқди. Ундан теракка ёпишди. Оқ теракдан бир сакраб мажнунтолга ўтаман деганда ўрта шохга маймундай осилиб қолди. Эшқобил ака, ростдан ҳам бу тентак ўзини сувга ташламоқчимиз, деб чўчиди.

— Ҳов, аҳмоқ бўлма, жиян, — деди тепага қараб, — ўлиб кетсанг, беш болаини ким боқади?

Шу пайт Қадамбойнинг ошнаси Нарзи қора келиб қолди.

— Тоға, бизнинг мўккичи жўрамиз кўринмайдими? — деди. Эшқобил ака тол шохига ишора қилди:

— Жўранг хўв ана, тепада осилиб ётибди. Ўзимни сувга ташлаб ўламан, дейди.

— Нима бўлди? Нега бугун ўлгиси келиб қолди экан?

Тоға ўзини оқлаган бўлди:

— Биз кўплашиб уни ҳоким қилмоқчи эдик. Мен зигиримни сотиб, пулини бермоқчи бўлдим. Мана, поччаси қўшалоқ хўкизини сотмоқчи. Жўранг бўлса, дол, ҳоким бўлмайман, деб оёғини тираб турибди-да, э!

Нарзи қора ҳамон тол шохда оёқларини ликиллашиб турган Қадамбойга қараб бақирди:

— Хўв, мўкки полвон, кўркмай пастга туш энди. Ҳозир майдондан хабар келди. Оқмачитлик Бойбўриев ҳоким бўлибди. Қадамбойнинг тоғаси зиғирини сотиб, поччаси хўкизларини пуллаб келсин, деб кутгани вақтлари йўқ экан. Хўв, бу ёққа туш-а, кўрқоқ! Сенинг пешонангга ёзилгани мўкки билан толсават!.. Бу ёққа туш, сенга маслаҳат бор...

Қадамбой аста-аста дарахтдан туша бошлади. Эшқобил ака кўлочини кериб, икки сонига урди:

— Ҳа, энагар Бойбўриев! Тагин илиб кетдинг-а кўпкарини! Янги ҳокимнинг тоғаси мана, биз бўламиз, деб «Волга»нинг дарчасидан тирсақни чиқариб юрмоқчийдик, насиб этмали-я, водариг!..

### «НЕКСИЯ»НИНГ ИЛДИЗИ

Соғлом бўлай десанг,  
солиқдан қочма.

*(Янги чиққан шпор)*

Тўйчиевни бир идорага чақирдилар. У саҳар туриб йўлга тушди. Бу идорага кириш ҳам қийин экан. Эшикда бир қоровул, чарх-палакдек айланма тўсиқдан ўтсанг, яна бир қоровул. Тўйчиев кўлидаги чақирӣқ қоғозини пеш қилиб, аранг ичкарига ўтиб олди. Ваҳимали хонада жиккакгина, олакўз йигит ўтирган экан. Тўйчиев уни таниди, лекин ўзини танимаганга олди.

— Яхшимисиз, ука. Чақиртирган экансиз, келдик.

Олакўз столдан бошини кўтармай, тўнгиллади:

— Ҳм, чақирмасак келмайсизми? Бойлик орттириш деганда дўппингизни тишлаб югурасиз, солиқ тўлашга келганда думингизни тутқизмайсиз! Шунақами?

— Унчалик эмас, — деди Тўйчиев. — Биз ҳамма солиқларни ўз вақтида тўлаб турибмиз.

— Фамилиянгиз?

— Тўйчиев. Саттор Тўйчиев.

— Ҳозир кўрамиз-да, — деди жиккак йигит ва ёнбошидан қалин дафтар олиб титкилай бошлади. — Тўймасов. Турдиев... Ҳа, мана, Тўйчиев Саттор. Ие, машинангиз бор экан-ку? «Нексия»! Суперсалон! Қуллуқ бўлсин...

Тўйчиев айбдор кишидек ҳижолат бўлди:

— Раҳмат. Ҳа, энди бир кўнгиш кетган эди-да...

— Мен сизга машина қуллуқ бўлсин, деяётганим йўқ, солиқдан қочиб юргангиз қуллуқ бўлсин, деяпман!

— Қочиб юганим йўқ, — деди Тўйчиев, — уни эндигина олдим.

Йигит ягини кўтариб чимирилди:

— Айтмоқчи, ўша «Нексия»ни қайси пулга олгансиз, билсак бўладими? Декларациянгиз борми?

— Эскироқ бир «Москвич»им бор эди, уни сотдим, кейин қайнимдан, укамдан қарз олдим.

— Хўш, «Москвич»ни-чи, уни ҳам қарзга олувдингизми?

— Йўқ. Аввал «Запорож»им бор эди. Ойликдан бир сиқим — бир сиқим орттириб...

Олакўз йигит товушини кўтарди:

— Хов, амаки! «Запорож» осмондан тушмайди. Уни ҳам пулга берадилар. Ўзингиз анчайин бир ўқитувчи экансиз. Ойликдан орттириб машина олдим деганингизга қайси аҳмоқ ишонади? Тўғриси уни айтаверинг!

— Ундан олдин велосипедим бор эди...

Олакўз энди ошқора калака қилишга ўтди:

— Велосипедни ҳам, ҳойнаҳой, қарзга олганман, дерсиз?

— Йўқ, — деди Тўйчиев, — уни менга сизнинг отангиз совға қилган эди.

Олакўз йигит оғзини қийшайтириб ажабланди:

— Нега энди менинг отам сизга велосипед совға қилар экан? Нима, сиз етти туғиб бир қолганимисиз?

— Отангиз мендан қарз эди. Эсингизда бўлса, институтга киролмай ўмбалоқ ошдингиз. Кейин дадангиз олдимга йиглаб келди. «Жон Тўйчиев, институтда танишларинг бор экан, бизнинг ўғилчага ёрдам бервор, яхшилигингни унутмайман», деди. Бир амаллаб сизни институтга жойладик. Эвазига велосипедлик бўлиб қолдим.

Жиккак амалдор севиниб кетди.

— Ана-а... Масала равшан. Демак, сиз бир ҳалол, меҳнатқаш одамдан лора олгансиз! Мана «Нексия»нинг илдиши қаёқда экан! Мен бу ишни шундайлигича қолдиролмаيمان. Ҳали гувоҳларни чақириб гаплашамиз.

Тўйчиев эшикка қараб юрди.

— Отангизни ҳам чақиринг эсингиздан чиқмасин, — деди аста.

Олакўз жазаваси тутиб бақирди:



— Керак бўлса чақиртирамиз ҳам!  
Тўйчиев индамай чиқиб кетди. У биллади, Олақўз икки дунёда ҳам отасини чақиролмайди. Чунки унинг отаси ўлган эди.

## СЎЗИМНИ СОТИБ ОЛДИМ

Бугун бир амаллаб саҳар турдим. Импра чойини дамлатиб, катта кулдонни олдимга қўйдим. Телефонда сўрашса, мен йўқман, деб хонимга тайинладим. Енг шимариб ишга киришдим. Кеча муҳарриримиз топшириқ берган: «Биз шу вақтгача аравакашни мақтаб келдик, Сайфи Содик — деди шеф, — қалам ҳам чарчади, одам ҳам. Энди ўша аравани торгашиган аргумоқлар ҳақида ёзиш керак. Гапимга тушундингиз-а?» Тушундим. Шефнинг «аравакаш» дегани амалдорлар, «аргумоқ», бу қўли қадоқ меҳнатқаш, сиз билан бизнинг ризқимизни етказиб бераётган оддий фуқаро.

Сигаретани бурқситиб хаёл суриб ўтирибман. Ажойиб халқимиз бор-да! Ўзи емай қўшнисига едиради, ўзи киймай меҳмонга кийдиради. Андишаси ҳам, қаноаги ҳам, сабр тоқати ҳам ўзига хос. Бу қора кўзларнинг қайси бир хислатини ҳикоямга қўшсам экан?

Оёқ учида юриб хоним кирди.

— Хўжайин, сизни телефонга...

— Мени йўқ демайсизми?

— Айтдим. Собиқ вазирман, дейди. «Қарангчи, эшик-тешикни ёпиб, илҳом париси билан гаплашаётгандир», деб унамаяпти.

Ноилож париги хонага чиқдим. Гўшакдан таниш овоз келди.

— Алло, Сайфи Содикмисиз? Мен Лочин акангизман. Лочин Кабилов. Собиқ вазир. Танидингизми?

Лочин Кабилов билан бир замонлар қалин эдик. Борди-келди қилиб турардик. Тўрт-беш йил бурун «ўз аризасига биноан», деб думи тугилган эди. Менда нима ишти бор экан, ҳайронман.

Гўё унинг қўнғирогини кутиб, ўлиб тургандай, шўхчан товушда жавоб бердим:

— Э, бормисиз, Лочинбек ака! Қалай, келинойимларни хурсанд қилиб, неvara-чевараларни ўйнатиб, зерикмайгина юрибсизми? Одамни жуда соғинтириб юбордингиз-ку, ака!

Лочин ака негадир киноя аралаш деди:

— Биз ҳам сизни соғиниб қолдик. Бизникига бир келиб кетсангиз, мулла Сайфиддин. Уйни адашмай топарсиз, дейман. Ҳовли ўна-ўша.

— Уйни-ку адашмай топамиз-а, — деб қийшангладим, — лекин ҳозир вақт масаласи...

Лочин ака сўзимни кесди:

— Менга қаранг, акаси! Шу бугуноқ келасиз. Бошқа иложингиз йўқ. Эсингизда бўлса, бир вақтлар менга китобларингизни совга қилувдингиз. Ана шу матоҳларингизни ўзингизга қайтариб бермоқчиман. Агар бугун олиб кетмасангиз, эртага уларни Эски жувадаги носфурушнинг олдида кўрасиз. Гап тамом!

Гўшак «ту-ту»лаб қолди. Шалвираб ичкари кирдим. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, ноинсоф, сенга биров ҳиммат қилиб китоб ёзиб берибди. Ўқисанг ўқи, бўлмаса тоқчага қўйиб қўй. Сендан ош-нон сўрармиди? Сен бўлмасанг, биронта неvara-певаранг китобнинг қадрига етар, шу ўқир. Тавба! Тагин носфурушга бериб юбораман деб нўписа қилганишта ўлайми!

Бормасам бўлмайдиганга ўхшайди. Собиқ вазир бир балони бошламасин, деб йўлга тушдим. Лочин аканинг уйини яхши билардим. Бир пайтлар бу ерда роса маинат қилганмиз. Қанча шеърлар ўқилган, қанча-қанча «Наполеон» шишалари бўшаган. Лочин аканинг шаънига узундан-узун алёрлар айтилган.

Ўша бог кўчанинг этагидаги нақшинкор дарвозалик ҳовлига кириб бордим. Лочин ака қўқон гилос тагида айланма креслода ялпайиб ўтирибди. Олдида бир ликобча қоп-қора йирик гилос, гардин чойнак. У мени кўриб ўрнидан ҳам турмади. Ўтирган ерида касалманд кишидек арашг жилмайиб қўл чўзди. Мен ҳам гуноҳкор кимсадек, ийманибгина ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Гапимиз қовушмайроқ турди. Лочин ака бир пиёла чой узатиб сўз бошлади.

— Қарасам, ҳаммаёқ китобга тўлиб кетибди. Ке, буларни бир тозалаб қўяй, дедим. Бу китобларнинг чиққанига ўн йил, ўн беш йил бўлди. Эгалари ҳам тополмай зор бўлиб юргандир, ўзларига қайтариб берай дедим. Тўғрими?

— Билмасам — деб мингилладим, — биров зор, биров безор дегандек...

Лочин ака оғир кўзгалди. Орқасидаги тоқчадан бир даста китоб олиб, олдимга ташлади.

— Манавилар ўзлариники, — деди креслога чўкиб, — пулини берингу олиб кетаверинг.

Қизариб кулимсирадим.

— Тушунмадим, ака. Нима, сиз... Ўзимнинг китобимни ўзимга сотмоқчимисиз?

— Бўлмасам-чи, — Лочин ака айланма креслода у ён-бу ён чайқалиб, ёйилиб кулди, — ҳозир бозор иқтисоди, айби йўқ.

Анграйиб қолдим. Қўлим титради, юрагим дуқиллади. «Буни худо урибди» дедим ичимда. Ўзимни босиб олиш учун бир муддат китобларимни варақлаб ўтирдим.

— Кечирасиз-у, бу одамгарчиликдан эмас, — дедим ниҳоят, — ахир мен кўнглимдан чиқариб... сизни ака, деб самимий тилак билдирган бўлсам-у, сиз...

Собиқ вазир бошини кресло суянчигига ташлаб хоҳолаб кулди:

— Лаббай? Самимий тилак дедингизми, азизим? Ўша самимий сўзларингизнинг нархи неча сўм бўлади, мулла йигит? Китоб ёзиб, кўш-қўллаб топширган пайтигизда ҳар бир сўзингизга миллион сўмдан беринг, десам нима қилардингиз? Раҳмат айтиб сўраган пулимни берардингиз. Энди бизнинг керагимиз йўқ-да, тўғрими? Энди биз отдан тушганмиз, хуллас, собиқмиз. Одамгарчилик эмиш. Илгари купора келавериб, остонамни тўздирдинглар, мана, икки йилдирки, ҳолинг қалай, деб биронтанг келдингми? Одамгарчилик шуми?

Лочин аканинг рапидадек япалоқ бетига қараб дедим:

— Хўш, мана бу китобларингиз... э китобларимга қанча сўрайсиз?

У бамайлихотир жавоб берди:

— Мен савдолашиб ўтирмайман. Каминани мақтаб ёзган ҳар бир сўзингиз учун майли, юз сўмдан бера қолинг.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Жинни-пинни бўлганми бу ўзи? Ҳозир китоб чиқариш ўлимдан қийин бўлса. Бир амаллаб чиқарган тақдирда ҳам...

Китобларимни бир-бир варақлаб, дастхатларимга кўз югуртирдим. Қарасам, бу қари тулки аллақачон ҳамма сўзларимни битта-битта санаб, пулга чақиб қўйибди. Биринчи китобда собиқ вазирни ўн икки сўзда мақтабман, бу юз сўмдан бир минг икки юз сўм бўлади. Иккинчиси — икки минг олти юз сўм, учинчиси — уч минг тўрт юз сўм, энг охири марта совға қилган китобимнинг деярли бир бетини тўлдириб қуллик қилибман. Хуллас, саккиз минг тўрт юз сўмлик хушомад сўз айтган эканман.

Зора, кўнгли юмшаса, деган умидда антиқа китобфурушга мўлтираб боқдим:

— Инсоф қилинг, Лочин ака, ҳозирги пайтда бир китоб чиқар-гунча... ўзингиз биласиз...

— Биладан, — деди у эснаб, — ҳозир ҳаммага қийин. Тунов кунга газетада ўқидим. Ёзувчиларнинг қалам ҳақи ошибди. Жилла қуриса,

орамизда бўлиб ўтган гапни ҳангома қилиб, бирор ерда бостирсангиз, ҳиссаси чиқиб кетади.

Ноилож кисса ковладим. Эрталаб хотин, уй ҳақини тўлаб келинг, деб чўнтагимга пул солиб қўйган эди. Санасам саккиз мишг чиқди.

— Мана, бори шу экан, — деб столга қўйдим.

Лочин ака, майли бориға барака, йўлингиз тушганда қолганини ташлаб кетарсиз, деб рози бўлди. Ҳиммат юзасидан китобларимни чиройли қилиб сувқоғозга ўраб берди.

Уйга келсам, хотин ношшо шумхабар тайёрлаб ўтирибдилар.

— Қуриб кетсин, ҳар кунга бир ташвиш, — деди ўзини оқлагандай, — ҳалиги Турсунбой тоғам бору Яккабоғдаги, ўшанинг ўглини прописка қилиш керак экан. Маҳалла оқсоқолига чиқсам, кўкидан борми, келин, деб ишшайди бетавфиқ. Шунга битта китобингизни ёзиб беринг, кейин ичига...

Хотиннинг оғзидаги оғзида қолди.

— Энди ҳеч кимга китоб ёзиб бермайман, — дедим тўқ эткизиб, — тавба қилганиман.

Хоним гапимга қулоқ солмай жаврайверди:

— Мана, мен бир китобингизга эслалик ёзиб қўйдим. Энди сиз кўл қўйворсангиз бўлши.

Қарасам, хотин тўра бир китобимни ички бетини тўлдириб оқсоқолнинг бола-чақасию етти авлодига ҳамду сано битиб қўйибдилар. Ўлганда олтмиш сўз чиқади.

Дастхатимга қараб ўйланиб қолдим. Мабодо оқсоқол ҳам ишлан бўшаб бекорчи бўлиб қолса-чи? Вазирга ўхшаб, ол омонатингни деса-ни? Унда хонавайрон бўламан-ку?

Бошимни кўтардим. Тепамда хоним илжайиб турибдилар. Бир қўлида китоб, бир қўлида ручка.

— Алажониси, манави ерга булбулнинг тумшугидай имзочангизни қўйворинг, илгимо-ос...

## МЕНИНГ ХҲРОЗ ҚУВГАНИМ

Йигирма йил мактабда ишладим. Қарасам ёшим ўтиб борапти. Ўғлим эр етиб, қизим бўй етиб, неваря кўрашган бўлиб қолибман. Ҳаракатимни қилмасам бўлмайди. Бир **КАРТИ** юмшатиб юмтиб, ариза ёздим. Сур-сур билан аранг мактабдан бўшаб олдим. Бўшапга бўшадиму энди нима қилишга ҳайронман. Муаллимликдан бошқа

559054

хунарим йўқ. Лекин билгимда кучим бор. Меҳнатдан қочмайман. Ўйлаб-ўйлаб, катта шаҳарга жўнадим. Темир йўл вокзалининг ёнидан ижарага арзон-гаров бир уй топиб олдим. Ўзимга ўхшаган учта бекорхўжа бор экан, мен тўртинчиси бўлдим. Азим шаҳар, барибир азим шаҳар-да. Бу ерда бировнинг юкани бозордан олиб чиқиб берсангиз ҳам беш-ўн танга ишлайсиз. Эришмасангиз, ўзингизни тарозга солмай инсоф қилсангиз бўлди, насибангиз топилаверар экан. Бир-икки кун ҳар кимнинг ҳожатиши чиқариб, тирикчилик қилиб юрдим. Кейин ҳамхоналаримнинг маслаҳати билан мен ҳам 2-МБга аъзо бўлдим. Марказий мардикорлар бозорини улар ўзларича шунақа дер эканлар.

Тош шаҳар турамыз. Енгил хўрак қилиб, йўлга тушамиз. 2-МБ шаҳарнинг қоқ марказида. Бу бозорнинг бригадири бор. У кунига азонда шефнинг ҳақини йигиб кутиб туради. Шеф келади, сафимизга назар солади.

— Кечагидан кўпми одамнинг? — деб бригадирга дўқ қилади. Кейин чстроққа чиқиб бизнинг садақамизни оладию суякка тўйган бойтеватдек думиши қисиб кетади. Бизлар ёнимизда тўхтаган машинага умидвор бўлиб қараймиз, зора биронта одам тушиб, кучимизни ижарага олса, деб кутамиз.

Ниҳоят, менинг ҳам омадим келди. Тушга яқин шундоққина тумшуғимда катта қора машина тўхтади. Ундан ёз бўлса-да, ялтироқ костюм-шим кийган бўйдор бир йигит тушди. У тўғри бизга қараб юрди. Ҳамма дувиллаб олға югуради. Бир-бирини итариб-суриб, бақиради:

— Нима ишингиз бор, ака, ест қиламиз!

— Ҳамма нарса қўлимдан келади! Савдолашмайман, мени олинг...

Мен қимирламай туравердим. Бояги йигит қий-чув қилаётганларга қийё боқмади. Сочимнинг оқини ҳурмат қилдим, тикка менга қараб юрди. Яқинлаб келдию бармоғини илмоқ қилиб чақирди. Секин олшига бордим.

— Машинага чиқинг! — деди буйруқ оҳангида. Бсихтиёр юрдим. У индамай орқа ўриндиққа чиқиб ўтирди, менга негадир шофёрнинг ёнидан жой кўрсатди. Кетдик.

Йўлга тушгач сўради:

— Бир кунингизга неча сўм оласиз?

— Юмушнинг оғир-енгиллигига қараб-да, — дедим, — икки минг, уч минг. Қандай ишингиз бор эди?

— Хўроз сўйишни биласизми?

— Анча бўлди сўймаганимга. Илгари, хўрозимиз бор пайтда сўйиб турардим.

— Менинг битта хўрозим бор, шуни сўйиб патини юлиб берасиз. Беш минг сўм тўлайман.

— Э, бу пул кўплик қилади. Хўрозингизни нари борса, икки соатда саронжом қиламиз. Бизга уч минг ҳам етади.

— Мен битта гапираман, — деди харидор йигитим, — хўрозни сўясиз, патини юлиб қозонга соласизу беш мингни олиб кетаверасиз. Гап тамом!

«Тамом бўлса — тамом, — дедим ичимда, — текин пул топадиган одамга ўхшайсан. Синган бировнинг кўзаси, тўкилган бировнинг бўзаси, менга нима, деган экан бир бечора. Шу хўрозингни сўйиб, патини юлишми, бўлди, бошлаймиз».

Тўхтамай юриб, шаҳар ташқарисига чиқиб кетдик. Катта бетон йўлнинг ўнг тарафидаги бир маҳаллага бурилдик. У жийдазор деган мавзе экан. Икки-уч қаватли уйларга қараганда, бу ерда товонидан тош ўтмайдиган тўранамо кишилар турадиганга ўхшайди.

Баланд дарвозалик кўшқаватли уйнинг олдига бориб тўхтадик. Харидорим чўнтагидан сигаретдай қора кути чиқариб, тугмачасини босди. Шу заҳоти дарвоза ланг очилди. Ичкари кирдик. Дарво-захонанинг ўзи бизнинг томорқача келади. Ҳовлинику, айтмаса ҳам бўлади. Гир айлана қилиб нақш-нигорли иморатлар солинган. Ҳовлида дарахт кам, ҳаммаёқ гулу гулзор. Ўртада катта ҳовуз, чеккароқда баланд шийпон, икки-уч киши ўтирадиган кичкина-кичкина айвончалар.

Харидоримнинг исми Мирсодиқ экан. У мени эргаштириб, ҳовуз бўйига олиб борди. Икки йигит гурунглашиб ўтирибди. Олдиларида думалоқ стол, турли ноз-неъматлар, ранго-ранг шишалар. Йигитларнинг бири сёмиз, қориндор, олақўз. Эгнига оқ тўр кўйлак кийиб олган. Иккинчиси чиллашир: бўйни узун, ингичка, қовунбош.

— Мана хўрознинг кушандаси, — деди Мирсодиқ мени кўрсатиб.

— Унда бошладик, — деб хириллади олақўз ва ёнидан юз доллар чиқариб столга ташлади. Чиллашир йигит чийишлади:

— Паст кетманг, ака! Гавдангизни қаранг!

Олақўз совуқ кулди:

— Етмаса, ёнига сени қўшиб тиквораман, ҳошимча!

Бу йигитлар бир нима устидан баҳс ўйнаганини пайқадим. Мирсодиқ шофёрига сим қоқди. У шипиллаб бир уйга кириб кетдию анчадан кейин катта темир қафас кўтариб чиқди. Темир қафасда

тожиси шапалоқдай келадиган қизил-қўнғир, семиз хўроз тўдайиб турарди.

— Мана шу хўрозни тутасиз, — деди Мирсодиқ, — тутиб сўясиз. Патини юлиб берсангиз, бўлди, орамиз очик. Тушундингиз-а?

Бош силкидим. Чиллашир йигит яна чийилллади:

— Тутолмайди, тутолмайди, мана кўрасиз...

Бақалоқ унга ўкрайиб қараб қўйди:

— Тутолмаса, ўрнига сени сўйиб, табака қиламиз.

— Ва-а! Мен ориқман, бир чимдим ҳам этим йўқ!

— Оч! — деб буюрди Мирсодиқ. Шофёр қафаси очди. Бабақ хўроз сакраб чиқдию ҳовлининг тўридаги гулзорга қараб йўрғалади. Мен ортидан эргандим. Хўроз менга ўгирилиб қаради ва лип этиб, бир туп қалин гулнинг ичига кириб кетди. Мен нариги тарафга ўтиб кутиб турдим. Чиқавермагач, гулзорни титкилай бошладим. Шу пайт хўроз «қа-қа!» дедию ирғиб чиқиб қочди. Мен қувдим. У учиб бориб, бир пастак дарахтга қўнди. Мен бир-бир босиб яқинлашдим. «Туту! Туту!» деб қўлимни чўзиб боравердим. Дарахтга етиб энди ушлайин деганимда хўроз «ку-ку-ку!» деб потирлаб учдию ўн қадамча нарига бориб тушди. «Қани, қўлингдан келса, тутиб ол», дегандек ҳовуз ёнида менга қараб турибди. Ўзимча уни алдамоқчи бўлдим. Ерга ўтирдим. Хўроз у ёқ-бу ёқ алаңлаганда туфлимни ечиб, ялангоёқ бўлиб олдим. Сакраб туриб, сиртлондай унга ташландим. Хўроз қақалаганча лапанлаб қочди, мен ер чангаллаб қолавердим. Йигитлар гуриллаб кулишди. Чамаси, Мирсодиқ билан чиллашир йигитнинг тили бир шекилли, иккови кўпроқ хурсанд эди.

Ярим соатча хўроз қувиб, ҳолдан тойдим. Тилим осилиб қолди. Лаънати хўроз эса ҳаланчакнинг тепасига чиқиб, менга қараб ўтирибди. У ер баланд, камида беш метр келади. Ерга энгашдим, ёлгондан кесак олиб, отган бўлдим. Хўроз парво қилмади. У менга ўхшаган ёлланма кишиларнинг қуруқ нўписасини кўп кўрган шекилли, атрофига мағрур боқиб, бир оз ўтирдию тўғри ҳовузга қараб учди. Изма-из югурдим. У нариги тарафга ўтиб, қараб турди. Мен айланиб ўтганимча яна ортига парвоз қилди. Нима қилсам экан-а бу ярамасми? Наҳот шу паррандани тутолмай мана бу олифта йигитларга қулги бўлиб қолаверсам?

Оғзим қақраб кетди. Водопроводдан сув ичиб бир четга ўтирдим. Хўроз ҳам сал нарида намоёншкорона гердайиб юрибди. У тескари бурилганда ирғиб туриб ташландим. У «қа-қа-қа!» деб жон ҳолатда қочдию бир тикалли бутанинг остига кириб олди. Энгашиб пойлаб

турдим. Унинг катта тожи кўринди. Қўл чўзган эдим, ортига тисарилди. Мен ҳам таваккал қилиб бутага бош суқдим. Хўроз вағиллаб бетимга чанг солдию, қўлимни чўқиб, биқинимдан ўтиб кетди. Ҳам бутанинг тиконига, ҳам безори хўрознинг тирноғига тирналиб қолавердим.

Яна бирор соат хўроз қувиб кўрдим. Бироқ унинг битта патига ҳам қўлим етмади. Бунни кўриб, хўрознинг чапдастлигию менинг пошудлигимга тан бердим, Мирсодиқ олдимга келди.

— Бугун ишингиз юришмади, домла, — деди илжайиб, — хоҳласангиз биз билан тушлик қилинг-да, кета қолинг. Мана бугунги хизмат ҳақингиз.

— Қилмаган ишга ҳақ оламанми, — дедим хижолат бўлиб, — кераги йўқ.

— Хўроз тутолмаган бўлсангиз ҳам, ярим кун вақтингиз кетди. Олинг! — У чўнтагимга пул солиб қўйди.

— Қизиқ бўлдию...

— Ҳа, роса қизиқ бўлди. Сизни билмадимю аммо биз мазза қилиб дам олдик. Тожихондан берган тузимга рози бўлдим. Энди эртага келасиз. То шу хўрозни тутиб, патини юлмагунча келаверасиз. Мен ҳақингизни тўлаб тураман. Келиндикми?

Жўнадим. Кўчада овқатланиб, ҳужрага қайтганимча кун кеч бўлди. Ҳамсояларим кўкариб кетган пешонамга қараб учирик қилишди:

— Ие, домла, нима бўлди, биронтаси билан мушглашиб келдингизми?

— Ҳа, боксга тушдик, — деб кулиб қўя қолдим.

Кечаси билан ухлай олмай тўлғошиб чиқдим. Тушимга бабақ хўроз билан унинг эгаси кирибди. Мирсодиқнинг танаси одамга, башараси хўрозга ўхшар эмиш. Кўзлари кичкина, қипқизил, бурни ilmoқдай ўткир, оёқларининг тирноғи бир қарич-бир қарич. У «Ҳм, домла, қалайсиз, қатиқ берсам ялайсиз!», деб ишшайиб кулармиш. Хўроз бўлса: «Бизнинг ҳўжайин йигитларнинг хўрози!», — деб одамга ўхшаб гапирармиш.

Эрталаб қасд қилиб ўрнимдан турдим. Ё бугун ўша сўйилгурни тутиб, патини юламан, ё бу ҳовлига қайтиб қадам босмайман!

Шу қасам билан Мирсодиқниқига кириб бордим. Бу сафар ҳовуз лабида кечаги гунгалак йигит, чиллашир бола, тагин иккита узун-калта меҳмонлар ўтиришарди. Мирсодиқ, текин томонга бор, деб оғайниларини ҳам чақирган шекилли-да.

Хўрозвой нонушта қилаётган эмиш, бир замон кутиб ўтирдим. Ниҳоят, шофёр йигит темир қафасни кўтариб чиқди. Курашга чоғланган полвондек ирғиб турдим. Меҳмонлар ҳам қўзғолдилар. Улар қафасда қанот қоқиб, қуқуглаб турган бабақ хўрозга қараб, кулиб-кулиб қўйишади. Шофёр қафасни очди. Хўроз пайсаллаб чиқавермади. Унгача мен олдинроққа ўтиб, пойлаб турдим. Мирсодиқ: «Ҳа, Тожихон олга!», деб қафасни туртди. Хўроз лапашлаб чиқдию гулзор томон учди. Мен мушқудай сапчиб ўзимни унинг устига ташладим. Қўлим хўрознинг ёғочдай оёғига тегди. Бетимни атиргулнинг тиконлари тилиб юборди. Аммо хўрознинг иккала оёғидан маҳкам ушлаб тортавердим. Бир амаллаб уни ташқарига чиқариб олдим. Хўроз қайрилиб қўлимни чўқиди. Мен уни гиппа томоғидан бўғдим. Юзимдан қон оқиб, лабимга тушди. Ўз қонимни ўзим ялаб хўрлимни келди. Мирсодиқ бўлмаганда хўрознинг бўйинини қайириб, узиб ташлардим. У елиб ёнимга келди.

— Хўв шима қивотсиз?! — деб қўлимга ёпишди. Хўрозини тортиб олди. — бу шўрвага соладиган минг сўмлик товуқ эмас. Уни минг долларга олганман! Индамаса, ростдан ҳам ғийқ этказиб, а? Тожихоним омон бўлса, ҳали сизга ўхшаганларнинг қанчасини лақиллатади.

Мирсодиқ хўрознинг бўйинини силаб, тожисидан ўпиб қўйди. Мен дарвозахонага қараб юрдим. Ҳануз бетимдан қон оқарди. Қўлювғичда юз-қўлимни ювдиму, кўчага чиқдим. Минг долларга хўроз олиб, унга дори ичириб... мардикор ёллаб, қувдириб кўнгилихушлик қиладиган бойваччаларга лаънатлар ўқиб, кетиб боряпман. Кўча бошига етганда ортимга қайрилиб қарадим. Баланд дарвоза олдида ҳеч ким кўринмади.

### ЗОРИЙДАН ЎЧ ОЛГАНИМ

Тақдир экан, мен ҳам тошкентлик бўлиб қолдим. Даҳаларни обдон кезиб чиқдим. Кўнглимга Юнусобод ўтирди. Ҳавоси тоза, бир томони дала, одамлари жа унақа қурумсоқ эмас. Бозордаги қоровулбегининг ҳам инсофи бор. Азонлаб юз сўм-юз сўмдан йиғиб берамиз, то эртасигача ғингшмайди. Бодомзор деган ерда бир кампирникида ижарага тураман. Эрталаб икки пиёла чойни чалачулса ютаману бозорга йўрғалайман. Бозор шундоқ биқинимизда. Ўзим тенги қизлар, турли вилоятлардан келган опалар билан гурун

қилиб харидор пойлаймиз. Матлуба деган самарқандлик опамиз бор, шўх. Икки гапининг бири қулгили. Бу сафар ҳам учирлиқ қилди:

— Нима бало, бугун эркак зотининг бари беланги бўлиб уйидан чиқолмай қолганми, икки соат бўлди, на ғилайи, на маймоғи кўринади.

Матлуба опанинг гагини эшитгандек, ёнгинамизга ғийқ этиб новвотранг «Нексия» келиб тўхтади. Ундан ўрта ёшлардаги пўрим йигит тушди. Беихтиёр ҳаммамиз бир-икки қалам илгари босдик.

Пўрим йигит бетимизга бир-бир боқиб чиқди, оёғимизга, кўкрагимизга разм солди.

— Сиз мол оладиган қассобга ўхшайсиз, — дедим чидамай, — неча килолиги керак? Ишингизни айтинг, биз шунга қараб одам ажратайлик. Ҳовлидаги юмушларга Гулсафсар уста, домда уй йиғинтиришга, мана, Рая бор. Мен бўлсам, одам сўйишдан бошқа ҳамма нарсани уддалайман. Бир сафар оқ эчкимиз арқонга ўралиб қолибди. Қарасам, ҳаром ўладиган. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Шартта кетмондастани «от» қилиб миндиму ошпичоқ билан эчкини бўғизлаб ташладим. Так что, ишингизни айтаверинг.

Йигит чайналиб, миждовланди:

— Менга китобни шариллатиб ўқий оладиган одам керак...

Ёнимдагилар жим бўлиб қолишди. Уларнинг кўпчилиги мактабни битирмаган эди.

— Унда мен бораман экан, — дедим, — ишқилиб, китобингиз ўлгур қизикроқми? Баъзи бир хил китоблар бўлади, ўн варақ ўқимасингиздан одамни уйқу босади.

— Борганда кўрасиз. Ҳа, айтганча, иш ҳақини келишиб олайлик.

— Нархи от билан туя бўлармиди? Эрталабки чойимни уйда ичиб бораман. Тупликка бир оби ёвгон берарсизлар. Кўзимнинг нурини ўзингиз баҳолайверинг.

Новвотранг «Нексия»га чиқиб, йигитнинг ёнига ўтирдим. Шаҳарнинг кун ботарига қараб кетдик. Жинкўчалардан, катта қабристондан ўтиб, кўримсизгина бир ҳовли олдида тўхтадик.

— Бу домламизнинг уйлари, — деди йигит, — у киши таниқли одам, профессор. Қулоқлари яхши эшитмайди, кўзлари ҳам хира тортган. Лекин хотиралари яхши. Биров ўқиб бериб турса, эшитганларини дарров эсда сақлаб қоладилар.

Ҳовлига кирдик. Йигитнинг «домламиз» дегани ўлганда саксон-саксон бешни урган, тақирбош, қошлари қув оппоқ, букчайиб қолган бир қария экан. У баланд креслода оёқларини ерга осилтириб

ўтирарди. Йигит саломлашди, мени таништирди. Домла индамай бош силкиди. Йигит бир чойшак чой дамлаб кириб, хонтахтага қўйди. Қўлимга ёстиқдай китоб тутқазди. У Зорий деган ёзувчининг «Мен нега ўлмадим» деган романи экан. Юрагим орқасига тортиб кетди. Бу савилни қачон ўқиб бўламану, қачон ҳақимни оламан?

Домла кўлига қалам-қоғоз олди. Шариллатиб ўқий бошладим.

— Ҳай, ҳай, секинроқ, — деди шогирд йигит, — сиз диктор эмассиз, роман ўқиясиз.

— Ие, ҳижжалаб ўқийми? — дедим энсам қотиб, — бунақа ўқишда бу ерда бир-икки ой қолиб кетаман-ку?

— Романи ўқиб бўлгунигизча қоласиз, — деди йигит. Энди шошмайроқ ўқишга тушдим. Йигит бирпас кузатиб турдию, «Бўпти, домлажон, мен ҳали бир хабар оларман», деб чиқиб кетди. Домла ўқин-ўқин тўхтагани, қоғозига «коллизия», «ечим нотўғри», «типик характер» каби мен тушунмайдиган сўзларни ёзиб қўядию «ўқинг!» деб буюради. Хуллас, чой хўшлаб-хўплаб, эснаб-эснаб, пеннингача аранг йигирма бет ўқибмиз. Китоб жонивор ҳам ўлгудек зерикарли экан. Зорий бўлмай зорманда қолгур бир эзма ёзувчи бошидан ўтган-кетганларини эринмай бир инга тизаверибди, тизаверибди, нақ кўнглинг айшийди. Товба дейсан, галати замон бўлдими, пулинг бўлса бас, не деб ўтласанг, не деб алжирасанг, лубой босмахона ма, деб китоб қилиб чиқариб бераверали. Бушқоқ эзма-чурук китоб ёзиб одамларнинг вақтини ўғирлаганларнинг кўлига қўйдирги чиқсин-е, дедим ичимда.

— Ҳўв, мулла қиз, ўқимайсизми?

Сесканиб кетдим. Чолим ола кўзларини тикиб бақрайиб турарди. Тагин билдилаб ўқий бошладим:

— Бодроқ бўлманг. Қўтирмоч бодроқ эмассиз, — деди чол. Яна секинлашдим.

Деворсоатга қарасам, бир яримдан ўтибди.

— Чарчамадингизми, домла? — дедим, — тушлик қилиб олмай-сизларми?

— Биз сиздек студент пайтимизда кунига бир маҳал овқатланиб юраверардик. Яна бир-икки соат ўқисак, аср бўлади, бир йўла бемалол овқатланамиз.

Чолнинг зикналиги жаҳлимни чиқарди:

— Мен Сарюсийе деган олис юртдан Сизга ўхшаган прापесирга китоб ўқиб бериб, гастрит орттиргани келган эмасман. Аввал таом, кейин калом, деган гап бор, домла!

Домла олдидаги тугмачани босди. Чолнинг ўзига ўхшаган букчайган қора кампир кирди.

— Мана бу қизга бир коса овқатинг бўлса, бера қол, — деди чол, — қорни очибди.

Бирор соатдан кейин қоринни тўйгазиб чолнинг олдига кирдим.

Қарасам, у калласини ортига тапилаб, огзини ланг очганча қотиб қолибди. Бирор нарса бўлганми, деб қўрқиб кетдим. Югуриб чиқиб, кампирни чақириб кирдим. Кампир:

— Эшжонов! Туринг, мақола тайёр бўлдими, деб анави зорманда икки марта телефон қилди, — деб чолини турткилади. Сўнгра менга ўғирилди, — Зорий деган бир ўламса ёзувчи бор, ўғли банкада ишлайди. Менинг китобимни мақтаб бир мақола ёзиб берсангиз, фалон баннисага текин ордер тўғрилаб бераман, деб ваъда қилганмиш. Биласиз, қизим, ҳозир ўн кунгина баннисада ётиб чиққининг ўзи фалон минг сўм бўлади. Бу киши прापесир, Зорийни икки огиз мақтаб қўйса, сўзи ҳар ерда ўтади. Текин ордер беришса, касали билан олишарди. Сахари бор, давлениеси бор...

Бирдан гаранг чолимга раҳим келиб кетди. Майли, савоб учун яна бир-икки кун ўқиб берай, дедим. Қарасам, бўлмайдиган. Китобнинг эгаси келиб, жанжал қилди. Бу Зорий деганлари қовун-бош, калласи қалтираб турадиган чиллашир бир киши экан. Қўлимдаги китобга бир қараб қўйдую:

— Энди олтмишинчи бетга келдингларми, баракалла! — деб шанғиллади, — бунақада сиз уч ой ўқисангиз, сиз уч ой ёзсангиз... унгача камина Зорий замонавий романга аталган мукофотдан қуруқ қолар эканмиз-да.

Домла енгил эътироз билдирган бўлди:

— Биз романинг магзини чақиб, аста-аста мутолаа қилаймиз-да, Зорий...

— Бунда магзини чақадиган нарса йўқ! — деб чинқирди Зорий, — мен турмала бошимдан ўтганларни бирма-бир ёзиб чиққанман, холос. Сиздан лозими — тўрт огиз таъриф бериб, Зорийнинг ушбу асари мукофотга зап лойиқ бўлибди, деб қўйсангиз бас эди. Хушингиз бўлмаса, бу ёққа беринг китобни!

Бу ёғига чидамадим. Қарасам, бу палакат Зорий отаси тенги одамни ўтдан олиб, сувга соладиган.

— Ҳўв, намуноча қўриқчининг шақилдоғидек шақиллайсиз? — дедим унга, — бир кекса олимни ҳақорат қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?

Зорий менга ажабсиниб боқди. Важоҳатимни кўриб, ҳатто бир озовдирлади. Кейин ўнқариб берди:

— Сен кимсан ўзи? Ўртадан чиққан чақир тиканакдай бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Мен мана бу дардисарингизни домлага ўқиб бериб ўтирган эдим, энди қутуладиган бўлдим. Мана, мана!

Шариллатиб китобни йиртиб ташлайвердим. Зорий лўкиллаб келиб қўлимга ёпишди. Унгача ўн-ўн беш варақни гижимлаб остонага отиб юбордим. Жанжал устига шогирд йигит келиб қолди.

— Мен сизни судга бераман!— деб бақирди Зорий, — сиз бировнинг мулкига хиёнат қилдингиз, ярама сиз!

— Сиз эса, виждонингизга хиёнат қилдингиз! Беринг судга, тезроқ беринг! Ўша ерда айтаман, Зорий деган бир товламачи мутгаҳамлик қилиб, ит ўқимайдиган китобини текиш пўтёвқага алмаштирипти экан, дейман, хайми? Қачон берасиз судга?

Зорий индамай шогирд йигитга ўқрайиб қараб қўйди, ерда ётган китоб варақларини йиғиштириб олди-ю бир зумда ғойиб бўлди.

Кетмоқчи бўлдим, Шогирд чўнтак кавлади, хизмат ҳақимни бермоқчи шекилли-да.

— Йулкира берсангиз бўлди, ўткан кунимга розиман,— дедим, анақа гўрсўхтанинг китоби учун олган пул ҳам ҳаром.

— Унда сизни кузатиб кўяман,— деди йигит.

«Нексия»га ўтирдиму қадрдон бозорим сари учиб кетдик.

## БИРОВНИНГ ПЎСТИНИ

Бир одам театрга тушди. Томошанинг ярмига борганда зерикди. Бир тарафдан зал совуқ, унинг устига сахнада ўйналаётган воқеа ҳам бачкана эди. Кетгиси келди. Пастга тушди. Кийимхонага бориб: пўстинини сўради. Кийим берувчи унга ялтоқланиб боқди.

— Ие, кетолсизми, акамулло? Шундайчин яхши ўйинни ташлаб-а?

— Яхши бўлса артистлар ўзи кўраверсин, — деди томошабиннинг энсаси қотиб, — пўстинни олинг.

— Боз сабр қиле-енг, акамулло! Ҳалиги опшиқ бача кўшигини айтиб қайлигини чағириб олсинда, ахир. Мен сизга бир пиёла чой берай, ичиб туринг.

— Э, қизиқ одам экансиз-ку, амаки! Ошиқ йигитингиз билан нима ишим бор? Пўстинни беринг, кетаман.

— Берамиз, акамулло, берамиз, шу дамгача бировнинг жомасини кийиб қочган мардум эмасмиз. Як нафас сабр кунед, акамулло...

— Пўстин! — деб бақирди томошабин.

Чол номига илгакдаги кийимларни нари-бери суриб кўра бошлади.

— Ҳали замон кўрувдим сабил қолгурни. Қайси тўрга кетди, ман ҳайрон...

Шу пайт тепадан ҳовлиқиб бир йигит тушиб келди.

— Пўстинингиз бу ёқда, — деди у ва сечиб эгасига тутқазди.

Томошабин бир пўстинига, бир актёр йигитга қараб ажабланди.

— Тушунмадим. Негача менинг пўстинимни кийиб юрибсиз?

— Айбга қўшмайсиз, ака, бозор иқтисоди. Гоҳо томошабинларнинг кийим-бошидан фойдаланиб турмасак, театрда тузукроқ кийимнинг ўзи қолмади...

## УХЛАТАДИГАН ДОРИ

Ким нима деса десину, аммо бизнинг дўхтирларимиз орасида ҳам ўша мақтанчоқ чет элликлар олдига похол тўшаб кетадиган устомонлар бор. Ишонмасангиз, мана бу воқеага кулоқ солинг.

Бир кишининг аҳволи оғирланиб касалхонага тушди. Уни операцияга ётқиздилар. Жарроҳлар ювиниб-чайиниб тахт бўлишди. Энди беморга наркоз бериш керак эди. Бироқ аксига олиб, наркозчи дўхтир келавермади.

Шу пайт эшикда Шоймардон деган шумхаёл, ҳазилкаш дўхтир кўринди. У жарроҳларнинг бир нарсадан дилгир бўлиб турганини сезиб ичкари ўтди. Икки оғиз гапдан масалага тушунди. Секин беморнинг тепасига борди, энгашиб унинг қулоғига шивирлади:

— Ёриев, сизни бир йўла учта катта дўхтир операция қилмоқчи. Ўзингиз тушунасиз, уларнинг ҳар бирига битта-битта кўкидан бериш керак. Сигир-бузоқ, дегандай, бордир уйда? Сотасиз-да, тоға. Жонингиз омон бўлса, мол топилади.

Бемор кўзларини пириратди, бир нима демоқчи бўлиб тамшанди ва... хушидан кетди. Шоймардон касбдошларига ўтирилди:

— Ана, текиш наркоз! Бир соат ўзига келмайди. Бемалол кеса-веринглар.

— Ёриевнинг касали кўричак экан, ярим соатга қолмай бажо қилишди. Бемор кўзини очганда Шоймардон илжайиб турарди:

— Ҳазиллашдик, тоға, хафа бўлмайсиз. Бир сўмингиз керак эмас, Сигир-бузопингиз ўзингизга буюрсин. Оғдай бўлиб кетинг.

### «АЛПОМИШНИНГ ЭНАСИ»

Мастон холанинг уйи бузилди. Дўппидек бўлсада, шаҳар марказида ҳовлиси бор эди. Қирқ йиллик кўшнилари билан тиллашиб, тўртга товугига, Ҳасан чолита қараб умр кечириб юрган эди. Бир куни маҳалланинг каттаси кириб айтди, бу ердан катта йўл ўтармиш. Шунга йигирма чоғлиқ хонадон бузилармиш. Чолу кампир не дерди? Кўпчиликка келган тўй, беватан кўчада қолмасмиз, дейишди.

Ҳан-пан дегунча кампир келиш бўлиб тушган ҳовли теп-текис бўлди. Чол-кампирга икки хоналик чиройли уй беришди. Мастон хола қишда кўмир, ёзда ёғоч ёқиб овқат пиширишдан, ҳовли супуриб, қор қурашдан қутилди... бироқ бирор ойдан кейин зерика бошлади. Бу «дом» деганида одам бекорчиликдан ўлиб қолар экан. Кампир ўйлаб-ўйлаб, бозорга чиқмоқчи бўлди. Чоли эски ҳовлиси бузилганида ҳар хил темир-терсақлардан йигиб қўйган эди. Мастон хола кичкина аравасига ўша темирларни ортди-ю, бозорга йўргалади. Аввало, эрмак, бозорчи одамларни кўриб, ҳоври босилади. Қолаверса, бир сўм бўлса-да, ҳарна, пенсияга суянчиқ.

Ана, бизнинг кампиримиз ёйма бозорга кираверишда керилиб ўтирибди. Олдидаги сувқоғозга буюмларни ёйиб қўйган. Улар орасида бир-бир ярим қулоч келадиган арматурагача бор.

Шу пайт Мастон холанинг олдида бир полвон йигит келди.

— Хола, мана бу симингизга қанча сўрайсиз? — деди бир метр келадиган арматурани қўлига олиб. Бу холага пашъа қилди:

— Яхшилаб қара, болам. Бу сим эмас, темир тайёқча. Арматур дейди. Ўқловдай келадиган темирни сим дейсан-а, болам?

— Биз учун сим-да бу, эна, — деди қулиб полвон йигит. У битта арматурани зуваладай қилиб эгиб ўйнай бошлади. Кампир порози бўлди.

— Кўрдик, билагингда кучинг бор экан, — деди хола, аммо бу савилини оладиган бўлсанг майиштирмагин-да, болам. Олмасанг, молимни бузиб пима қиласанг?

Кампир йигитнинг қўлидан темир тайёқчани олди, енгил ҳаракат билан уни тўғрилади ва олдидаги сувқоғозга ташлади. Буни кўриб, полвоннинг кўзи чиқиб кетди.

— Ие, момой, сиз Алпомишнинг энаси экансиз, тавба қилдик, — деди. Йигит ҳамма темир-терсақни йигиштириб олди. Кампирнинг айтганидан икки ҳисса кўп пул тўладию жўнаб қолди.

### ЁЛҒОНЧИНИНГ РОСТ ГАПИ

Бобом раҳматлик ёзда сояси яхши бўлади, деб эшигимизнинг олдида бир туп мажнунтол эккан эди. Шу мажнунтол мени ёлғончиликка ўргатди. У пайтлар мактабга бормас эдим. Баҳорда эли шескилли, бир куни айвонда қамишдан най ясаб ўтирсам, Шермат укам ёнимдан лип этиб ўтди. Нима қилар экан, деб деразалан қараб турдим. Шермат уйга кирди. Тўғри бориб токчага осилди. Токчада икки коса нишолда турарди. Бобом ифторлик қиламиз, деб атайин шаҳардан олдирган эди. Шермат бир-икки уринди-ю, бўйи ётмагач, бурчакдаги стулни судраб келиб тагига қўйди. Чўзилиб, нишолдага беш панжасини тикди. Энди икки марта ялаганда коса ағдарилиб тушиб синди. Шермат кўрққанидан стулниям унутиб кўчага қочди.

Бир оздан кейин бобом кирди.

— Буни ким қилди? — деди косани кўрсатиб.

— Мен эмас... Шермат сипширди, — дедим. Бобом ишдамай толга қараб кетди. Ингичка новдасини синдириб олди-ю, шип этказиб белимга бир туширди.

— Қилғиликни қилиб, ҳали ёлғон ҳам сўзлайсизми?

— Мен синдирмадим... Шермагингиз... ўлай агар... — деб хипчиндан ҳайиқиб, бир ёнимга ёпбошладим.

Яна бошимда новда зувиллади.

— Нега оғзинг оқариб турибди яламасанг?

Мен: «Қамишни пуфлайвериб, оғзим кўшириб кетди», дейишга кўрқдим.

— Худо урсин, бобо, мен яламадим!..

Мажнунтолнинг новдаси бешинчи марта зувиллаганда юз тубан ётиб олдим.

— Жон бобо, урманг... Мен... мен яладим нишолдани... — дедим йиғлаб, — косаниям мен синдирдим. Нон урсин...

— Ана энди эсинг кирди, — деди бобом, — бўйнинг узилсаям ёлғон гапирма.



Бобомнинг насихатини мен ўзимча тушундим: «Ёлғон гапирсанг майли, бироқ қалтак ема». Шундан кейин ишларим юришиб кетди. Бобомнинг кўзларига бақрайиб туриб ёлғон сўзлайман. Қилган ишимни қилмадим дейман, қилмаганимни қилдим, дейман. Шафтолини мен ейман, шапалоқни Шермат, қазноқдаги бозор ўрикнинг хузурини мен кўраман, мажнунтолнинг хузурини Шермат кўради. Нима бўлганда ҳам укам-ку, деб бир-икки марта унинг ёнини олиб рост гапирмоқчи бўлвудим, бобом толни қўйиб, олма ёғоч кесиб келди. Олма новдасишнинг мазаси бошқачароқ бўлар экан. Илгарилари, тол чивик еб юрганымда иргиби туриб кетардим. Олмадан кейин остонагача эмаклаб боришга тўтри келиб қолди.

Мактабга бордим. Ўқитувчимиз эртақдаги камширларга ўхшайдиган қари бир хотин экан. Бечора дарсда нимагадир доим олма еб ўтиради. Мени, бўйини кичик, деб биринчи қаторга ўтқазди. Қарасам — қулдай ишлатадиган, «Исмат, доскани ўчир!», «Исмат, бўр олиб ке!», «Исмат, эшикни ёп...». Бир кун доска ўчиргани латта олдим, бориб деворни ишқайвердим. Болалар қулди, ўқитувчи уришди.

— Опа, мен шабқўрман, — дедим ҳиқиллаб, — яқиндан яхши кўролмаймаман.

Ўқитувчининг раҳми келиб, мени энг охирги партага ўтқазди. Маза бўлиб қолди. Ёнимдаги бола билан парта остида бекинмачоқ ўйнаймиз, қизларнинг сочини бир-бирига боғлаб қўйиб, танаффусда чувиллатиб қуламиз. Лекин охирги партанинг ёмон ери ҳам бор экан. Ўқитувчи ўтилган дарсни аввало шу ёқдан сўраркан. Ўйлаб-ўйлаб, бунинг ҳам йўлини топдим. Дарс тайёрламай келган қушларим: «Опа, мендан сўранг!» — деб шовқин соламан. Ўқитувчи сўрамайди, писиб ўтирган болаларни тургазади, улар жавоб беролмаса, қулоқ чўзма қилади. Билмайдиган қушларим «Кеча... кеча», дейману кўзимни тупуклаб, бурнимни тортаман. Ўқитувчимиз ҳайрон бўлади.

— Кеча нима бўлди, Исматжон, айта қол, болам...

— Кеча... тоғам ўлиб қолди... — дейман партани кучоқлаб. Ўқитувчи жим бўлади-ю, бошимни силайди. Кейин уйга жавоб бериб юборди.

Хуллас, ёлғонга эгар-жабдуқ уриб, юганлаб, саман отдай миниб олдим. Ўнинчини битиргунча етти марта холам, тўрт марта тоғам, икки марта аммам, уч марта амаким «ўлди». Мабодо дарсга бешолти кун келолмай қолсам, Чимкентдами, Жамбулдами турадиган поччаларимдан бири ўлган бўлиб чиқади.

Мактабимизда битта физика ўқитувчиси бўларди. Баҳога ўлгидай қурумсоқ эди. Ўз ўғли булбулдай сайраб турса ҳам, сўкиб-сўкиб

аранг «уч» қўйиб берарди. Ўғлининг аҳволи шу бўлгандан кейин бизниқини билаверинг. Ўша зиқна муаллим альякимга: «Агар Исмат институтга кирса, мен қишлоқдан кўчиб кетаман», — дебди.

Аттестат олгандан кейин уни кўчада кўриб қолиб тегишдим:

— Институтга кетяпман, муаллим, лаш-лушларингизни йиғиштираверинг.

— Боравер-чи, — деди хасис физик кулимсираб, — менинг аравам тайёр.

Институтга ҳужжат топширдим. Баҳоларимни кўрган одам гўра егандай афтини бужмайтириши мумкин эди. Лекин ўша одам таржимаи ҳолимни бир ўқиб чиқса, дарҳол хўшраб мени бағрига босиши, чўнтагимга талабалик гувоҳномаси билан уч ойлик стипендияни солиб, юз-кўзимдан чўлп-чўлп ўпиши турган гап эди. Негаки, таржимаи ҳолим бўйича мен дунёда соямдан бўлак ҳамсоям йўқ, бечораҳол бир етимман. Мен қип-қизил ялангоёқман. Мен ҳар кимнинг эшигида бир хизмат қилиб кун кўриб келганман. Ана энди камбағалпарвар ҳукуматимизнинг даврида олий мактабда ўқиб одам бўлмоқчиман...

Ростми-ёлғонми, менинг таржимаи ҳолимни кўриб, ректорнинг кўзидан ёш чиқиб кетганини. Нимага десангиз, у киши ҳам ёшлтигида менга ўхшаб (яъни ўхшамай, демоқчиман) етим ўсган экан-да!

Алқисса, биринчи сентябрда чалинган қўнғироқ мени ҳам аудиторияга етаклаб кирди. Лип этиб кўз олдимга физика ўқитувчиси келди. Нима қилди экан бечора, кўчдимикан? Тавба, дейман ўзимча, элликка кирибди-ю, икки эллик ёлғонни эплай олмаса-я? Исмат билан ҳазиллашувдим, деб қўя қолмайдими? Ахир, ҳамма вақт рост гапириш осонми? Одам тағчармдай тўзиб кетади-ку! Рост — сиркадай гап. Сирканинг ўзини ичиб бўлмайди. Унга озгина сув қўшилса, таомни хушхўр қилади. Шунинг учун ҳам сув-ёлғон, деб қўйибдилар.

Физика ўқитувчимга: «Сизни табриклайман, институтдан йиқилдим», — деб телеграмма юбордим.

Институтда қандай ўқиганимни айтсам, барибир ишонмайсиз. «Зачётлар» бошланди дегандан «чўлоқ» бўлиб, ҳасса таяниб оламан. Имтиҳонлар пайтида гоҳ «тутқанок» касалим тутади, гоҳ «азонгача квартирант кампирнинг оғзига сув томизиб» чиқаман. Ҳеч иложини қилолмасам, шартта бобомни «ўлдириб» қишлоққа кетвораман.

Мен ёлғонларимни тоифаларга бўлиб, битта дафтарга ёзиб борадиган бўлдим. Уларни домланинг фёъл-атворига қараб ишлатаман. Масалан, агар домланинг кўнгли қаттиқ, тили аччиқ бўлса, «ўлган-

йитган» баҳонаши ишга соламан. Асов отдай пишқириб турган домлажоним бирдан юмшоқ тортади.

— Э... чакки бўлибди, — дейди лабини тишлаб, — қани, за-чёткангизни бера қолинг.

Мабодо, ёшроқ ё мурувватлироқ домлага тушиб қолсам, дафтарчамнинг «Тасолифлар, Холис хизматлар» деган бетини очаман. Мен туфайли «омон-эсон тугруқхонага етиб олган» муштипар аёлнинг миннатдорчилиги ё уйдан алашиб «бўзлаб юрган бола-кайнинг кўз ёшлари»ни ёшиб-куйиб гапира бошлайман. Ёшроқ домлам бақрайиб қолади, кексароғи бош силкиб маъқуллайди. Ахийри, ўтмас аррачинг тишидай кемтик «уч»ни оламану шилт этиб тузоқдан чиқиб кетаман.

Туриб-туриб бир нарсага қойил қоламан. Мен ёлгонши циркдаги жонглёрнинг тўпидай отиб ўйнайману, лекин биронта киши мени ёлгончи демайди. Аксинча, кимга нима десам, чиппа-чин ишонади. Ўйлаб-ўйлаб бунинг ҳам сирини топдим. Бир хил одамлар ростни ростга ўхшатомайди, негадир ерга қараб, қизариб гапиради. Мен эса ёлгонни ростга ўхшатиб юбораман. Гапирганда ҳовлиқаман, бидирлайман, энтикаман, қуюнаман, уҳ тортаман, лозим бўлса, кўз ёш ҳам тўкаман — ишқилиб, ростга ўхшатаман. Шунинг учунми, домлаларимнинг кўзига шумшук кўринмайман, вечер-мечер бўлса, аълочи студентларнинг биқинида ўтирмасам-да, пойгакка тушиб кетмайман, курсдош қизларнинг бир ажиб, ҳаёли табассумидан мен ҳам куруқ қолмайман.

Бизнинг Туркистон тарафларда лола хазон бўлиб, атиргул очиладиган пайтда диплом чўнтакка туниди. Тушовланган отга ўхшаб, шаҳарда зўрга юрган элим, пир этиб қишлоққа учдим. Ўразмат тажан деган киши раис эди. Ўзи хирсадай, қўпол, гапирса ўттиз икки тиши бирдай ёнар, юзишда кўзинг борми, демай чақиб оларди. Бироқ унинг қитиғи қаердалигини билардим. Уч кун деганда идорага бориб, қитиғ патиға тегдим.

— Султон суягини хўрламас, ака. Сиз мана шу қишлоқнинг султонисиз, — дедим кўзимни лўқ қилиб. — Сиз султон бўлганда ҳам анов-манов султон эмассиз. Султонларнинг лочинисиз. Бир лочининг қанотида миш чумчуқ кун кўрар экан. Минг биринчи бўлиб келдик. Қанотингизга олсангиз, насибамизни териб еб юрсак: Ўразматжон ака...

Ёлгонимга тажанг қалпоқдай учди. Олдин эснаб ўтирувди. «Лочин»ни эшитиб, жағи қарипди-ю, қоғоз-қалам ахтариб қолди.

«Бир куни бошингни ейман-ку сенинг», деб қўйдим эшикка чиққанда.

Шундай қилиб, 2-бўлимда ишлай бошладим. Бўлим бошлиғи икковимиз дастлаб ёғ билан сувдай қўшилолмай юрдик. Қараб турсам, тагимда хандақ ковламоқчи. «Бунинг қўлидан кетмонини олиш керак», деб ўн саккиз йил ўзимга холис хизмат қилган тилимни ишга солдим. Бир куни бошлиқ билан чойга чиқдик.

— Сиз менга жигаримдан ортиқсиз, Мансур ака, — дедим шивирлаб, — кеча туманга борувдим. Янги гап эшитдим. Раис кетармиш. Ўрнига сизни тайинлашмоқчи экан. Бир қувондим, бир қувондим! Хайрият, ҳақиқат бор экан, ака...

Бошлиқ бармоғини лабига босиб, «Ўрага», деди, мен «сичқон» дедим. У «туниди» деди, мен «гулдир» дедим. Сўнг икковлашиб «гуп» деб кулишдик.

Эртасига зириллаб идорага тушдим. Раисни холи топиб, энтикиб кирдим. Қора қозондай қоп-қора башарасига энганшиб:

— Мен сизни жигаримдай яхши кўриб қолдим, — дедим тап тортмай, — бироқ бизни етим қилиб кетасиз экан. Кеча марказга борсам, дув-дув гап. Катта хўжайин кетармиш. Ўрнига Ўразмат ака бўлармиш, деб одамлар чапак чалиб юрибди. Бу хабарни эшитдим, олдингизга қараб югуравердим.

— Агар айтганинг келса, тўрт йилда менинг ўрнимда ўтирасан! — деб тажанг раис креслоши бир урди.

— Айтганингиз келсин! — деб сидирилиб чиқиб кетдим.

Шу-шу, бўлим бошлиғи мўлтираб идора томонга қарайди, раис эса умидвор бўлиб туманга кўз тикади. «Қарайверсин, — дейман ичимда, — менга деса қараб кўзлари тешилмайди! Биз вазифамизни бажардик».

Ёлгоннинг қудрати мени хавfli хандақлардан халос қилди, атрофимдагиларнинг наздида бир қарич кўтариб қўйди. Бўлим бошлиғи сув еган тол чивикдай юмшаб қолди, раис мени кўрса, қўл бериб сўрашадиган бўлди. Исмат читтак эдим. Исматилла бўлдим. Баҳорга чиқиб, Исматиллобекка айландим.

Менинг Исматиллобек бўлишимни кутиб ўтиргандек, бир куни бобом, катта момом, онам, укам маслаҳатга йигилишди.

— Мушук мов бўлди, сенинг даминг чиқмайди, — деди бобом, — кўзим тиригида уйлаб қўяй. Дарддан бошқанинг жуфти яхши.

— Кимнинг эшигини супурай, болам, кўнглингдагини айт, — деди момом.

— Уйланмасангиз жавобимни беринг! — чийиллади Шермат укам. — Ўзим эртагаёқ обкеламан биттасини.

Онам олдимга бир даста расм ташлади. Мундоқ ўйлаб қарасам, йигирма бешга кирибман-у, ишқ-муҳаббат деган паризод билан бир дамгина улфат бўлмабман, қошингни тагида кўзинг борми, деб битта қизнинг юзига тикилиб қарамабман.

Онам берган суратларни қартадай чийлаб ўтирдим. Қизлар, қизлар... Оқ юз, чувак, бодомқовоқ, шахло кўз... Ўн тўққиз яшар, ўн саккиз яшар... Ўн саккиздаги қизнинг хунуги бўлмайди, деб эшитгандим. Қиз-да! Қизнинг бари яхши.

— Нима дейсан? — момом ҳаёлимни бўлди.

Яна суратларга тикилдим. Оловдай ёниб турган битта қиз юрагимни жиз эткизди. Индамай олиб, чўнтакка урдим. Уйдагилар энгил нафас олди.

Чўнтакка тушган қизнинг исми Моҳира экан. Ўзи ёнимиздаги кончилар шаҳрида тикувчи бўлиб ишлармиш. Уч кундан кейин беш метр лавсанни кўтариб олдига бордим.

— Мана шундан костюм-шим тикиб берсангиз, синглим, — дедим унинг қоп-қора, узун киприklarига термилиб. — Фақат тезроқ.

— Намунча шошасиз? — чимирилди қиз. — Навбати билан-да.

Мен сохта қамтарлик билан илжайдим:

— Шошмасдим-у... бир ойдан кейин Африкага ишга кетяпман. Шунинг учун сўнгги молада бўлса...

Шундай деб сипо юриш билан чиқиб кетдим. Ортимда қизлар шивир-шивир қилиб қолди.

Эртасига ательега яна келдим. Бу сафар Моҳиранинг ўзи қаршимга югуриб чиқди.

— Моҳирахон, — дедим ёлгондан ҳансираб, — ишонсангиз, кечаси билан ухламай чиқдим. Тупимда бир сизни кўраман, бир Африканинг ёввойи филларини. Ҳазрати Султоннинг гумбазидай келадиган катта филнинг устида олтин тахт эмиш. Тахтда, ипак чодир ичида сиз ўтирганмишсиз. Мен қўлимда қўнғироқ чалиб, филни етаклаб кетаётган эмишман.

Қиз уялиб ерга қаради.

Учинчи келишимда қиз рози бўлди. Тўртинчи сафарида тўй куни белгиланди. «Куёвимиз Африканинг поездига кечикмасин», деб қайнота-қайнонам тўйни шапир-шупиргина ўтказиб берди.

Чимилдиқ йиғилди, кейин келиннинг чилласи ҳам чиқди. Аммо «Африканинг поездидан дарак йўқ эди.

Африкага поезд бормаслигини бечоралар қайдан билишсин. Моҳира бир куни елкамга қўл ташлаб, эркаланиб сўради:

— Африкага қачон кетамиз, Исматилла ака?

— Қанақа Африка? — дедим энсам қотиб. — Э, уми? Ие, ҳали эшитмадингми? У ёқда давлат тўнтариши бўлибди. Ҳаммаёқ алғов-далғов эмиш-ку!

Моҳира мунгайиб қолди:

— Ёлгончи...

Бу — менинг биринчи таъна эшитувим эди. Шунча йил одамларнинг кўзига бақрайиб туриб ёлғонладим. Лекин ҳеч ким ёлғончи демаганди. Хотиним айтди. Эҳтимол, у шунчаки ўйнаб айтгандир. Бироқ, ўйнаса ҳам ўйидагини деди. «Ёлгончи...» Шу бир калима сўз игна бўлди-ю, товонимдан кириб, миямдан чиқди. Кун бўйи иситмалаб юрдим.

Кечкурун ётиб ўй ўйладим. Ёшим ўттизга яқинлашди. Умрнинг ярмини яшаб қўйдик. Суйган ёрим қўйнимда, қўнғироғи бўйнимда.

Бир йил бўлмай ўрмалаб бош иқтисодчининг ўрнига чиқиб олдим. Қозон мой, чўмич ҳам мой. Иззат-ҳурмат ҳаминқалар. Энди менга не керак? Неча йилдирки, виждонни бир латтага тугиб, қўл етмас ерга илиб қўйганман. Энди уни олай, очиб ичидагисини қўқсимга солай. Рост гапирай.

Эртадан бошлаб ростгўй бўлишга қасам ичдим. Эшикдан чиқаверишда хотиним тайинлади:

— Бугун далам келар экан, вақтглироқ қайтасиз-да, Исматилла ака.

— Иложи йўқ, — дедим, — бугун бригадирларимизнинг тузилган куни. Ош қилмоқчимиз.

Бошқа пайтда хотинини алдаб, бир қоп семиртирдим. «Албатта келаман, жонидан!» дердиму келолмасам, оқшом мишг бир баҳона топардим: далада трактор ағдарилибди, фалончини чаён чақиб олибди, шийпон ёниб кетибди...

Хотин ўқсиб, устунга суяниб қолди.

Идорага келдим. Ҳовлида Мавлон ака деган эски тракторчи турган экан хонамга етаклаб кирдим.

— Менга қаранг, Мавлон ака, — дедим, — нега сиз пулингизни олмайсиз? Ё бойиб кетдингизми?

— Қанақа пул? — деб тракторчи ажабланди.

Дафтар варақлаб, ҳисоблаб бердим.

— Мана, мана! Уч йилдан бери йиғилиб-йиғилиб, 4381 сўм 28 тийин бўлибди. Бу — ёлдан, эҳтиёт қисмлардан тежаганингиз. Олиш керак. Бола-чақангизнинг насибаси.

Мавлон ака шартта туриб, мени кучоқлаб олар десам, аксинча, хафа бўлди.

— Масхара қилма, иним. Отанг тенги бўлмасам ҳам, акаш қаториман. Илгари бугалтир ўн марта ҳисоблаб, бир тийин олмайсан, деган. Йўқ ердаги пулни бериб, бошимни балога кўймоқчимисан?

— Кечирасиз... мен рост... айтияпман, — дедим негадир қизариб. — Мавлон ака дик этиб турди. Остонадан пўписа қилди.

— Уят бўлади, ҳали ёшсан!

Тавба, одамларга ёлгон гапирсанг, рост дейди, рост сўзласанг, ишонмайди. Мен бу кишига ўз ҳақини ундириб бермоқчиман-у, у бўлса мени тошбўрон қилмоқчи.

Пешинда бригадиримиз ош қилди. Яхшигина торт-торт бўлди. Бўлим бошлиғимизнинг сўлаги оқиб, гўлдираб қолди. Илгарилари ичиб чойнак-пиёла синдирса ҳам «Мунча ширин маст бўласиз, Мансуржон ака!» деб мақтардим. Ҳозир афтига тўғри гапни ёпиш-тирдим.

— Ичишни энлаёлмасангиз, нима қилардингиз расво бўлиб?

Мансур аканинг кайфи учиб кетди. Калласини чайқаб, оғзидан кўпик сочди:

— Қач-чоңдан... бер-ри ич-чолмайдиган б-бўлиб қолганмиз-з?... А?! — у столни бир муштлади.

— Бутун эрталабдан бери, — дедим тап тортмай.

Бўлим бошлиғи қутурган туядай устимга бостириб кела бошлади:

— Ҳўв-в... П-патлар-ришғни юл-ламан, чум-чуқ!..

Ўтириш ҳаром бўлди. Тарқалишдик.

Кечга яқин раис чақиртирди. Туманда йиғилиш бор экан. Мен икки оғиз гапиришим керак экан. Бирга жўнайдиган бўлдик. Раис ичкаридан масхарабозларнинг кийимига ўхшайдиган костюм-шим кийиб чиқди.

— Қалай? — деди илжайиб менга.

Бурунги вақтда пўстак ёпиниб юрса ҳам мақтаб нархини ошираверардим. Энди тўғриси айтдим.

— Сизга ярашмабди.

Ўразмат ака тумтайиб, машинага чиқиб ўтирди. Марказга етдик. Мажлис бошланди. Менга навбат келганда минбарга чиқдим-у ширкатни оқ қалтак, қора қалтак қила кетдим, жамики нуқсонларни

очиб ташладим. Одамлар чапак чалди, президиумла ўтирганлардан бир-иккитаси бош силқиб кўйди. Секин залга қарасам, раисимизнинг қовоғи осилиб, тумшуги тиззасига тушиб кетибди.

Чапакларга кўмилиб, минбардан тушдим. Ташқарига чиқсам, машина ҳам, раис ҳам йўқ. Мени ташлаб кетиб қолишибди. Йўловчи машинада аранг уйга етиб олдим.

Тонг билан раис чақиртирди. Жон ҳовучлаб идорага бордим. У кабинетда қафасдаги йўлбарсдек бетоқат юриб турган экан. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, гапни сўкишдан бошлади:

— Қип-қизил аҳмоқ экансан-ку! Нима, қорнингиз тўйими? Сассиқ кекирдак бўлдингизми? Ё тавба! Ҳамма туядай айби бўлса, кўйинга яширади, бу акам қилдай нарсени филдай қилиб кўрсагади! Овора бўласан, мени йиқитолмайсан! Менинг томирим сувга етган! Чик, кўзимга кўришма! Итнинг бошини тилла товоққа солсанг юмалаб тушибди...

Эртасига вазифамдан пасайтиришди. Оддий иқтисодчи бўлиб қолдим. Бўлим бошлиғи собиқ кетмонини олиб, яна тагимдан чоҳ қазишга тушди. Қани нима бўларкин, деб тагин икки кун рост гашириб кўрдим. Қарасам, бўлмайди. Сиқимлаб жамғарган обрўйимни қоплаб совурадиганман. Унинг устига вилоятдан ревизор келиб юрагимни ёрай, деди.

Ўша куни раис йўқ экан, ревизорга югурдаклик қилиш менга топширилди. Тоққа чиқдик. Ревизор кўйларни у ёққа ҳайлади, бу ёққа ҳайлади, санаб-санаб, ўн иккита кам чиқарди. Кейин «хўш?» дегандай менга қаради. Мен гапнинг ўғил боласини айтиб кўя қолдим:

— Энди, ревизор ака, меҳмон-пеҳмон келиб туради. Шуларнинг оёғига қурбон бўлган-да, қишлоқчилик...

Ревизор икки қўлидан тўрт бармоқ ажратиб «панжара» ясади. «Панжара»нинг тешигидан тиржайиб менга қарали. Бўғзимга суяк тиқилгандай, нафасим чиқмай қолди. Чунки раис ҳалиги «панжара»га тупса, ёлғиз ўзим зерикаман, дамка ўйнаб ўтираминиз, деб мениям чақириб кетиши мумкин-да! Негаки, ўша ўн икки кўйнинг бир илиги бизнинг томоғимиздан ҳам ўтган.

«Қайдасан, кўксимдаги гавҳарим?» деб дарҳол ёлгонлашга ўтдим:

— Ҳазиллашдим, ревизор ака! Сизни бир синаб кўрмоқчи эдим. Ҳалол экансиз. Минг раҳмат! Ҳалиги ўн икки кўйнинг олтитасини бўри еб кетибди, тўртгаси жарга қулаб ўлибди, иккитасини... иккитасини тўнғиз отиб юрган овчилар билмай отиб кўйибди. Уларни ундириб олдик. Ишонмасангиз, ана, зоотехникдан сўранг.

— Худо урсин, рост! — деди зоотехник даг-даг титраб.

— Бу бошқа гап, — деди ревизор папкасини ёпиб, — кўй бўлгандан кейин бўри ейди, жарга қулайди.

Хуллас, ревизор шарафига яна битга кўйни «жарга қулатиб» ўлдирдик. Далолатнома туздик. Тиш ковлаб, кекириб қишлоққа қайтдик.

Эртаси кунни оқшом ҳовлида ётувдим, шилдираб зоотехник кириб келди. Икки шишаси бор, кўлтигида тўрт килоча гўшт.

— Мени бир ажалдан олиб қолдинг, Исматилла, — деди йнгламсираб, — сен бўлмаганда онамни учқўрғондан кўрувдим.

Алламаҳалгача улфатчилик қилиб ўтирдик. Зоотехник кетгач, ўтириб танамга ўйладим: «Хўш, ҳорманг энди, мулла Исматиллабек! Рост гапириш қалай бўларкан? Мажнунтолнинг новдаларини унутдингизми? Ёлғон гапириб ош еган яхшими, рост гапириб тош еганми?» Сийнамдан «Ош!» деган нидо келди.

Азонлаб бориб Мансур акадан узр сўрадим: «Мен ўшанда аҳмоқлик қилган эканман. Итдай ичиб, нима деганимни билмабман. Гуноҳ қилиш — кичикдан, кечириниш — каттадан, сиз улуг одамсиз», деб этагига ёпишдим.

— Бўпти, бўпти, тентак, костюмни йиртасан, — деди у юмшаб.

Гузарда ҳалиги кекса тракторчини кўриб қолиб, униям тинчитдим:

— Мен янглишибман, Мавлон ака. Бизда бир тийин оласингиз йўқ экан.

Шўрлик тракторчи суюниб елкамга қоқди:

— Шунақа бўлсин. Ёлғон гапирма, иним.

Раис билан ҳам ярашиб олдик. Ревизор воқсасини эшитгандан кейин у мен билан яна кўл бериб кўришадиган бўлди.

Шундай қилиб, аслимга қайтдим. Сурнай овозини эшитса, товоши кичийдиган дорбоздай ёлғон гапирмасам туролмайман. Ёлғон гапирсам, еганим ичимга тушади, тиниқиб ухлайман, кўнглим хуш бўлиб юради.

Бобом айтмоқчи, тўн ҳам, фойтон ҳам мешики бўлиб қолди. Қирқ кун деганда қайтиб ўз ўрнимга ўтирдим. Бир йилдан кейин Ўразмат акага чорва бўйича ўринбосар этиб тайинландим.

Бебаҳо ёлғонларим турганда шунақа «тайинланиб» кетаверардим-у... лекин бўлмади. Бир кун тонг саҳарда ёпиқ қора машина келди-ю, раис икковимизни ўтказиб олди-кетди. Ҳалиги ревизорнинг панжара-бармоғи эсингизда бўлса керак. Бу хатни мен ўша панжара ичидан ёзганман.

Нариги хонада Ўразмат ака ўтирибди. Зериксак, бирга шашка ўйнаймиз. Баъзан атайлаб ютқазаману, уни мақтайман:

— Мен сизни отам деганман...

Ўразмат ака бармоғини ўдағайлаб қулади:

— Ҳа, ёлғончи...

## ДОКА РҶМОЛНИНГ ҚУРИШИ

Кунбеткай қилиб солинган ўйнинг узунроқ равониди бир-бирига орқа ўгириб чол билан кампир ўтирибди. Олдиларига дастурхон ўрнига кўл сочиқ ёзилган, биттадан чойнак-пиёла, нон кўйилган. Улар бир-икки кундан бери араз, гаплашмайдилар. Чойдан қуйиб, бир хўнлайди-ю, чол аста ух тортади, кампир қилг этиб тупугини ютади. Иккаласининг ичи пишиб кетган, иккаласининг ёрилгиси келади, бироқ гурур йўл бермайди.

Шу пайт ташқаридаги оёқ товуши эшитилди. Чол-кампир умилвор бўлиб эшикка қарашди. «Назарали!» деб ён кўшниси Ҳайдар ота кирди.

— Ассалому алайкум, яхшилар!

Чол ҳам, кампир ҳам индамади. «Келинг» дегандай бош қимирлатиб кўйинди.

— Қалай, ўйнаб-кулиб ўтирибсизларми? Уч кун бўлди, кўринмайсан, Назарали? Нима гап, тинчликми деб...

Чол ҳам, кампир ҳам кўл сочиқнинг попугини ўйнаб, ҳамон тек ўтиришибди. Ҳайдар ота тўхтаб қолди. Кейин илжайди:

— Ие, ҳа, нима бўлди? Яна ораларингдан ола мушук ўтдимми? Оббо-о! Қариганда ёш боладай тумтайиб... Тавба! Шу тобда неварачевараларингдан биттаси келиб қолса, нима деган одам бўласанлар? Хўш, Ҳалимаҳон, нима бўлди?

Кампирнинг кўзига ёш келди. У чолига ияк қоқди:

— Нима бўлганини анави қоқвошдан сўранг! — деди овози титраб. Чолдан ҳам дарров «алик» қайтди:

— Йўқ, нима бўлганини шу тиши йўқдан сўра! Тариқча гуноҳим бўлса, айтсин!

— Айтаман ҳам!

Чол-кампир ўтирган бўйларича Ҳайдар отага ўтирилдилар. Ҳалимабону ирғиб туриб, кўшнисига кўрпача солди, бир пиёла чой қуйиб узатди. Сўнг арзи-ҳол айтди:

— Айланай уста, бу ўртоғингизга бир бало бўлди. Қариганда кони қуолдими, қайдам? Бирам тажанг, бирам бесабр... Сал нарсага лов этиб ёнади-кетеди.

— Ўтлаятти-да, бунга ишонама, — деди Назарали ота. — Кейинги вақтларда сал... — у бармоғини чаккасига қадаб, буради, — шунақароқ бўлиб қолган.

— Шонманглар, жанжал нимадан чиқди ўзи?

— Мирмишилдан. Икки кун бўлди. Абетга нима қилай, даласи. десам, юмшоқроқ нарса бўлсин, деди. Унда мирмишил қовура қолай. селини мўлгина қилсам, аччиқ чой билан еб олар, дедим. Мирмишилни оби-тобида қовуриб, ботар-ботмас қилиб сув солдим-да, биқ этиб қайнаши билан устига товоқ бостирдим. Токнинг тагини теша чопиқ қилиб қўювдим. Икки йўлгина райҳон ўтқазсам, ёзла одам бўйи бўлиб, гуркираб ётса, боз шу чолнинг шўрвасига асқотадик, дедим. Райҳон кўчатни экиб бўлиб, опхонага кирдим. Қарасам, мирмишил сал тагига олибди. Газ ўлгур лопиллаб кетганми, нима бало бўлган... Хуллас, бир лаган қилиб, мурч-пиёзлаб сузиб кирдим. Бу тўрам қошиқни шундоқ солиб, лаганни бир ағдарди-ю, овқатми бу, похолми, деб олди-урди, олди-урди...

Кампир рўмолининг учига кўзини артди. Ҳайдар ота ялт этиб ўртоғига қаради:

— Ҳўв, менга қара! Сени нима жин урди? Муштдек кампирга қўл кўтариб ўтирибсанми ҳали?

— Эсинг жойидами ўзи? Ҳозир хотин урадиган замонми? — тўнғиллади Назарали ота. — Бурнига бир чертиб қўйсанг, қиёматга довр қувар буларинг... Хонтахта четиди пиёла турган экан, шундай... тирсагим тегиб кетиб...

Ҳайдар ота «Сиз нима дейсиз?» дегандай Ҳалимабонуга юзланди. Кампир шошиб ёқасига туфлади:

— Тавба қилдим... Оғзида илми билан ёлгонни сувдай ичади-я...

У этакларини ҳилпиратиб, ичкарига кириб кетди. Салдан кейин лагтага тугилган нарса кўтариб чиқди. Жаранглатиб Ҳайдар отанинг олдига қўйди.

— Мана, кўринг, уста ака! Қулочкашлаб отди денг пиёлани, шкафнинг ойнаси кунпаякун бўлди. Уйга кириб қаранг, бир кўзига парда тутиб қўйибман. Қизим Московдан олиб келиб берган ликопчалар ҳам синди, ойим раҳматликдан қолган мана бу жонон пиёла ҳам бир сиқим бўлди. Мана, мана! — у пиёла синиқларини устанинг олдига суриб қўйди. Ҳайдар ота собиқ пиёланинг бир

бўлагини олиб, томоша қилди. Нозик мўйқалам билан чизилган суратда бир-бирига дон бераётган икки қушнинг калласи тасвирланган эди. Уста уларга маҳлиё бўлиб қолди. Назарали ота, бу кампиримнинг ёниши олмасин, деб қочириқ қилди:

— Саккиз еридан чегаланган сополни пиёла деб юрибди...

Ҳалимабону мурсага келишни ўйлаб ўтирувди, бироқ чолнинг кейинги гапи жон-жопидан ўтиб кетди. Назарали ота гўё пиёла баҳона, марҳум қайнопасини масҳара қилганшай эди. Ҳалимабону ҳам «отнинг бошини» қўйди:

— Ўн саккиз еридан чегаланган бўлса ҳам, яхшидан қолган ёдгорлик эди. Ҳар сафар лабимга оборманимда онагинамнинг нафаслари келарди... Ўргилай, уста, қирқига чидадим, қирқ бирига чидамадим. Ортиқ мажолим қолмади. Қилдан қийиқ ахтарашди. Бир ёстиқ қўйсанг, паст дейди, икки ёстиқ қўйсанг, баланд дейди. Калишининг патаги йўқолса ҳам меҳдан кўради. Кучук ўлгур акилласа, овозини ўчир, деб бақиради. Мен кучукка ангилла, деб ўргатиб қўйибманми, жон уста, ит бўлгандан кейин ҳуради-да.

Ҳайдар ота бўшаган пиёлани Ҳалимабонуга узатди. Назарали ота шуни пойлаб турган эди, дарров ўз чойнагидан чой қўйиб чўзди. Уста илжайиб, иккинчи «рақиб»нинг чойини олди. Кампир пиёла синиғини лагтага тута бошлади. Чоли устага имлади:

— Ўзининг айби йўқмикин, сўрани? Нимага шўрвага сочидан қўшиб солиб бераркин? Идиш-товоқдан нукул сузма ҳиди келади.

Кампир силтаниб ўрнидан турди.

— Айтнинг ўртоғингизга! Сузма ҳиди келса, энди келганшир. Қиз вақтимда қанақа сочим бор эди. Нақ тўпигимга тушарди. Сочингиздан атир иси келади, деб бармоғига ўраб ўтирарди ўзи. Бу кишини кимсан — Назарали домла қиламан, деб шу аҳволга тушдим. Ҳа, шундоғ деб айтнинг, ўртоғингизга! Бўлди, жонимдан тўйдим!

Ҳайдар ота қараса, бўлмайдиган, иш чаппасидан кетаяпти. У сақраб турди:

— Уй-рўзгор бўлганидан кейин ҳар хил гап ўтади. Гоҳо пиёла синади, гоҳо овқат тагига олади. Арзимаган нарсадан бунақа бўлиб ўтирсанглар... Маҳалла-кўй эшитса, кулмайдими? Ундан кўра мен ҳозир қулинг ўргилсин қилиб битта ош дамлай, бултурги мусалласдан қолган бўлса, Назарали ертўладан олиб чиқсин, яраш-яраш қилайлик, дока рўмолни қуритайлик. Нима дединг, Назар?

Чолнинг ярашгиси бор эди, негаки айб ўзидан ўтган, бунинг устига ҳадеб чой билан нон кавшайверини жонига теккан эди. Шундай бўлса ҳам:

— Анави тиши йўқдан сўра, — деди ҳамон паст тушгиси келмай.  
Ҳайдар ота кампирга қаради:  
— Лаббай, Ҳалимаҳон?

Кампирнинг ҳам кўнгли эриб турибди. Сиртида койиса-да, ичида чолига раҳми келарди. Бироқ «рақиб»ига бирдан таслим бўлгиси келмади:

— Ошни еб, кучга минса, яна дўмбирасини чалади, биламан, — деди иккиланиб.

Булар мурасага келмайди шекилли, деб Ҳайдар ота хўшлашди:

— Ҳай, майли, ўзларинг биласанлар. Омон бўлинглар. Апоқ-чапоқ пайтларингда кирарман.

У кўчага чиқиб ўйланиб қолди: «Ишқилиб, қариганда дарл-кашингдан айирмасин экан. Булар эллик йилдан бери бир-бирига суйкалиб, бир-бирини искаб ўрганиб қолишган. Бунақа хурпайиб ўтиравуришса, эзилиб кетади-ку? Бир иложини қилмасам бўлмайди. Нима қилсам экан?.. Э, топдим.»

Назарали отанинг кенжа қизи Дилором қишлоқдан йигирма чақиримча нарида, кўнчилар шаҳарчасида турарди. Ҳайдар ота мактабга тушиб, Дилоромга телефон қилди. Даданг билан ойинг неварасини соғинибди, тез олиб келиб, кўрсатиб кетмасанг бўлмайди, деди. Кейин, мен тилпон қилганимни айтма, деб тайинлади.

Бу гап пешиндаги гап эди. Кечга яқин Дилоромхон ўғлини кўтарганча, ҳовлиқиб кириб келди. Гарчи Ҳайдар ота, тинчлик, деган бўлса ҳам, у ойимларга бир нарса бўлганмикин, деб хавотирда эди.

Чол тўрт қават кўрпача солиб, «Иброҳим Адҳам»ни ўқиб ётган эди, қизининг кирганини сезмади.

— Ассалом, ада... — Дилором боласини бир четга ётқизди-ю, югуриб бориб даласини кучоқлади. — Яхши ўтирибсизларми? Жим бўлиб кетдинглар, бир хабар олай, дедим. Ойим кўринмайди?

— Юргандир-да, ивирсиб, — деди чол энсаси қотиб.

— Қарай-чи, ҳовлида бўлсалар керак.

Дилором чиқди. Чол чўзилиб неварасига қаради. Пишиллаб ухлаб ётибди. Аста туриб қўлига олди, суйиб эркалади. Чақалоқ уйғониб

кетиб, йиглади. Йургалаб кампир кирди. У «Вой, неварагинам келибли-ку!» деб чоли тарафга бир қалам босди, лекин аразлиги эсига тушиб, тўхтаб қолди. Бола чириллаб йиглай бошлади. Кампир югургилаб келиб, неварасига қўл чўзди:

— Бу ёққа беринг! Бола кўтаришни ҳам билмайсиз, — деди зарда билан.

— Сен билсанг бўлди, — деди чол кампирининг гап очганига суюниб.

Бувисининг қўлига ўтган заҳоти невара тинчиди. Ҳалимабону бола баҳона, чолга гапира кетди:

— Неварагинамнинг қўлчасини қайириб қўйибсизда, бобоси... Нодир ўғлим, ботир ўғлим... Қани, бобонгга салом бер-чи. Ашналтом, бобожон, дегин, бувимни хафа қилшангиз, шоқолингизни юламан, дегин...

Бу — кампирнинг сулҳ таклиф қилгани эди. Чол бажонидил уни қабул қилди:

— Ваалайкум ассалом, ўғлим. Бобом энди тажанглик қилмайди, ле бувингга. Ёзда сизни Тошкентга обориб, тилла тиш қўйдириб беради, дегин...

Дилором кирди. У ойиси билан кўришиб бўлиб, сўради:

— Қоринларингиз ҳам очгандир, мен овқатга ушлаб юборай, нима пиширай, ойи?

Ҳалимабону неварасининг юз-кўзидан ўна туриб, деди:

— Аданг бечора кечадан бери норинни соғиндим, деб ўтирувди. Гўштни мўлроқ солиб, норин қил, болам.

Назарали ота ҳам неварасига ёпишиб жавоб қилди:

— Йўқ, аччиққина шавла қилақол, қизим. Онанг шўрлик юмшоққина есин, қийналмасин... Айтганча, Ҳайдар отангниям чақир...

Мугомбирона илжайиб, Ҳайдар ота кирди. У ҳеч нарса билмагандай, Дилором билан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Э, қуллуқ бўлсин, кўз ойдин! Дилоромхон қизим билан невара келиб, уйларингда офтоб чиққандай бўлибди-ку! Дуруст, дуруст...

Ҳайдар ота ўтириб, дуога қўл очди:

— Қани, омин, тўрт кўз тугал бўлсин, ишқилиб, ҳеч кимнинг офтоби ўчмасин, ҳамма вақт чарақлаб турсин!..

## ҚОЗОН БОШИДАГИ ХОТИН

*(бўлиб ўтган ва бўладиган воқеа)*

Эрталаб бошланган базм тушга бориб, авжига чиқди. Нақш-нигорли улкап меҳмонхона. Ноз-неъматдан столнинг бели қирсил-лайди. Тўрда, диванни тўлдириб уй бекаси — Опа ўтирибди. Ўртада икки аёл капалакдай чарх уриб ўйнайди. Опа магнитофоннинг қулогини бураб қўйди. Насибахоннинг эрка овози янгради: «ёқасиз, жоним, ёқасиз...»

Қора кишимийшнинг сувига тўйинган хонимлар қўшиқ шидлатидан эс-хушини йўқотиб қўйгандек бўлди. Озода билан Дилдора бир-бирига муқом қилиб, ер денсинар, рақс зарбидан шифтдаги хайбатли қандил тебраниб-завқланар, Опанинг биқинида ўтирган аёллар мастона қийқириб, чапак чаларди:

— Ҳаҳ, майда қадамларингдан, Дилдорим!

— Ўзим ўргилай сандан! Бир кўни куёв тўрани ҳам ёқиб, кул қилмасанг бўлди!

Ниҳоят, Опа девордаги баркандек тилла соатга кўз қирини ташлаб олиб, қарс урди:

— Ҳўв, ойимчахонлар! Бўлди қилинглар энди. Хўжайиннинг келадиган вақтлари бўлиб қолди.

Озода ҳансираб келиб, креслога чўқди.

— Энди одамнинг бадани қизиган эди-я, Опа. Кайфнинг белига тепдингиз. Уҳ...

Опа бармоғини илмоқ қилиб, ҳамтовоқларини имлади:

— Бу ёққа келинглар. Поччангиз келгунча мана бу рўйхатни битирайлик. Кейин қўлларига тутқазамиз.

Ҳамма Опанинг оғзига тикилиб, жим бўлиб қолди. Опа қошларини чимирди:

— Демак, қолган ўринлар... Ҳм-м, бозор, лесхоз, лунапарк, мехбаза...

Биринчи бўлиб Озода қақилдоқ Опани елкасидан кучоқлаб, ялинишга тушди:

— Қулингиз бўлай, Опажон! Бир йилга, атиги бир йилга бўлса-да, бизнинг хўжайинга солиқни бериб туринг. Иморат ўлгур битмай ётибди, икки қизим бўй етиб турибди. Сал қадимизни ростлаб олайлик.

— Солиқдан оғиз очма, солиқ бўлими катта куёвга ваъда қилинган.

— Унда автозаправкани бера қолинг.

— У ер ҳам банц. Жавлон акамлар ҳоким бўлмасдан илгари аванс-ларини олиб қўйганлар.

Аёллар чувиллашга ўтди:

— Ким экан у?

— Пешонасида шоҳи бор экап-да, элдан бурун заправкага эгаллик қилиб олибди.

— Уми? — деб Опа Озодага қаради, — у ҳам сенинг эрингга ўхшаган боши думалоқ, бути айри бир махлуқ. Гапларинг бўлса, ана, хонимчалари...

Хонимлар ялт этиб, бир чеккада оёқларини чалиштирганча, керилиб ўтирган Муножотга қарашди.

— Вой, манави қилтириқнинг эрими? — деди Озода кўзларини ола-кула қилиб. — Писмиқ! Ошни дамлаб, дамтовоқни бостириб қўйиб... тиржайиб ўтиришингга ўлайми?

Муножот ишдамай ғолибона кулиб кўя қолди. Озода аста Муножотнинг олдига келди, унга синчиклаб разм солган бўлди. сўнг столдан бир шиша минерал сув олиб келди-да, тақ эткизиб олдига қўйди. Муножот садаф тишларини ярқиратиб илжайди:

— Буни юраги куйташларга беринг, Озодахон! Худога шукур, бизнинг юрак жойида.

— Бу сизга эмас, хоним. Эрингизга берасиз. Ахир бензинга сув қўшмаса, Опамнинг қарзларини узолмасдан беллари узили-иб кетмасин, дейман-да, оновси!

Озода чўрт бурилди-ю, пишиллаб Опанинг олдига борди:

— Заправкаям қулогини ушлаб кетибди. Энди бозорни берасиз!

— Ие, қандоқ қилиб сenga бозорни бераман? — деди Опа эснаб, — бозор, бу — бозор...

Озоданинг жазаваси тутди:

— Бозорми, қора мозорми, билмайман! Берасиз, дедим, берасиз! Бермасангиз, ҳозир ўзимга ўт қўяман! Ҳов, гугурт беринглар менга, гугурт!

Муножот ўтирган еридан зарҳал бир нима чўзди:

— Гугурт йўғу, мана, зажигалка бор, — деди масхараомуз, — бўлаверадими, ўртоқжон?

Озода жаҳл билан унинг қўлидан зажигалкани юлиб олди-ю, эшикка қараб юрди:

— Ҳозир ҳовлига чиқаман-у... тирик мангбалга айланаман!



Озода остонага етганда тўхтади. «Биронтаси, қайт изингга», дермикин, деганшек ўтирилди. Дилдора Опанинг қулогига шивирлади:

— Биласиз-ку, у жипини. Сал, нақароқ бўлиб қолган. Бозорни бериб кутулинг. Кимсан — ҳокимнинг уйида фалончи ўзига ўт кўйибди, деса, эшитган қулоққа яхши эмас.

Опа, бир лаҳза лабини тишлаб турди-да, Озодани чақирди:

— Ҳўв, псих, бу ёққа кс.

Озода истар-истамас Опага яқинлашди.

— Бозорнинг солиғи катта бўлади, биласан, а?

Озодага жон кирди:

— Биламан. Бозор етти хазинанинг бири, — деб бидилади, — олти бўлаги сизники, еттинчиси бизники. Невараларингизнинг суннат тўйини ўтказиб... Қизингизни узатиб... Ота-онангизни кўмиб... Тфу, ҳажга обориб-обкелиш мана, бизнинг гарданзимизда!

Хуллас, Озода дўқ-пўписа билан бозор директорлигини олиб кетди.

Опа қўлидаги қогозга нималарнидир белгилаб қўйди-да, пинжига суқилиб ўтирган Дилдорага ўтирилди:

— Хўш, Дилдорим, сенинг эрингга қаерни берсак экан?

Дилдора лабини буриб, ширинлик етмай қолган қизалоқдай араз қилди:

— Берганингизни бераверинг. Барибир, мойли жойлар хомталаш бўлиб кетди.

— Сенинг эрингга, ҳам-м... дормехбазани берамиз, — деди Опа. Дилдора ўтирган еридан иргиб тушди:

— Иби! Энди бизнинг хўжайин келиб-келиб, ахлат ташувчиларга бошлиқ бўладими? Уруғларим эшитса, кулмайдими?

Опа эркалаб, Дилдоранинг елкасидан кучди:

— Ўзинг ҳам ўлгудай гўл экансан. Чиройи бўлмаса-да, чипори бўлсин, деган гап бор. Пулнинг бари мана шу ахлатнинг ичида-ку, жинни! Вилоят бўйича, биласанми қанча ахлат ташийдиган мошин бор? Ўлганда қирқтадир? Ҳар бири ойига беш мингдан берса, қанча бўлади? Ўн мингдан берса-чи?

Дилдора қўлларини пастга қилиб, ўзича ҳисоблашга тушди: «қирқтаси ўн мингдан... тўрт юз... йигирма мингдан...»

— Майли, Опа, сиз нима десангиз, шу.

Опа оғзини қийшайтириб, масхара қилди:

— «Майли, опа...» Пулдан кўйлак-лозим тикиб кийганинда бизни ҳам эслаб турсанг бўлди.

Шу пайт равонда эркак кишининг йўтали, гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Озода:

— Вой, поччам келдилар! — деди-ю, шипиллаб бориб жойига ўтирди. Аёллар дарров сергак тортди, кийим-бошларини тузатиб, сипо бўлиб олишди. Уй бекаси ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди.

Савлат тўкиб Жавлон кирди. Гулрухсораларга кўз қирини ташлаб олиб, илжайди:

— Салом, салом... Жамоат жам-ку? «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?» деб бир базми жамшид тузибдилар-да? Ҳа, дуруст, дуруст...

Аёллар овчиши кўрган ҳуркак қушлардай, бир зумда патир-путур тарқаб кетишди. Жавлон тўрга ўтди. Креслога оғир чўкли, Шляпасини олиб, хонтахтага ташлади. Уҳ тортди. Бегойим эрининг ёнбошига келиб сўйқаланди.

— Ҳм, хўжайин, кайфиятингиз йўғроқ? Чарчадингизми? Вах-лироқ келар экансиз, бир оғиз телефон қилмайсизми, ўзим бирон нима пишириб қўймайманми. Иккитагина тухум солиб келайми?

Эр бош чайқали. Хотин хавотирланади. Кўнгли алланечук бўлди. Кейин, зора рўйхатни кўриб, димоғи чоғ бўлса, деган хаёлда бир варақ қогоз олиб келиб, эрининг олдига қўйди.

— Мана, хўжайин ўзимизнинг одамларга жойларни бўлиб чиқдик. Бари сиз айтганингиздек бўлди.

Ҳоким қогозга бефарқ назар солди. Фамгин кулди.

— Бошлабсиз, хоним, — деди. Бир оз сукутдан сўнг давом этди, — яна битта жой керак бўлиб турибди.

Бегойим сергакланди:

— Кимга экан? Ҳамма ўришларни тақсимлаб... кўзовдигу?

Ҳоким хотинининг безовта кўзларига тикилди, уни елкасидан кучди:

— Менга ҳам битта жой керак, хоним...

Бегойим силтаниб эрининг кучоғидан чиқди:

— Э, боринг-е! Ҳазилингиз қолмади-қолмади.

— Бу сафар рост айтяпман. Паттамизни беришди. Эртага янги ҳоким сайланади.

Хонимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У эрига нафрат билан тикилди. Кейин бурчакка қараб югурди. Бора солиб катта столда тахланиб ётган совға-саломни кучоқлади. Ипак тасма билан бойланган улкан қутига бошини кўйиб, хўшраб юборди.

## ТУЯ ЛҮК-ЛҮК ЭТАДИ...

Жаннатхон эшикни авайлаб очди-ю, мушукдай овоз чиқармай ичкари кирди. Бир лаҳза кесакига суяниб турди. Кейин оҳишта томоқ қирди. Ўрол Мардиевич нозик йўтал соҳибасини таниди. Аммо ўзини газета ўқиганга солиб ўтираверди. Жаннатхон чилласи чиқмаган келинчақдай истиғно билан эркаланди:

— Бизни танилаб, номард, сизга йўл бўлсин?!

Мелиқулов аста бош кўтарди. Жаннатхонни энди кўраётгандек унга суқланиб қаради. Секретарь қиз магазин витринасидаги манекенга ўхшарди. Бел бир тутам. Қизгини лаблар ибo билан қимтинган. Тимқора жоду кўзлар «Ака, менга раҳмингиз келмайдими?» — дегандек хумор-хумор боқади. Мелиқуловнинг баданига чумоли ўрмалагандек бўлди.

— Келинг, Жаннатхон, — деди у тупугини ютиб, — яхши қиз бўлиб юрибсизми?

Жаннат-манекенга жон кирди. У қийшаглаб тўрга ўтди. Ярим варақ қоғозни Ўрол Мардиевичнинг хом кўсакдек кўкиш бурнига гақаб сўради:

— Марҳамат қилиб айтсинлар-чи, муҳтарам Мелиқулов, манави васиқангизни қандоқ тушунасак бўлади?

Мелиқулов қоғозга кўз югуртириб олиб, Жаннатхоннинг заҳархандали кўзларига қаради:

— Ўзингиз ёзиб, ўзингиз билмайсизми? — деди тумтайиб, — буйруқ бу. Тўрт-беш кун чўлга бориб келишим керак экан.

Жаннатхон: «Хайрият!...» деди-ю, гурс этиб полга чўккалади ва икки қўллаб Мелиқуловнинг тиззасини кучоқлади.

— Жон ака, ўргилай сиздан! Мениям ола кетинг! Даврингизда бир ўйнаб олай. Дунёга келиб нима кўрдим. Битта пиёниста эрнинг калтагидан энди кутулдим. Ишга келсам — тўрт девор, уйга борсам — тўрт девор, чўлни тушимда ҳам кўрмаганман. Олакетинг, йўқ деманг, акажон!..

Мелиқулов ўтирган ерида креслосини нижирлатиб кетига суриши:

— Жинни бўлманг, Жаннатхон... Биров кириб қолиши мумкин. Туриш ўрнингиздан...

Жаннатхон Ўрол акасининг оёғига баттар ёпишди.

— Тепсангиз ҳам турмайман. Обкетасизми? Хўп дей қолинг... Мехмонхонада оёқларингизни уқалаб ўтираман. Чой дамлаб бераман.

Нима десангиз қиламан. Тур десангиз — тураман, юр десангиз — юраман. Жон Ўрол ака, бир марта хўп денг. Наҳотки Жаннатхонингизга раҳмингиз келмаса?

Мелиқулов ҳадиксираб эшикка қаради, ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ Жаннатхон чаққонлик қилди. У иргиб туриб Мелиқуловни бошидан кучоқлади-ю, куч билан ўзига тортиди. Ўрол Мардиевичнинг хумдай калласи шилқ этиб қизнинг қорнига ёпишди. Жаннатхон бошлигининг юз-кўзини зўр бериб иссиққина қорнига ишқар экан, жон ҳолатда шивирлади:

— Ўрол Мардиевич... Бир мартагина хўп денг. Мени танилаб кетманг. Ахир борган еригизда ҳам эрмак керак-ку? Кулингиз бўлай, Ўрол ака! Обкетасиз-а? Ҳа денг...

Мелиқулов сузонғич новвосдек бошини сарак-сарак қилиб гўлдиради:

— Қалламни кўйворинг, Жаннатхон... Хўв, бўлди энди, ҳазиллашманг...

— Кўйворадиган... аҳмоқ йўқ! — деди ҳансираб Жаннатхон, — аввал хўп денг, кейин... бўшатаман. Сочингизни ҳам тараб кўяман.

Мелиқулов бир-икки юлқинди. Бироқ бошини бўшатолмади. Бу аёл нозиккина бўлгани билан қўллари омбурдек экан. Ўрол Мардиевичнинг салобатли, бир идорага йўл-йўриқ кўрсатиб турадиган тилла боши ҳозир ана шу нозик жувоннинг қорнида асир тушиб ётарди.

Жаннатхон бор кучини тўплаб Мелиқуловни ўзига тортиди:

— Охирги марта сўраяпман сиздан! Мениям олакетасизми командировкага ё йўқми?

Ўрол Мардиевич бошини қутқаролмаслигига кўзи етгач, қўлини ишга солди. Жаннатхон: «А-а-а!» — деб чинқириб юборди-ю, сапчиб тушди. Мелиқулов дарров креслога миниб олди. У терлаб кетган эди, дастрўмол олиб юз-кўзини артди.

— Уф! — деди пишиллаб, — э, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, Жаннатой. Нафасимни қайтариб юбордингиз. Қорнингиз худди... қайноқ грелканинг ўзи экан. Биров кириб қолса нима дерлингиз, тентак?

— Хўжайиннинг бошини массаж қиляпман, дердим-да. Гипертонингиз бор, ҳамма биледи. Ҳа, айтмоқчи, Ўрол Мардиевич, командировкада ҳар куни бир соат-ярим соат ўзим массаж қилиб кўяман. Қалай, қўлим ёқдими?

— Ҳе, қўлингизни жиш урсин! Бошимни гангитиб юбордингиз-ку... қани тароқ?

Жаннатхон улоқдай ирғишлаб қабулхонага чиқди-ю, катта елим тароқ олиб кирди. Жилланглаб хушомад қилди:

— Ўзим текислаб кўяйми, Ўрол Мардиевич?

— Бу ёққа беринг! — деди аразлаб Меликулов. — Ўтиринг! — Жаннатхон лип этиб пастак стол ортига ўтди, қалам-қоғоз олди. Номига «Задание-1» деб ёзди. Сўнг одобли ўқувчидек бошлиғининг кўпчиб турган япалоқ бетига тикилди. Ўрол Мардиевич сочини шошмай тароқлади, чирт эткизиб четга тупурди, кейин чимирилиб Жаннатхоннинг илтижо аралаш жовдираб турган кўзларига қаради.

— Ўзимга ҳам буйруқ ёзайми, Ўрол Мардиевич? — бидирлади жувон. Меликулов жеркиб берди.

— Эсингиз жойидами ўзи? Мен сизни нима деб олиб кетаман? Ходим бўлмасангиз. Жилла курса бухгалтер бўлсангиз экан.

— Қизим десангиз-чи, Ўрол ака?

Меликулов бош чайқайди.

— Бўлмайди. Сиз отасига эргашиб юрадиган ёшдан ўтдингиз. Сиз тенгилар бола-чақасининг иссиқ-совуғига қараб уйда ўтирибди.

— Унда хотиним денг. Хозийкамиз чўлу биёбонларни кўрмаган эди, бир айланиб келаман, деб изимдан эргашди, дей қолинг. Майлими?

«Хотин»ни эшитиб Ўрол Мардиевич чўчиб тушди.

— Ўйлаб гапиряпсизми? Одамлар нима дейди, қариганда кўгирчоқ ўйнамай ўл, демайдими?

— Ажаб бўпти! — керилди Жаннатхон, — ҳозир ёш қизларга уйланиш мода. Кўрганлар ҳавас қилади сизга. Фалончиевнинг ёшгина, хўрозқаншдай хотини бор экан, дейди.

Жаннатхон қоғоз-қаламни кўтариб ўрнидан турди. Бир кам элик эмас, олтмиш ёшдаги одамнинг ҳам юрагини ўйнатиб юборадиган нозик адо билан сўради:

— Ўрол ака, аэропортга иккита билет заказ қилаверайми? Қайси рейсга бўлсин? Эртарағи тузук, а?

Меликулов енгил хўрсиниб деди:

— Хафа бўлмайсиз, синглим. Сира иложи йўқ.

Жаннатхоннинг ранги ўзгарди.

— Қитигимни келтирманг, Ўрол Мардиевич! — деди совуқ товушда, — биласиз-ку, мен ҳақ деган еримдан қайтмайман. Яхшиликча обкетмасангиз, самолётнинг думига осилиб бўлсам бораман!

У чўрт бурилди. Эпикка етганда масхараомуз кулимсиради:

— Ҳа, айтмоқчи, азонлаб Салмонов телефон қилувди. Хўжайин курортдан келибди, йўқдай олмадик, деди. Яқинда бир машина бўлиб келишармиш.

Жаннатхон эшикни секин ёнди. Ўрол Мардиевич бошини чап-галлаганча ўйлашиб қолди. Бу ёш жувоннинг сўнгги гапи унга «ғиди-биши қилмай меням олакет, бўлмаса сирингни очаман», деганшай туюлди. Салмонов йирик бир хўжаликнинг директори эди. Меликулов анча йилдан бери у билан қатиқ ялашади. Директор йилига бир неча марта Ўрол акасини зиёрат қилиб туради. Ҳар гал бир баҳона топади. Набиралик бўлибсиз, деб келади, туғилган кунда ё байрам олдида йўқлаб кўяди. Салмонов ҳар гал келганида Меликуловнинг уйига қут-барака кириб қолади. Буни кўпчилик билмаса ҳам, Жаннатхон билади. Чунки Меликуловнинг «ички-ташқи» алоқалари мана шу қалширғочнинг боласидай бижилдоқ, жувон орқали битади. Шушнинг учун у Жаннатхоннинг эркаликларини кўтаради, илтижоларига йўқ демайди, икки-уч кунлаб ишдан жавоб бериб юборади. Бултур ҳатто сиртдан институтга ҳам киритиб кўйди. Ишқилиб у ҳар ерда лақилламай, тилини тийиб юрса бўлди, деб умид қилди. Лекин Жаннатхон тобора ҳаддидан ошяпти. Бугун командировкага обкетасиз, деб турибди. Эртага сиз билан курортга бораман, деса нима бўлади? «Ҳе ука бўлмай ўл, Салмонов, — деб сўкинди ичида Меликулов. — Берган кўйингни илиги томонимдан заҳар бўлиб ўтди-ку? Жаннат деган манави дўзахдан қандоқ қутуламан энди, укагар?»

Соат ўн иккига занг урди. Жаннатхоннинг чапгалидан чиқиб кетолмаслигига Меликуловнинг ақли етди. Ўйлаб-ўйлаб ахири у таваккал қилди. «Ке, шу сафар хўп дей. Қизилқумдан омон-эсон қайтсам бир иложини қиларман. Илгариги сурбет шофёрдай, буням алдаб-сулдаб бир ёққа жилдириб юборарман. Вақт кетаяпти, ҳали билет ҳам олинмади».

Ўрол Мардиевич кўнғироқ тугмасини босди. Хўмрайиб Жаннатхон кирди.

— Бу ёққа келинг. Ўтиринг, — деди Меликулов.

Жаннатхон истамайгина столга яқинлашди-ю, стулни миннат билан суриб ўтирди. «Яна ваъзхонликми?» — деганшдек бошлиғининг юзига қаради.

— Бўпти, мен сизни олиб кетаман, — деди Меликулов, — лекин битта шартим бор...

Жаннатхон севинчдан ирғиб турди. Куралай кўллари порлаб кетди.

— Вуй, ростданми? — деди боладай эгтикиб, — Қандай ажойиб одамсиз-а, Ўрол ака! Бу яхшилигингизни ўла ўлгунимча унутмайман! Кимингиз бўлиб бораман?

— Ҳар қалай жазманим бўлиб бормайсиз, — деди Меликулов энсаси қотиб, — мен сизни қариндошим дейман. Институтда ўқийди, чўл географияси билан танишгани келди, дейман.

— Вой, майин, сиз нима десангиз...

— Бидилламай гапга қулоқ солинг. Ҳозир дўхтирга бориб уч кунга балнишни очтиринг. Бирор баҳона топарсиз.

— Топаман. Шу кунларда ўзи нервим кўзиб, ёмон бўлиб юрибман.

— Мен билан кетаётганингизни биров билмасин. Ҳозирдан айтиб кўяй, у ёқда ҳам инжиқлик қилаверсангиз ўйлаб ўтирмай ортингизга қайтариб юбораман. Келишдикми?

Жаннатхон кула-кула ўрнидан тураркан, ўнг қўлини кўксига кўйиб таъзим қилди.

— Бир оғиз гапингиз, акажон! Чизган чизингиздан чиқмайман. Боя айтдимку, юр десангиз — юраман, тур десангиз — тураман. Энди рухсатми бизга? Аэропортга телефон қилайми?

Меликулов киприк қоқди. Жаннатхон хонанинг ярмигача ёнбошлаб борди-ю, у ёнига югургилаб чиқиб кетди.

Салдан кейин чой кўтариб кирди.

— Тўқсон беш! — деди чойнакка чой қайтариб, — сизга атаб тишимнинг қавагида асраб юрувдим. Иссиқ-иссиқ ичинг, давле-ниенгиз тушади.

Жаннатхон эшикка борганда нозланиб сўради:

— Қайси кўйлагимни кияй эртага. Ўрол ака? Модний кийинсам, чўлдагилар кулмайдимми?

«Қафанингни киймайсанми!» — гижинди ичида Меликулов. Сўнг товушини чиқариб деди:

— Одиороқ бўлаверсин. Биз ширкка бораётганимиз йўқ.

Меликулов шундоқ деди-ю, кўнгли бир оз тинчиди. Лекин томошанинг каттаси ҳали, қизилқумнинг қоқ ўртасида бўлишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Эртасига Жаннатхон элдан бурун аэропортга чиқиб олди. У дам-бадам соатига қарайди, бетоқат бўлиб Ўрол Мардиевични кутади. «Мени алдаб бошқа йўлдан кетиб қолса-я», деб ҳадиксирайди.

Ниҳоят, катта сариқ портфелини саланглатиб кслаётган Меликулов кўриши. Жаннатхон отасининг дийдорига иштиқ боладай унинг ошига югургилаб борди.

— Келдингизми, Ўрол ака? — деди ялтоқланиб, — кечикиб қолармикансиз, деб бирам кўрқдим... Хайрият!

Жаннатхон хушомад юзасида Меликуловнинг портфелини кўтариб олди, ўзининг сумкасини унга берди. Бир туп сада тагидаги ола-була курсига қараб юрдилар. Одамлар чап ёнига қийпайиб семиз портфель кўтариб кетаётган пиначидай қиз билан аёллар сумкасини боғичидан шалвиратиб олган бақалоқ кишига қараб кулиб кўйишарди.

Жаннатхон портфелни тап эткизиб курсига қўйди, қўллариини силтади:

— Нима бало солгансиз, билагимни узиб юборай деди-я!

— Тош, — деди Меликулов маъюс жилмайиб, — қизилқумга борганда ё сизнинг бошингизга ураман ё ўзимнинг.

Жаннатхон энкайиб парақлаб кулди.

— Вой, мен ўлай! Шундан шунга тош орқаламасангиз... у ёқда топилмайдами?

Ўрол Мардиевич тамшаниб қизга бошдан-оёқ разм солди. Унинг оёғида ўкчаси баланд оқ туфли, эғнида ёқаси катта ўйилган енгсиз ҳарир кўйлак, соч «лайлак уя» шаклида ҳафсала билан турмакланган. «Чўл шамолида кўйлагинг зонтик бўлиб шарманда қилмасайди», деб кўйди ичида Меликулов.

— Бу ёғидан ташвишланманг, — деди қиз гўё унинг фикрини ўқигандай, — сумкада атлас кўйлагим бор. Рўмолни шу ёқдан оларман.

Жаннатхон умрида самолётга чиқмаган эди. Самарқандга боргунча шеригининг қулоқ-миясини еди. Самолёт сал «танлаб» юборса, дол солиб Меликуловга ёнишади. «Вуй, анави машиналарни! Худди ўрмалаб кетаётган гугурт қутисига ўхшайди!» деб шанғиллайди, гоҳо люкка пешонасини тираб, оппоқ булутларга қўл силтайди, ўз-ўзидан қиқирлаб кулади.

Уларни дабдаба билан кутиб олишди. Жаннатхон лип этиб биринчи машинага чиқиб олди. Меликулов, бу шайтон ҳар балони ўтлаб юрмасин, деб Жаннатхоннинг ёнига ўтирди.

Машина Регистонга етай деганда Жаннатхон ўнг томонга қараб қичқириб юборди:

— Бибиҳон! Ана, Бибиҳон!

Меликулов: «Оғир бўлинг», дегандек унинг оёғини босиб кўйди. Қиз тирсаги билан Ўрол Мардиевичнинг биқинига бир туртди.

— Нега оғимни босасиз? Бибихон эмасми? Бибихон! Суратини кўп кўрганман.

Меликулов ўсал бўлиб мезбонларга изоҳ берди:

— Бу синглимиз яшгангизнинг уруеларидап, яъниким илонбош. Самарқандни кўрмаган эканлар, бир айланиб...

Жаннатхон Меликуловга еб қўйгудек бўлиб қаради:

— Нега илонбош бўлар эканман? Вой, саватбош-ей!

Ўрол Мардиевич қовоғини солиб, ёлғондан пўписа қилди:

— Жаннатхон, портфелдаги нарса эсингизда турибдими?

— Кўрқитмай кўя қолинг! — деди Жаннатхон яйраб, — аллақачон очиб кўрганман. Тош тугул балоям йўқ экан. Ҳаммаси қоғоз!

Гапга тушуниб мезбонлар кулиб юборишди. Меликулов ҳам беихтиёр уларга кўшилди.

Самарқандда енгилгина тушлик қилиб, яна йўлга тушдилар.

Уч соатларда бир томони тоққа, бир томони саҳрога тутанган қадим кентга етиб келишди. Катталар «шахсан Меликуловнинг ўзи» текширишга келаётганини аллақачон эшитишган эди. Меҳмонларни шаън-шавкат билан кутиб олишди.

Уларга махсус дачадан жой ҳозирлаб қўйишган экан. Лекин, Меликулов кўнмади.

— Эски меҳмонхонага туша қолайлик, шу ёқ тинчроқ, — деди мезбонларни ажаблантириб. У «Дачага келди-кетти кўп. Мана бу ярамас тагин бир ҳунар кўрсатиб, шарманда қилмасин», деб чўчирди.

Эски меҳмонхона кўримсиз бўлгани билан орастагина эди. Тоғ яқин. Атрофдаги қалин қайрағочзордан гир-гир шабада эсади. Чап томонда бозор. Меҳмонхона сиртида бўйрадек булоқлар қайнайди. Ҳовли ўртасидан бир ариқ булоқ суви оқиб ўтади. Чалов босган ариқда бир қарич-бир қарич «авлиё» балиқлар эркаланиб сузади. Сув бўйидаги сўриларда чекка қишлоқлардан келган чўпон-чўлиқлар чойхўрлик қилишади.

Меликулов билан унинг «қайинсинглиси»га атаб икки хос хона ясатишди. Бирор соатда дастурхон атрофига туман казо-казоларидан ўн чоғли киши тўпланди. Стол дид билан безатилган, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Жаннатхон дастурхонга қаради-ю: «Вуй!» — деб чапак чалиб юборди. Тўрдаги стулга ўтиб ўтирди.

Базм авжига чиқа бошлади. Алёр устига алёр айтилди. «Ўрол Мардиевичнинг пойи қаламлари учун, у кишининг чорвадорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги учун, ой деса — ой, кун деса — кун дегулик гўзал Жаннатхон учун...»

Меликулов анор суви аралаштирилган шаробдан бир қултум ютиб қўйиб, сипо ўтирибди. Ёнидагиларнинг саволларига ё бош қимирлатиб қўяди, ё қисқагина жавоб беради. Жаннатхон эса яйраб кетди. У кафтларини ишқалаб ҳар таомдан бир тотиб кўрар, аччиқроқ ё совуқ бир пима еса, лунжида айлантириб, «ў-ў!» деб ҳаммани кулдирад, гоҳо «Ис, олинг, хўжайин, бунақа нарсалар Тошкентда топилмайди», дея Меликуловни ўсал қиларди.

Алёр айтиш навбати Жаннатхонга келди. У анча ичиб, кайфи ошиб қолган эди. Шампан тўла қадаҳни кўтариб ўрнидан турди. Меликулов унга кўз қириши ташлади-ю: «Йиқилиб тушмаса гўртайли аҳмоқ!» — деб қўйди. Жаннатхон мастона тебраниб гап бошлади:

— Ҳурматли-ли эркаклар-р!!! Мен шу қадаҳни... сиздай мард, меҳмондўст ва ... соғлом эркаклар учун ичишни истайман! Э... эркакларни эҳтиёт қил-лайлик! Негаки... негаки, хуллас, яшасин эркаклар!! Олдик!

Мезбонлар кула-кула энди қадаҳ кўтаришмоқчи эди, қиз кўрсаткич бармоғини чайқаб пўписа қилди:

— Йў-ўқ... Бун-нақаси кетмайди! Мен... тикка туриб ичишни таклиф қиламан. Қани, турдик!

Ғала-говур қилиб ўн эркак барабар кўзгалди. Меликулов ҳам ичида Жаннатхонга минг лаънат айтиб, ўрнидан турди. Жаннатхон шаробни бир кўтарди-ю, қадаҳни тақ эткизиб қўйди. Қадаҳнинг тағлиги узилиб тушди.

— Ҳечқиси йўқ, бўлади, — деди номига ичиб ўтирган хушёр бир йигит ва қадаҳ синигини йиғиштириб олди.

— Ўтиринг-лар-р!! — буюрди Жаннатхон. Ўн эркак яна гувлаб жойларига чўклилар. «Ҳайрият, — деб ўйлади Меликулов, — энди бу маймундан қутиладиган бўлдик. Ҳозир стулга ағдарилиб тушади».

Дарҳақиқат, Жаннатхон тагин бирпас пойинтар-сойинтар гапириб ўтирди-ю, «вой бошим»лаб ётоқхонага кириб кетди. Бир оз ўтириб мезбонлар ҳам тарқалишди. Жаннатхон, сув, деб гингшиганда Меликулов икки думалоқ уйқу дорини майдалаб ичириб юборди: «Зора шу билан эрталабгача тошдай қотиб ухласа.»

Эрталаб Ўрол Мардиевич чўчиб уйғонди. Юзларига ёмғир томчилаётгандек эди. У сесканиб кўзларини очди. Тепасила Жаннатхон йиғлаб ўтирарди. Меликулов энсаси қотиб кўзларини юмиб олди. Буни кўриб, қиз хўнграб юборди.

— Мени кечиринг, Ўрол ака... Кеча эсимни еб қўйибман... Сиз... сизни шарманда қилдим. Энди оғзимга олсам, ҳар нарса бўлай. Ув-в...

Меликулов кўзини очди.

— Йўқ, яна ичинг! — деди кесатиб, — зиёфатнинг каттаси бугун бўлади. Чўлда думалаб-думалаб ичишингиз мумкин!

Жаннатхон стулдан туриб каравотга ўтирди.

— Нима қилай, — деди ҳиқиллаб, — бунақа маишатни тушимда ҳам кўрмаганман. Хурсанд бўлганимдан олавурибман, олавурибман... Сиз ҳам бир оғиз кўй демабсиз.

— Сизга кўй деб бўлармиди? Кўй, деган одамни закуска қилиб еб юборадиган аҳволда эдингиз!

— Майли, бўлар иш бўлди. Энди сиз айтгандек сизилиб, законний бўлиб юраман. Кечирдингиз-а, Ўролжон ака? Бир оғиз кечирдим денг, садағангиз бўлай!

Қиз тўсатдан аслига қайтди, ўйноқлаб хушомад қила кетди:

— Бош оғригингиз тутмадими кечаси? Қўллариңгизни уқалаб кўяйми? Келинг!

Жаннатхон Меликуловнинг иссиққина билагини тўшакдан суғуриб олди-ю, ҳафсала билан уқалай бошлади. Ўрол Мардиевич қизнинг тароқ тегмаган сочига, ичкиликданми, уйкуданми кўпчиб кетган тиниқ юзига қаради-ю: «Йиғлаганда ҳам чиройлик-а лаънати, — деб кўйди, — бир уйни гуллатиб ўтирадиган сиёқнинг бор. Отанг тенги одамга хушомад қилмай сен ўл, қариганда кўғирчоқ ўйнамай мен ўлай илойим».

Аёл қудрати олдила жаҳонгир Искандар ҳам дош беролмаган. Ўрол Мардиевич жаҳонгир эмасди, илжайиб ўрнидан тура бошлади...

Чошгоҳдан ўтганда чўлга жўнашди. Жаннатхон бу сафар Меликуловнинг йўлини пойлаб туриб бошқа машинага чиқди. У ҳар балони сўйлаб, яна Ўрол акаси билан жиқиллашиб қолишдан кўрқарди.

Изень экилган яшил яйловлар, саксовуллар чайқалиб турган кумтепаликлардан ўтиб, икки соатларда беноён дашт ўртасига келиб тўхташди. Атрофда уч-тўрт қора ўтов, омонат қурилган молхона, Ўтов олдидаги тош ўчоқлардан қуюқ тутун чиқади. Сал нарида ердан бош кўтармай ёйилиб юрган кўкиш қўйлар кўринади. Одамнинг бетига қум уфириб, шамол увлайди.

Меҳмонларга катта бир ўтовдан жой қилишган экан, Меликулов биринчи бўлиб остона ҳатлади. Жаннатхон бир чеккага ўтиб, ўтовни томоша қилиб ўтирди. Икки учига кашта тикилган узун қозиқ-лунгилар, қўлда тўқилган даста-даста гулдор гиламлар, керагага осил-

ган бурама олқор мугузи, ўтовнинг тепасидаги чангарақ-туёнук — бари унга ажиб ва афсонавий туюларди.

Хўжалик раҳбарлари ҳисоб бера бошлади. Жаннатхон уларнинг гапига бирпас қулоқ солиб ўтирди-ю сўради:

— Кўчқор билан кўйнинг нима фарқи бор, бари бир эмасми?

Ўтов эгалари ишдамай бир-бирлари билан кўз уриштириб олишти.

— Нага миқ этмайсизлар? — бидиллади Жаннатхон, — фарқини билмайсизларми?

Меликулов захархандати кулимсирали:

— Кўчқор, бу — мен, сиз — кўйсиз, Жаннатхон тушундингизми?

— Тушундим, — деди қиз ва шарақлаб кулиб юборди. — Сиз кўчқормисиз? — деб сўради бармогини бигиз қилиб, — Сиз-а? Шохингиз йўту? Сузганингизни ҳам кўрмадик. Бўлди, бундан кейин сизни Кўчқор ака дейман. Вой, не могу, ўлиб қоламан!

Жаннатхон кула-кула ташқарига чиқиб кетди. Меликулов ўзи билмай қармоққа тушиб қолганига пушаймон бўлди.

Жаннатхон ўчоқ бошига борди. Узун кўйлақ кийиб, юз-кўзини ўраб олган тўлагина аёл овқат ниширарди. У: «Келинг, пошшоқиз», дея Жаннатхоннинг елкасига қоқиб кўйди. «Пошшоқиз» чорпоёдаги саватдан ёнғоқдек қурут олиб оғзига солди. Қозон тўла қайнаётган гўштга қараб сўради:

— Мушча овқатни нима қиласиз хола, озгина бўлса етади-да?

— Меҳмон бор, — деди аёл, — қолса болалар ер.

— Болаларингиз кўпми?

Аёлнинг ўн иккита боласи бор эди. Лекин у ирим қилиб биттасини камайтириб айтди.

— Худо берган ўн битта, тилаб олганим ҳам бор.

Жаннатхоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди, қурутга тикилиб қолай деди.

— Ву-уй!.. Қандай боқасиз шунчасини? Кўйларингиз ҳам кўпдир, а? Бирон юзта бордир?

— Билмадим. Кишим билади.

— Чақиринг-да, кишингизни!

Аёл индамай кулиб кўйди.

Ўчоқ бошига бирин-сирин ўн чоғли қора-қура, ялангоёқ бола тўпланди. Улар «сувқўйлақ кийган опа»ни ётсираб, ажабланиб томоша қилишарди. Жаннатхон хўштак чалиб, бирпас уёқ-буёққа аланглаб турди. Кейин қўлини пешонасига қўйди-ю: «Вой, туя!» деб бақириб юборди.

— Опа, минмайсизми? — деди торганиб бир болакай.  
— Минса бўладими? Тишламайдим?  
— Ит тишлайди, туя тишламайди, — билагонлик қилди бола.  
— Бўлмаса опкелинглар-да! — буюрди Жаннатхон. Болалар чувиллашиб югуришди. Салдан кейин кулоқчин кийган ушоққина киши туясини етаклаб келиб, ўтов ёнидаги сайхошликка чўктирди. Болалар текин эрмак топилганига севиниб, гир айланиб туришди. Жаннатхон хавотирланиб туяга яқинлашди. Кўрқиб икки қадам чекинди.

— Қандай мишади бунга, амаки, нарвоши йўқми?  
— Йўқ-да, янга, — узр сўраган бўлди туякан, — бисмилло дейсизу оёқни соласиз.  
— Келинг, ушлашворинг!

Туякаш Жаннатхонни қўлтигидан олди. Қиз ўркаклар устига ташлаб қўйилган наматга ўтириб улгурмай туя туриб кетди. Жаннатхон чинқириб ўркакни кучоқлади. Унинг говушини эшитиб Меликулов ўтов тирқишидан мўралади. Жаннатхонни кўриб гижжиб, сўкинди. Хаёлига хушук бир фикр келди: «Наҳот мен ҳам анави туяга ўхшасам? Шарманда!..»

Жаннатхон ўзини босиб олди. Атрофга қараб кула бошлади.  
— Ҳайё, ҳайт, туяжон! Кетде-ек Тошкентга!.. Ҳўв, амаки, намуноча имиллайсиз, тезроқ юрмайсизми?

Туякаш илдамлади, туя ҳам лўкилланга тушди.  
— Тезроқ! Тезроқ! — деб бақирди Жаннатхон. У энди қўлларини кўтариб: «Ур-ре!» — деган эди, мувозанатни йўқотди-ю, бир томонига оғиб кетди. Жон ҳолатда яна ўркакга ёпишди.

— До-од!! Ўлде-ем!!  
Туякаш югуриб келди.  
— Ташланг, янга, мен ушлаб оламан.  
— Йўқ, ётқизинг ордопангизни, — йигламсиради қиз, — ҳозир ўлиб қоламан!

У шундай деб ўркакни қўйиб юборди. Шилқ этиб туякашнинг қўлига тушди. Туякаш «Бу сардобани нима қиламан?» — дегандай ҳайрон бўлиб турар, қиз эса унинг таёқдай қўлларида оқбалиқдай типирчилаб ётарди. Бу манзарани кузатиб турган Меликулов:

— Анави лаънатини чақиринг, Валижон, — деди ерга қараб. Пойгакда ўтирган йигит шипиллаб чиқиб кетди.

Жаннатхон туяни, туякашни қарғай-қарғай ўтовга кириб келди. Унинг сочлари тўзиб кетган, уст-боши жиққа хўл эди.

...Меҳмонхонага ярим тунда қайтишди. Меликуловнинг асаби таранг, ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрга тутиб турарди.

— Сиз ҳеч одам бўлмадингиз-бўлмадингиз, — деди плашини ечиб отаркан, — тамом, сийлаганни сизгир билмас экан. Тошкентга борайлик, биринчи куннёқ ҳайдаб юбораман!

Жаннатхон белини ушлаб, хезланиб каравотга яқинлашди:

— Мени-я? Сиз мени ким деб ўйлаяйсиз? Мен сизга бояги чўпоннинг эчкисимидим, «қур-ей, ҳайт», деса кетаверадиган. Мени кимсан — Жаннатхон дейдилар!

— Кўрамиз, — гезарди Меликулов.

— Кўрамиз, — деди Жаннатхон ҳам ва тарс-турс юриб ўз хонасига кириб кетди.

Биров елкасидаги юкни усталик билан ерга қўяди, биров пошудлик қилиб ташлаб юборди-ю, лат ейди. Меликулов ҳам, Жаннатхондан қутулиш йўлини кўп ўйлади. Охири таваккал қилмоқчи бўлди. Лекин қош қўяман деб, кўз чиқаришига сал қолди. Улар Қизилқумдан жумала қайтишди. Душанба кuni Ўрол Мардиевич ишга чиқди. Кабинетига кирдию хурпайиб ўтириб олди. Икки кундан бери чаккаси лўкиллади, юрагини жезтирноқли бир кимса аёвсиз тимдалайди. Бу жезтирноқлар Жаннатхонга тегиши эканини эслаб, Меликуловнинг кўнгли баттар гаш бўлди. Устма-уст кўнгироқ тугмасини босди. Секретарнинг қораси кўринмади. «Ҳалиям ноз уйқуда шекилли, — рижини Меликулов, — соат ўндан ошди. Дараги йўқ. Жуда ўлигини ташлаб олди менга. Асли айб ўзимда. Эркалатиб юбордим. Қизиқ, нега шунақа бўлди, а? Илгари бир ишорамга юз думалаб кетарди. Кейинги пайтда кимга айтяпсан, демайди. Хоҳласа айтганингни қилади, хоҳламаса йўқ. Нима бўлди?»

Меликуловнинг кўз олдига чўл, Жаннатхонни мишириб лўкиллаб кетаётган туя келди. Бир сонияда бошига кулоқчин кийган, кўримсизгина, қотмадан келган қорача туякаш ўрнида Салмонов пайдо бўлди. У ҳадеб Жаннатхонга муқом қилар. Меликулов ўтирган ўтовни кўрсатиб, пиқ-пиқ куларди... Ўрол Мардиевич ёмон туш кўриб ўйғонгандек, бошини сарақ-сарақ қилди. «Ҳайдайман! Иккалангни ҳайдаб юбораман!» — деб ўдағайлади ўзича. Худди шуни пойлаб тургандек эшик оҳиста очилди. Жаннатхоннинг шодон чехраси кўринди. Эгнида жинси шим, қизил кофта, оппоқ бўйнида бодроқдек йирик шода марварид. «Ака, менга бир қаранг!» — дегандек, эшикка суяниб турибди.

Меликулов уни ёнига чақирди, олдига бир варақ қоғоз ташлади.

— Манг, ёзинг!

Қиз қалам олиб, бошлигининг оғзига тикилди.

— Нега лаллайиб ўтирибсиз, бўлмайсизми?

— Айтинг-да ахир, нима деб ёзай?

— Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг!

Жаннатхон қоғозни жаҳд билан нари сурди.

— Боринг-е! Нега бўшар эканман? Менга шу ер ёқади. Ўлсам ҳам бўшамайман!

— Сизга бу ер ёқиши мумкин, — деди Меликулов столни чертиб, — аммо сиз бу ерга ёқмаяпсиз. Яхшиликча бўшамасангиз мажбур қиламиз. Билиб кўйинг.

Жаннатхон ирғиб турди. Курка товукдек кекирлагини чўзиб шанғиллади:

— Беко-орларни айтибсиз! Мен законни сиздан ҳам яхши биламан! Кодексни сув қилиб ичиб юборганман! Мажбур қилармиш-а? Аввал ўзингга боқ — сўнгра ногора қоқ!

— Менинг тилим қисик жойи йўқ, — деди эснаб Меликулов, — билганингиздан қолманг. Қўрқмайман.

Жаннатхон столни айланиб ўтиб, Меликуловга яқинлашди.

— Ҳо-о, шунақа денг? Мана, каттакон бир идоранинг бошлиғисиз. Виждонни ўртага қўйиб айтинг-чи, мени неча марта ўпгансиз?

— Бир марта, — деди Меликулов ўзини босиб, — тугилган кунингизда пешонангиздан ўпганман. Ҳамма гувоҳ эди.

— Тўғри, — тасдиқлади қиз, — ҳамма гувоҳ эди... Аммо... ҳеч ким йўғида ҳам ўпганлар, десам-чи, нима бўлади? Худога шукур, эмансипация деган процесс бошлангандан бери аёлларнинг гани қилич кесалиган бўлиб қолди. Айтайми?

— Айтаверинг. Фойдаси йўқ. Қайтага ўзингиз шарманда бўласиз. Фунажин кўзини сузмаса ва ҳоказо... Яхшиси, савдолашмай ариза ёзинг. Сиз ўтирган ўрнингизга муносиб эмассиз. Хулқ-атворингиз ночор. Сиздақа кимсалар керак эмас бизга.

Жаннатхон билдики, хўжайин уни бўшатмай қўймайди. Шунинг учун ётиб қолгунча отиб қол, қабилада хужумга ўтди:

— Хулқим ночор бўлиб ҳалигача бировга зиёним теккани йўқ. Мабодо ўйнатиб келганингизни миннат қилаётган бўлсангиз — хуш кўрдик! Энди Қизилқум тугул Олтинқумингизга ҳам бормаيمان! Мен сизни бунчалик бачкана деб ўйламовдим. Хўш, номуносиб кадрларга келсак, идорангиздаги одамларнинг тенг ярми ўз ўрнида

эмас. Жаноблари бошчилик қилаётган мана шу даргоҳда қамалиб чиққан ўғри ҳам, хотинбозу пиёниста ҳам, арпа билан бугдойнинг фарқига бормайдиган чаласавод агроном ҳам бор! Тилимни қичитиб нима қиласиз? Чой-чилимингизга қарайдиган югурдақларингиз нечта? Бештами? Ўнтами? Сиз жа-а ҳақиқатгўй экансиз, аввало ўшаларни бўшатиб эди!

— Ҳўв, оғзингизга қараб гапиринг! Ўзингиздан-ўзингиз нима деб валдираяпсиз?!

— Мен кўрган-билганимни айтяпман. У ёғини сўрасангиз, ўзларининг орқа-боши ҳам тоза эмас. Қизингизни қандай қилиб институтга киритганингизни... Салмоновнинг йилига неча марта уйингизга келиб-кетишини... Дадашев деган йўқ одамга ойма-ой мукофот ёзиб беринингизни, ҳаммасини биламан. Ҳатто отангизнинг ўлигини ҳам ишхонадагилар кўмиб беришди-ку? Ёлгон дегн-чи?

Жаннатхон жинси шимининг киссасидан тўрт букланган қоғоз олиб Меликуловнинг башарасига отди:

— Мана, ҳаммасини ишга тизиб қўйибман. Ўқинг! Мендан сизга эсдалик!

Қиз чўрт бурилиб эшикка қараб юрди. Ўрол Мардиевичнинг япалоқ бети аввал кўкарди, кейин қизарди. Лаблари пир-пир учди.

— Ярамак! Хоин! — деб бақирди у, — ўлмасам, сени турмада чиритаман! Мана кўрасан!

Жаннатхон ўгирилди, дарров «салом»га «алик» олди:

— Фақат битта шартим бор. Турмага бирга борамиз. Ўзим каллангизни массаж қилиб ўтираман. Ахир давлатингиз бор, ака...

— Йўқол кўзимдан!!

Эшик қарсиллаб ёпилди. Ўрол Мардиевич шапалоқ егандек бўлди. Боши айланиб, бадани қизиди. Юраги гушиллаб ура бошлади.

У тортмадан дори олиб ичди. Анча вақтгача муштини жағига тираганча шифтга тикилиб ўтирди. Кейин эшик оғзидаги қоровул орқали шофёрини чақиртириб уйига жўнади.

Меликулов икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётди. Қон босими кўтарилибди. Ҳар сафар дори ичмоқчи бўлиб стакан чангаллаганида сувдан сурати фарингтадек, сийрати чаёндек бир қизнинг акси кўринавереди. Бу қизнинг жон олғучи... йўқ, кўзларини эмас, сўзларини эсласа, ёниб кетай дейди. Дадашев меники эмас, бош инженерники. Ўзи топган, ўлик-тиригига ҳам ўзи жавоб беради. Хўш, идоралаги думбулсаволларга келсак... бунақа одамлар ҳамма ерда бор. Аммо, Салмоновга ўхшаганларнинг сонини сани камайтирсам бўларкан.



Ҳалиги сабилни ҳам (пора дейишга тили бормади) озроқ олсам тузук экан. Салмонов ҳам гирт аҳмоқ, Бировга туймадай яхшилик қилса, туядай қилиб кўрсатади. Оғзининг таноби бўш».

Меликулов отасининг таъзиясини хотирлади. «Тўғри, бобойнинг ўлигини кўмишга туманшагилар қарашвориши. Бунинг нимаси уят? Ўзим ҳам бир амаллаб кўмардим» ака, отахонни бизга беринг, биз ҳам савобталабмиз, деб туришгач... нима қилай?»

Дунёда одамнинг ёлғиз ўзи қиладиган юмуш бор, бировга юкласа ҳам бўладигани бор. Масалан, биров учун туш кўриш, сувда сузиш ёки йиғлаш мумкинми? Меликуловнинг наздида мумкин эди. Шунинг учун у, марҳумга кимнинг кўмгани барибир эмасми, ишқилиб кўмилса бўлди-да, деб ўйларди.

Хуллас, икки кун ётиб, Ўрол Мардиевичнинг топган ақли шу бўлди: «Жаннатхонни, албатта, бўшатиш керак. Лекин унинг қитиқ патига тегмай, алдаб йўлга солиш маъқул. Мушукнинг белини силасанг, думини ликиллатади».

Салдан кейин у қадрдон креслосига жойлашиб ўтирди-ю, кўнгироқ тугмасини босди. Жаннатхон кирди. Одатдагидек эшикни ёпиб, суяниб турди.

— Бери келинг, — деди Меликулов очиқ юз билан. Қиз стулга келиб ўтирди. Бошлиқ илжайиб жимжилогини чўзди:

— Яраш. Ўрага сичқон тушди.

Жаннатхон тилла тишларини ярақлатиб гамгип кулди, ишдамай бармоқчасини узатди.

Меликулов ёқимли, куюнчак товушда гўё сирини очган бўлди:

— Гап бундай, Жаннатой. Мен бошқа ишга ўтаяпман. Жойлашиб олсам, кейин сизни ҳам обқетаман. Ҳар қалай, синаштамиз, бир-биримизни тушунамиз. Шунинг учун мендан олдин бўшаб, тахт бўлиб туринг.

Жаннатхонга кинода бош рол теккан актрисадай ўйноқлади:

— Ҳа, ёлғончи! — деди бармоғини силкиб, — ни-ни эткизиб алдаб кетмоқчисиз-а? Биламан сизни...

Меликулов ажабланиб елка қисди.

— Ёлғон айтсам, ана, тепамда чироқ!

— Бе-е! Ҳозирги одамларга ишониб бўлармиши? Улар чироқни ўчириб худониям алдаб кетаяпти-ку!

— Мен кетсам, бу ердагилар сизга кун бермайши. Хўп денг. Сизнинг фойдангизни ўйлаяпман, Жаннатхон!

Жаннатхон ҳам икки кун ўйлаб, бир қарорга келган эди:

«Бу қовоқбош барибир бўшатади. Дод деганим билан фойдаси йўқ. Боринг-ки, ҳалиги қоғозни кўтариб министрликка чиқдим, дей. Нима қиларди у ердагилар. Нарн борса, Меликуловга ҳайфсан беради. Ишдан бўшатишса, яна бошқа ерга қўйишади. Балиқни денгиздан олиб қўлга ташлагандек гап. Барибир балиқнинг насибаси бутун, Меликуловга ўхшаганлар ёмонлиққа олса, ҳар бало қилиши мумкин. Ўзим бир сағир бўлсам. Орқамда «Бизнинг Жаннатхон қалай, яхши ишлаб юрибдими?» деб турадиган ишонган кишим бўлмаса. Ийиб турганда берадиганини олай-да, идорасига бурнимни қоқай».

— Майли, мен бўшайман, — деди қиз жиддийлашиб, — лекин ҳаққимни тўлайсиз. Бекор юрадиган кулларим учун.

Меликулов аввалига суюниб кетди, Аммо «Ҳақ»ни эшитиб, афтини буриштирди.

— Қанча тўлай, э, пулни қаёқдан оламан?

— Билмасам. Топасиз-да. Мукофотингизни беринг. Қарз кўтаринг. Мен рози бўлдим-ку? Кетмайман десам нима қилардингиз.

— Тўғри. Яшанг, Жаннатхон! — деб юборди Ўрол Мардиевич шошганидан. Сўнг каловланиб, стол тортмасини икки марта очиб ётди. Чўнтақларини пайнаслади. Бейхтиёр сейфга қаради.

— Очинг сейфни! — Амр қилди қиз. Меликулов калит олиб ўрнидан турганини билмай қолди. Жаннатхон лип этиб унинг ёнига борди.

Сейф шарақлаб очилди. Меликулов қора туйнукка қўл юбориб, бир даста пул олди. Тишини сугуриб бераётгандек, минг азобда қизга чўзди:

— Манг. Бировнинг омонати эди.

— Пича кўшинг, — деди қиз ҳансираб, — сиз билан бошқа кўришмаймиз энди. Одам етти ёт бегона отарчига ҳам қўстиради бу пулни. Тўрт йил қатиқ ялашдик.

Меликулов иккиланди. Ниманидир ўйлаб турди-ю, яна бир чапал пул олиб, Жаннатхоннинг қўлига ташлади.

— Мана. Ҳар йилингизга юз минг сўмдан.

У жаҳл билан сейфни ётди. Жойига келиб ўтирди. Жаннатхон пулни дарров қоғозга ўраб олди. Креслога яқинлашиб, ўнг бетини тугди:

— Ўпинг!

Меликулов чўчиб, калласини тортди.

— Ие, ие, жинни бўлманг, Жаннатхон...

Қиз гўё ҳадиксираб шивирлади:

— Тезроқ бўлақолинг. Биров келиб қолади.

Меликулов: «Шу балодан кутулай», деб ўйлади, номига қизнинг бетига лабини теккизиб қўйди. Қиз иккинчи юзини ўтирди.

— Энди бу ёғидан.

Меликулов ларров ўпди-ю! «Бас, жўнаш!» дегандек қўл силтади. Қиз хохолаб кулди.

— Қўлга тушингизми, Меликулов! Гувоҳ йўғида ҳам ўпар экансиз-у? Энди нима дейсиз?

Ўрол Мардиевич ўзини йўқотиб қўйди. «Бўшамаса-я? — кўрқди у, — пулини олди, ўпичини берди. Кетмайман, деб оёғини тираб турса-я?»

— Қўрқмасинлар, собиқ хўжайин, — деди қиз кулгидан тўхтаб, — мен гапидан қайтадиган номардлардан эмасман. Идорангиз ўзингизга буюрсин. Жаннатой омон бўлса, ҳали гул кесади. Чао!

У голибона юриш билан чиқиб кетди...

...Ҳамма нарсанинг ибтидоси, интиҳоси бор. Умри тугаса, чипор ҳам йиқилади, булоқ ҳам қурийди, анвоёни гулчамбар хор-хасга айланиб, супириндига тушади. Замоннинг зайли билан Меликулов ҳам отдан тушиб, пиёда бўлиб қолди. Кеч куз. Ёмгир шивалаб ёғаяпти. Ўрол Мардиевич плашининг ёқасини кўтариб, автобус бекатида турибди. Илҳақ бўлиб йўлга қарайди. Шу пайт ёпгинасига физиллаб қизил «Жигули» келиб тўхтади. Рудла сочинни чамбарак қилган сулув бир қиз ўтирибди. Қиз ўнг ёнбошига энгашиб Меликуловни чақирди:

— Хўв, ўртоқ пиёда, ўтирсинлар, ташлаб кетаман!

Ўрол Мардиевич машинага қараб юрди. Шахт билан эшикни очди. Рудла илжайиб ўтирган Жаннатхошши кўрди-ю, бир зум ўйланиб қолди. Сўнг эшикни қарсиллатиб ёшди.

Жаннатхон қаттиқ газ берди. Машина куч билан олдинга сапчиди. Сўлжайиб турган Меликуловнинг башарасига, уст-бошига лой сачратиб кетди.

## ДАДАНГА САЛОМ АЙТ

Тунов кuni чипта олгани вокзалга чиқсам, собиқ курсдошим Элмуродни кўриб қолдим. Қўлида катта сариқ портфел, янги вокзининг нақш-нигорли шифтига аиқайиб турибди. У телеминатюрада чиқадиған бақалоқ артистга ўхшаса-да, доим олиб-югуриб юрадиган кувноқ йиғит эди. Шунинг учун кўпича ҳазиллашиб Элмурод дердик:

Секин бориб биқинидан туртдим:

— И-и, оғзингни юм, Элмурод, пашша киради.

Элмурод ялт этиб ўгирилди.

— Ҳалиям қитмирлигинг қолмабди, ҳарфхўр! — деди ёлғондан қовоқ солиб. Кучоқлашиб кўришдик.

Элмурод Наманганнинг олис бир қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Уч кунлик семинарга келибди.

— Уйга обкетай, оқаси, — дедим жигига тегиб, — офтобда ўтириб бир қатиқ ялашамиз.

У қўл силтади:

— Кс, қўй, бошимни қотирма. Ҳозиргина биттасининг ўтакасини ёриб келаяпман, жула кўнглинг ийиб турган бўлса, иккита морожний олиб бера қол. Ичим ёниб кетяпти. Ушгача посзд келиб қолади.

Аиҳор бўйидаги кафега бориб, четроққа ўтирдик. Элмурод кула-кула боғли «ўтакаси ёрилган» одамни айтиб берди.

— Болаларга совға-салом ола кетай, деб бозорчага кирсам, Миржалилни учратиб қолдим.

— Қайси, анави Мирзатеракми? Олифта?

— Ҳа, — деди Элмурод, қошиқча билан морожнийни аралаштириб, — қўлини орқасига қилиб айланиб юрибди.

— Унинг ипи йирик, — дедим, — профессорнинг қизига уйланган. Кўша-қўша дўкон очган.

— Шунақа экан. Хуллас, мени кўрди-ю, уйга опкетаман, деб ёпиниб олди.

Ўқиб юрганимизда Элмурод билан Миржалил кўп ҳам чиқинша-вермасди. Ҳайрон бўлдим.

— Ҳм, тинчликми? Қаёқдан кун чиқибди? Миржалилнинг бунақа... ёмон одати йўқ эдику?

— Коса тагида ним коса бор, дўстим, — деб кулди Элмурод, — баҳорда у хотини билан дам олгани Чортоққа борган экан. Мени йўқлатибди. Қўлимдан келганча хизмат қилдим. Поччаотага олиб чиқдим. Фовасойларни айлангирдим. Ишқилиб, хурсанд бўлиб кетишди шекилли.

— Тупшунарли. Энди мен ҳам одамгарчилик қилай, дегану, сени кўярда-қўймай уйига олиб кетган. Топдимми?

— Йўқ, — бош чайқади Элмурод. Олдинига ҳадеб қистайверди. «Хотин ҳалигача сени тилидан туширмайди. Мақтагани мақтаган. Бизникига кетамиз. Зўр-зўр оғайниларим бор. Бени-олтитасини чақираман. Новчасидан битта олиб келиб, тонг отгунча майдалаб ўтирамиз», деб туриб олди. Соатга қарасам — икки. Кечқурунгача бўшман-ку, деб рози бўлдим. «Майли, Мирзатерак! Сенинг гапинг сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин!» демайманми? Бирдан Миржалилнинг қовоқ-тумшуги осилиб кетди.

Мен кулиб юбордим.

— Ҳалиям солдалигинг қолмаган-да! Шунинг қуруқ манзиратига ишониб ўтирибсанми, овсар?

Курсдошим уҳ тортди.

— Қайдан билай. Аввал ишондим. Кейин олифтагарчилигини пайқаб қолдим, қайсарлигим тутди. Шу қилганингга, поезддан қолсам ҳам уйингга борганим бўлсин, дедим.

Элмурод битта ликобчани бўшатиб, нари суриб қўйди. Олдига иккинчисини тортиб, давом этди:

— Хуллас, судралишиб кўчага чиқдик. Трамвайда кетамизми, жўра десам, биз томонда трамвай нима қилади, деб жеркиб берди. Унда автобусга чиқайлик, дедим. Миржалил менга, бу жиши бўлганми, дегандек қаради.

— Шунақа пайтда автобусга чиқиб бўладими? Одамни қара! Минши-минди бўлиб ётибди. Бу сенга Чортоғнинг эмас. Тошканинг бир маҳалласида ўнта Чортоғнинг одами туради.

— Ҳай, унда энг осони такси. Ҳозир тўхтатаман, — дедиму йўлни кесиб ўтмоқчи бўлдим. Миржалил енгимдан тортди.

— Иш расво. Шу десанг кичик ўғил жуда шўх чиқди. Эрталаб кўчада тўп ўйнаётган экан, бир бола оёғига тешибди. Тўпиги ёрилиб кетибди. Шунга мўмиё излаб кетаётган эдим.

— Э, чакки бўпти, — дедим кўнгли учун, — палакат-да палакат. Иссиқ-иссиқ шўр пахта босса тузук бўлиб кетади.

Миржалил мени ўглидай уришиб берди:

— Шўр пахта қайнатишга олов керакми ахир?

— Газ ўтмаганми уйлариңгга?

— Худога шукур, оқма газим бор, — деб керилди у, — бироқ уч кундан бери келмай қолди. Чой қўйиб ичишга ҳам зор бўлиб ўтирибмиз.

— Электр бордир?

— Икки кун бўлди у ҳам йўқ. Кабел узилганмиш.

Э, дўстим, бизнинг кўрган кунимизни сўрама, — деди афсусланиб, — уй совуқ. Ўчоқ ёқишга ўтин қолмабди. Магазиндан консерва-понсерва олиб кириб сўмизу, қоронғу тушмасдан кўрпага шўнгиймиз. Уч бола, эр-хотин, ҳаммамиз бир уйда тиқилиб ётибмиз. Иморат чапа. Бир ёқда уста ишляпти. Шунақала меҳмон келиб қолмаса гўрғайди, деб хотин ташвишда.

Қарасам, у мени остонасига ҳам йўлатмайдиган. Аҳмогингни топибсан, барибир уйингга бораман, деб қўйдим ичимда.

— Менга қара, Миржалил, — дедим, — ҳозир тўғри Эски жўвага тушамиз. Мен икки кило гўшт, тўртта шам, битта керогаз, беш литр керосин оламан. Студентлик йилларимизни эслаб бир яйраб ўтираммиз. Биласан, мен унақа позик меҳмонлардан эмасман. Кетдикми?

Миржалил чайналди:

— Майли-ю, лекин биласанми, кейинги пайтларда ошқозон сал чатоқроқ... Ичолмаяпман.

— Ким сенга ич, деяпти? Ҳали айтган оғайнилариңг бор-ку? Машина тўхтатайми?

— Шошма-чи, — деди Миржалил иккиланиб. Кейин шап этиб пешонасига урди, — ие, бугун уйда хотин йўғ-у! Азонлаб ойимларни кўриб келаман, деб ўтирувди.

— Унда йўл-йўлакай келишни ҳам ола кетамиз.

— Қизиқмисан? Қачон менга машина келар экан, деб кутиб ўтирибдими? Ойисиникидан акасишикига ўтиб кетган бўлиши керак. Қайноғам Франция, Италия қилиб айлапиб келибди. Ҳали ўзим ҳам кўра олмадим.

— Жуда соз! — деб ўрнимдан турдим. — Бир йўла табриклаб ўтамиз. Хурсанд бўлади. Машина тўхтатайми?

Миражалилнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Майли-ю, мен меҳмондан қочадиган номард эмасман, биласан, лекин...

Ўткинчи машинага қўл кўтаргани энди йўл четига чиқувдим. Миржалил бақариб юборди:

— Ие, оғайни! Манавини қара! — у чўнтагидан бир шола калит олди. — Эрталаб эшикни қулфлаб чиқаверибман! Видсомагнитофоним сайраб ётганди, газ ўчоқ ҳам ўчмаган эди. Уйим куйди. Кечирасан, оғайни, мен чопдим!

У шоша-пиша қўлимни қисди-ю, лўкиллаб кетди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб олиб қичқирди:

— Хўв, Элмурод, бемалол бўлиб келгин-а, дўстим? Ётиб олиб бир оғамлашамиз! Хайр! Далангга салом де!

— Хуллас, профессорнинг куёви қочиб кетди, — деди Элмурод ва соатига қаради-ю, ирғиб турди. — Ие, Наманганининг поезди ҳам қочиб кетишига сал қолибди-ку!

У портфелини кўтариб югурди. Анча ерга бориб ўгирилди:

— Хўв, қитмир, бемалол бўлиб бир боргин! Сув қўшилмаган қатиқдан ичиб келасан!

## БИР ПУФ КАМ БЎЛИБДИ

Бир йиғит кулолга шогирд тушди. Анча муддат устазодалик қилгандан кейин устозидан фотиҳа олди ва ўзи мустақил ишлай бошлади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, ясаган сопол идишлари устозиникидек чиройли чиқмади. Ниҳоят, у бош эгиб устоз ҳузурига келди.

— Уста, ясаган кўзаларим сизникидек чиқмаяпти, — деди ер чизиб. Устоз шунақа бўлишини биларди. Кейинги пайтда шогирдининг, энди биз устага зор эмасмиз, ўзимиз уста бўлдик, деб керилганини эшитган эди. Шунинг учун у шогирдга кўза яшанинг кўпгина сирларини ўргатдию, аммо синов учун битта сирни яшириб қолди.

— Нима бўлди, қани бир четидан айт-чи, — деди устоз. Шогирд ёзгирди:

— Ҳамма айтганларингизни қилдим, уста. Аввал лойни пишитдим. Сўнгра уни яшилаб ийладим. Кейин тобига келсин деб, «дамлаб» қўйдим.

— Кейин?

— Кейин чархга қўйиб, кўза ясадим. Сўнг уни офтобга қўйиб қўйдим?..

— Хўш, хўш?

— Ундан кейин хумдонга солиб қизаргунча пиширдим. Яна офтобрўяга қўйдим. Яшилаб қуритмоқчи бўлдим-да, уста.

Уста «маъқул», дегандек бош ирғади.

— Кейин десангиз кўзага гул сола бошладим. Бироқ қанча уринмай, сизникига ўхшаб ялтираб чиқмаяпти. Бир маслаҳат беринг, нима қилай, уста?

Устоз кинояли кулди:

— Э, бир пуф қолиб кетибдию, ўглим?

Шогирд ҳайрон бўлди:

— Қанақа «пуф» уста?

— Ахир хумдондан чиқариб, офтобга қўйгандан кейин кўзани яшилаб пуфлаш керак. Шунда унга илашган чанг-чунг кетади. Бўлмаса, бўёқни яхши олмайди, демак кўзанг ялтирамайди.

— Бу гапни илгари айтмаганшингиз, уста.

— Айтмабмидим, э, эсим қурсин, — деб маъноли кулимсиради уста.

Шогирд бир нарсани англагандай бўлди. Ҳеч қачон устозга шак келтириб бўлмас экан. Устоз отангдек улуғ, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган экан...

Бу ибратли ҳикоятни Навоий бобомизнинг мана бу сатрлари билан яқунлагим келади:

Агар шогирд шайхул-ислом, агар қозидир,

Агар устоз андин рози — Тангри розидур.

## УСТОЗЛАР ЁДИ



## ТЕМИРЧИНИНГ ЗАРГАР ЎГЛИ

### ПАЛОВ БЎЛМАГАН МАСАЛЛИҚ

Илгари қаламқашлар орасида бир нақл юрарди: «Абдулла Қаҳҳорнинг ўқувчиси ҳам кўп, душмани ҳам кўп». Албатта, бу гап бир ёқлама, лекин унда жиндай ҳақиқат ҳам бор. Абдулла Қаҳҳорнинг душманлири ким эди? Улар адабиётни текин смишхонага айлаштириб олган бир тўда чўбукқаламлар, адабиёт даргоҳига «яшнаб турган асар билан эмас, болта кўтариб» кирувчилар. Йилма-йил конвейр усулида ёстиқдай китоб ёзиб, ўқувчи ҳафсаласини пир қиладиган адабий мардикорлар эди. Абдулла Қаҳҳор халқ елкасида ўтириб, халқни танимайдиган амалпарастлар, шамол эсган томонга қараб буриладиган мадлоҳ-мунаққидлар, салла ол, деса калла оладиган уштер пришибееллар ва умуман, ҳаётимиздаги жамики ҳуснбузар унсурларни жинидан ёмон кўрар эди. «Гап келганда отангни аяма» деган ибора гўёки атай Абдулла ака учун тўқилгандек эди. У киши рост сўзни ҳар қандай шароитда, ҳар қандай шаклда ва истаган кишининг бетига дангал айта олар эди.

Бир мисол. Тошкентда ер қирмирлаган йил эди. «Адашиб» Ёзувчилар уюшмасига бориб қолдим. Катта бир кабинетда тор доирадаги мажлис бўлаётган экан. Йўлакда уюшма раҳбарларидан бирини кўриб қолиб саломлашдим.

— Келганинг яхши бўлди, — деди у — чой ташиб тур. Баҳонада Абдулла аканинг сўзини эшитиб оласан.

Чойнақни олиб қабулхонага зингиладим. Дам-бадам «Чой олиб келайми» деб мажлисхонага мўралайман. (Аслида Қаҳҳор домланинг гапини эшитмай қолмай, деб хавотирдаман).

Мажлис анча чўзилди. Хонада ўн чоғли казо-казо ёзувчи. Турда, деворга қапиштириб қўйилган стулда Абдулла ака ерга қараб халчан ўтирибди. Гўё чойнақ бўшашиши кутган бўлиб, остонага омонатгина чўқдим. Бир ёзувчининг янги асари муҳокама бўлаётган экан. Ҳамма

романни баравар мақташга тушди. Муаллифни Толстой билан Қодирийга тенглаштирилмаса-да, ишқилиб шуларнинг ёнига яқинлаштириб қўйишди.

Ниҳоят, мажлис аҳли бир оғиздан қарор қабул қилди: мазкур роман ўзбек адабиётининг улкан ютуғи деб топилсин, журналга тавсия этилсин, рус тилига ўгирилиб, тезда икки тилда босиб чиқарилсин...

Хайбат раиси «Ҳеч кимда сўз йўқми?» дегандек хонага кўз югуртирди. Ҳамма мамнун, гўё улуг бир ишни адо этгандек, тантанавор илжайиб ўтирарди. Шу пайт худди ёш студентдай ийманибгина Абдулла ака кўл кўтарди. Раис, «Сиз гапирмасангиз ҳам бўларди-ку» дегандек Абдулла акага норози қиёфада бир зум қараб турди-ю, «Сўз сеvimли ашибимиз устоз Абдулла Қаҳҳорга!» деди баландпарпоз оҳангда. Абдулла ака шошмай ўрнидан турди, рўпарасига тикилиб, жим бўлиб қолди, сўнг қўлидаги шапалоқдай қоғозга кўз тапалади. Ҳамма жим. Хонага оғир сукунат чўккан. Чехралардаги бахтиёр табассум сўниб, унинг ўрнини ҳаликками, таънагами ўхшаш галати бир ифода эгаллаган.

Ниҳоят Қаҳҳор эшитилар-эшитилмас товушда гап бошлади:

— Биз бекорчи кишимиз. Фақат ўзимизнинг асаримиз билан оворамиз. Шунда ҳам ёлчитиб тузукроқ бир нарса ёзолмадик.

Ўтирганларнинг юзига қон югурди. Абдулла ака нафас ростлаб давом этди:

— Ўртоқ Фалончининг елкасида бутун бошли мамлакат ташвиши турибди. Шу ташвишлардан вақт орттириб роман ёзган экан, отасига раҳмат.

Жамоатга жон кирди. Одамлар бир-бирига қараб аста-аста бош силқир, «Ана, ҳатто Қаҳҳорнинг ўзи ҳам бизни қувватлаяпти, аслида роман зўр-да», дегандек бўлишарди. Абдулла аканинг одатлари шунақамиди ё фикрини жамлаяптими, тагин шифтга тикилиб бир дақиқа жим бўлиб қолди. Мен раиснинг кўзига тушмай, яна чой букюриб қолмасин, деб бурчакка тикилиб олдим. Абдулла аканинг гапидан кейин ҳушимга келдим.

— Одамнинг олдига бир бўлак гўшт, гурунч, ёғ, сабзи қўйиб, мана шу палов десангиз, у сйдими? Йўқ, емайди. Нимагаки, бу ҳали палов эмас, паловнинг масаллиғи... Романнинг масаллиғи ёмон эмас экан. Ҳамма нарса бор. Фақатгина пишириш керак. Ҳурматли ёзувчимиз ғайрат қилиб ҳалиги масаллиқни паловга айлантирса, ўқувчи таъби тортиб сйдиган таом бўларди...

Абдулла ака яна нимадир деди. Бироқ эслаб қололмадим. Чунки бирдан шовқин-сурон бошланди, боядан бери нозик табассум қилиб Қаҳҳорнинг оғзига тикилиб ўтирган кишилар ўзаро гап талашиб, бир-бирига ниманидир маъқуллаб, Қаҳҳорни бутунлай унутиб юбордилар.

Мен чой олиб кирганимда мажлис раиси муҳокамага яқин ясаётган экан.

— Раҳмат, устоз! — деди у Абдулла ака томонга таъзим қилиб, — сизнинг қimmatли фикрларингизни инобатга оламиз. Шундай қилиб, ўртоқлар қароримиз яқин: китоб нашриётга тавсия этилсин.

— Журналга ҳам, — деди кимдир.

— Ҳа, ҳа журналга.

— Рус тилига таржима...

— Албатта таржима бўлади.

Мен олиб кирган чойни ҳеч ким ичмади. Абдулла ака ёлғиз ўзи кўчага чиқиб «Волга»сига ўтирдию жўнаворди. Мажлис аҳли анчагина йулакда нималарнидир қизгин муҳокама қилиб, тарқалмай турди.

Ҳалиги «палов бўлмаган масаллик» катта бир амалдорнинг романи эди.

## АЛЁР

Олтмишинчи йилларнинг ўртаси. Радиода ишламан. «Ёшлик» радиостанцияси энди ташкил этилган пайтлар. Раҳбаримиз — Рустам Раҳмонов. Раҳматлик кўнучак инсон эди, лекин бировга озор бермасди. Бирон нарсадан ранжиса ё кўнгли тўлмаса, биз ёшларни ҳам эркалаб «шунақа эмас-да энди, ака» деб кўярди.

Бир куни Рустам ака дам олгани Дўрмонга чиқиб кетди. Дўрмон у пайтлар жуда обод эди. Ёзувчиларнинг бу ижод боғи баҳордан то кузгача гавжум бўларди. Бу ерда Миртемир, Шайхзола, Иззаг Султон каби адабиётимиз оқсоқолларини ҳам, энди атак-чечак қилиб адабиётга кириб келаётган ёшларни ҳам учратиш мумкин. Айниқса ёз фаслида Дўрмоннинг гир-гир шабадаси, оқар сувлари истаган кишини соҳирадек ўзига чорларди.

Шанба келиши ҳамон Рустам аканинг ортидан Дўрмонга қараб югурдик. Бизни боғ сайридан кўра устозларнинг ажойиб-фаройиб хангомалари кўпроқ қизиқтирарди.

— Зап вақтида келдингиз, — деди Рустам ака мени кўриб, — бозорга тушадиган одам тополмай турувдим. Бугун бир ошхўрлик

қилайлик. Мана бу пулни олишгу, бозор қайдасан, деб зингиланг, ака.

Битта бозор кўрган ошнамни ёнимга олдим. Ҳаш-паш дегунча Қибрайдан ошнинг харажатини қилиб чиқдим. Рустам ака асли андижонлик эмасми, яхши пазанда эди, паловхонгўрани-ку, йўргалатиб юборарди. Ҳазил-хузул билан бир насада сабзи-ниёзни тўграб ташлади. Биз ўчоққа ўт ёқиб, ўша машхур арғувон тагига жой қилдик.

Ошхўрларнинг кимлиги ҳозир ёдимда йўқ, ҳар қалай аксарияти оқсоқоллар эди. Рустам ака дамтовоқни бостиргач, олатдагидек, мутойиба аралаш деди:

— Мен шакароб тайёрлаб турай, унгача сиз бир укам бўлинг. Абдулла акани ошга айтиб келинг.

Юрагим шиг эди. Рустам ака, Абдулла Қаҳҳорни чақириб келинг, деётган эди! Қаҳҳор домланинг ҳовлиси шушдоқ рўпарада, элик қадам ҳам чиқмайди. Аммо... Абдулла Қаҳҳорни ошга айтиб боргани ким бетлайди. У кишининг қўлини олиб юзига қарагани унча-мунча катталар истиҳола қиларди-ю, бизга ўхшаган эндигина тўртта ҳикоя ёзган ҳаваскорга йўл бўлсин!

— Ҳм, азизим? — деди Рустам ака иккиланиб турганимни кўриб, — шунақа эмасда энди. Ош тагига олиб кетади-я!

Гуриллаб ёниб турган оловга яқинлашаётган кишидек, секин домланинг дарвозаси томон юрдим. Эшикка бориб тўхтадим. Ўзимни зўрладим. Бўлмади. Оёқ илгари босмади.

Бир оз туриб қайтиб келдим.

— Айтдингизми? — деди Рустам ака. «Йўқ» дегандек бош чайқадим.

— Қойил, — деб кулди Рустам ака, — тагин бу укам ҳажвий нарсалар ёзди. Юракдан ҳам берган экан. Бўпти, дастурхонни тузатиб туринг, ўзим айтиб келаман.

Рустам ака лўмбиллаб чиқиб кетди. Анчадан кейин Абдулла акани бошлаб келди.

Домлани кўриб ўтирганлар дув кўзгалди. Абдулла ака бош силкиб саломлашган бўлди, кейин тўр томонда тикка таъзим қилиб турган Александр Удаловга қараб, мийтигида маъноли кулиб қўйдилар.

Шу ўринда адабиётга энди кириб келаётган ёшларга, умуман янги авлодга Александр Удаловнинг кимлигини билдириб қўйишим керакка ўхшайди. Сир эмас, неча ўн йиллар мобайнида Ўзбекистон давлатигина эмас, ҳатто адабиётимиз ҳам собиқ иттифоқ томонидан

бошқариб келинди. Ўзбек ёзувчиларининг нимани ёзиб, нимани ёзмаслигига Масков аралашарди. Масалан, босмачилар, деб тамға босилган ўзбек фидойилари ҳақида ёзилса, албатта уларни ёмонлаб ёзиш керак. Ўтмишда ўзбек халқи фақат зулматда яшаган, унинг ёруғ кўни ҳам, жаҳоншумул тарихи ҳам бўлмаган, дунёга Беруний, Улуғбек, Навоийларни берган бу халқ илму фанни Европадан ўрганган эмиш ва ҳоказо. Удаловга ўхшаганлар ана шундай якка-ҳокимлик, аниқроғи шовинистик мафқуранинг Тошкентдаги вакиллари эди. Мильчаков, Бородин, Владимирова каби каттароқ ёшдаги миссионерлар эса, Удаловнинг қўлига сув пуркаб турарди. Бир сўз билан айтганда, улар Масковнинг Тошкентдаги кўз-қулоғи, ё ошқора ё хуфя назоратчилари эди. Абдулла Қаҳҳор уларни жишидан ёмон кўрар, ўзга ёзувчилардан фарқли ўлароқ, ўз фикрини дангал, кўпчиликнинг олдида ҳам айттаверар, оқибатда Удаловларнинг қаттол ва хавфли душманига айланиб қолган эди.

Алқисса, тик турганлар ўтирди. Ош сузилди. Кимдир дастурхон четига қўйилган коньякни олиб, олма пиёлаларга бўлиб чиқди. Шу пайт Александр Удалов ёнбошидан китоб олиб, Абдулла акага чўзди:

— Янги романим чиқди, Абдулла Қаҳҳорович. Сизга атаб олиб келдим.

Абдулла ака китобни менсимай қўлига олди. Номини ўқиб, тагин сирли кулиб қўйди. Бу сирли кулгунинг сирини биз кейинроқ билдик. Китоб «Сабр косаси» («Чаша терпения») деб аталарди ва яқин ўтмишимизга бағишланган эди. Гўёки маҳаллий бойлар зулмидан сабр косаси тўлиб кетган ўзбеклар бир ёқадан бош чиқариб, инқилоб қилишга отланган эмиш...

Қаҳҳор домла китобни бир варақлаб муаллифига қайтариб берди. Қўлига пиёлани олди ва дастурхонга қараб алёр айтди:

— За наше терпение. Ўзбекнинг сабрига балли.

У ҳеч ким билан уриштирмай «қулт» этиб коньякни ичди, жиззадан олди. Мен, Удалов нима қилар экан, деб қараб турдим. Чунки у Абдулла акашеч улуғ ёзувчидан икки оғиз табрик, бир жуфт илиқ сўз кутган эди. Қаҳҳор эса Қаҳҳорлигича қолди. Дастурхон устида ҳам Масковнинг тили узун, қўли узун хос вакилини аямади, уни мулзам қилди, миллатини ерга ургани учун ўчинни олди.

Удалов энди оғзига олиб борган пиёласини ерга қўйди-ю, индамай туриб кетди. Назаримда бировлар саросимага тушди. Чунки «Дўрмондаги ўтиришда фалончилар ҳам бор эди» қабилидаги гаплар ҳув керакли ергача этиб бориши эҳтимолга яқин эди.

— Олинглар, — деди Абдулла ака ошга қўл чўзиб, — битта паш-шахўрда камайди.

Ўша кўни Абдулла битта рақибини мағлуб этиб, ўзи бир ёшга қаригандай бўлди.

## АДАБИЁТ УЙИНИНГ ЭШИГИ

Ёзувчилар уюшмасида ўзига бино қўйган, ишжиқ бир ёзувчининг янги асари муҳокама бўлиши керак экан. Бунинг бизга уюшмадаги «қулоғимиз» етказди.

— Роса жанг бўлса керак, — деди у, — мажлисда Абдулла Қаҳҳор ҳам қатнашар экан.

Эски Первомайск кўчасидаги уюшманинг зали чоғроқ эди, кўпинча жой етишмай сомелар йўлакка чиқиб кетарди. Шунинг учун мажлисдан анча илгари бориб, залнинг орқароғига ўрнашиб олдик.

У пайтлар ажиб замонлар экан. Президиумда мажлисни бошқарувчи-ю, яна биттагина котиба бўлар, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби алломалар ҳам пастда, биринчи қаторда ўтиришарди. Муҳокама бошланди. Ҳозир эсимда йўқ, уюшма котибларидан биттаси мажлисни очди, муҳокама бўлаётган асар, унинг муаллифи ҳақида икки оғиз гапириб, навбатни танқидчиларга, адибларга берди. Биров у деди, биров бу деди, ишқилиб, янги асарнинг фазилати-ю қусурлари ҳақида билганича сўзлади. Муаллиф минбардан кўзини узмайди, ҳар нотиққа луқма танилаб, ўзини ёқлайди, гўёки касбдошларининг танини назарга илмагандек, истеҳзоли илжайиб қўяди.

Ниҳоят, «Сўз — устоз Абдулла Қаҳҳорга!» деган садо янгради. Абдулла ака одатига кўра, шошмай қўзғалди, аста-аста юриб минбарга чиқди. Залга кўз югуртириб, бир неча сония жим бўлиб қолди. Сўнг қўлидаги гугуртдай қоғозга қараб олиб, паст товушда гап бошлади:

— Биз ёш вақтимизда Қўқонда пакана Маҳсум деган киши бўларди. Шу Маҳсум иморат солса, эшигини ўзининг бўйига мослаб қурдирар эди. Меҳмон келса, бошини эгиб ўтишга мажбур бўларди, акс ҳолда пешонасини эшикка уриб гурра қилар эди...

Енгил кулги бўлиб ўтди. Абдулла ака бир лаҳза сукут сақлаб, давом этди:

— Фалончиев шунча вақтини сарфлаб китоб ёзибди. Ҳайф умр, Ҳайф қалам-қоғоз! Бугун аср боши эмас, ҳатто ўттизинчи йил ҳам эмас. Биз лазерлар, электроника асрида яшаётимиз, инсон космосга қадам қўйди. Бас, шундоқ экан, бугунги ўқувчига маърифат — фойдали нарса, ўқиган киши ўқимаган кишидан юқори туради, деб ақл ўргатиш кулгили туюлади. Бу — худди офтобнинг, сувнинг, тоза ҳавонинг фойдали эканлигини исботлашга уринишдек бир гап. Адабиёт — пакана Махсумнинг уйи эмас, адабиёт уйининг эшиги баланд бўлиши керак. Бу эшикдан Асқад билан Мамарасулдек ўрта бўйли кишилар ҳам, кампа билан Фафурдек мушайроқ қоматли оқсоқоллар ҳам бемалол кириб-чиқиб турадиган бўлсин. Афсуски, Фалончиев тажрибали ёзувчи бўлишига қарамай, бу китобни ўзининг бўй-бастига ўлчаб ёзибди. Эшикни бузиб, бошқатдан қуриш керак.

Шу пайт муаллиф ирғиб турди. Ҳайъатга қараб қўл силтаб бақирди:

— Мен Қаҳҳор домланинг гапларига қўшилмайман! Бу хусуматдан бўлак нарса эмас! Мана, қаранглар, мен пакана эмасман...

Дарҳақиқат, муаллиф пакана эмас эди. Лекин унинг мажозни тушунмай лақмаллик қилганига залдагилар мириқиб кулишди.

### ҲАЙ, ҲАЙ, ХАТО ҚИЛМАНГ!

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллик тўйи арафасида «Гулистон» журналида у кишининг рангли суратини берипшимиз керак экан. Сураткашимиз Семён Безносков билан Абдулла аканинг Дўрмондаги дала ҳовлисига қараб жўнадик.

Эрта баҳор, Энди ялпизлар ниш уриб, Дўрмон боғлари яшил тусга кираётган пайт. Устозникида биздан бошқа мухлислар-у мухбирлар ҳам бор экан.

Сурат олиш навбати бизга келди. Семён ака Андижонда катта бўлган, ўзбек тилини яхши билар, чаққон ва ҳазилкаш киши эди. У Абдулла акани ҳар мақомга солиб суратга ола бошлади. Адиб гоҳо китоб варақлайди, гоҳо олис-олисларга ўйчан тикилади ёки энди эшикдан кириб келган мухлислари билан кўришади.

Сурат олиб бўлиб, кенг айвонга, меҳмон ёнига чиқиб ўтирдик. Ўша кунди Абдулла аканинг кайфияти яхши экан шекилли, ўтган-кетган қизиқ ҳангомалардан айтиб, ўта жиддий саволларга ҳам мутойиба билан жавоб бериб, ҳаммани кулдириб ўтирди.

Бир пиёла чойдан сўнг, «иззатимизни билиб», қўзғалдик. Шу пайт «Ассалому алайкум!» деб яна меҳмон кириб келди. Улардан бири домлага таъзим қилди-да:

— Олтминг баҳорингиз билан табриклаймиз, устоз! — деб қўл чўзди. Абдулла ака ёлгондан қовоқ солди.

— Ҳай, Ҳай, хато қилманг! — деди кейин, — олтминг эмас, эллик баҳор. Ўн еттинчи йилгача баҳор бўлмаган, баҳор инқилобдан кейин бошланган.

Меҳмонлардан баъзи бировининг ранги оқарди, бировлар эса, мириқиб кулди.

Мана шу кичкина гап ҳам кейин адибнинг бошида калтакка айланди.

### ДЎППИ

Фаргона томонларга йўлим тушса, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактар» ёки Кибриё опанинг «Чорак аср ҳамнафас» китобчасини ола кетаман. Кўзон атрофидаги Яйпан, Ултарма, Рапқон, Қудаш каби қишлоқларни қайта кезиб, Абдулла аканинг болалиги ўтган йилларни эслагим келади. Ё бўлмаса, ўша мушфиқ ва жонсарак аёл — Кибриёхонимнинг Абдулла Қаҳҳор деб чеккан заҳматларига яна бир қур офарин айтаман.

Биз Кибриё опа билан яқин эдик. Айниқса, мен Ёзувчилар уюшмасида ишлаган йилларим у киши билан тез-тез кўришиб турардик. Қушда-қун ора мен сим қоқар, ҳафта сайин опани зиёрат қилишга уринардим. Ишларим кўпайиб, сал кечиксам, опанин ўзлари ярим ҳазил, ярим чин оҳангида гинаҳонлик билан телефон қилар, «Машлоно, улуг адибне бевасине қўлидан як пиёла чой ичгани вақлари истифода этмайдим?» деб қуларди. Мен узр айтардим ва «Буюк устознинг зукко бевасига саломлар бўлсин» деб бир тарафи музей, бир тарафи хонадонга айлантирилган файзли ҳовлига кириб борардим. Опа раҳматлик ниҳоятда уста пазанша эди. «Мана бу домлангиз хуш кўрадиргон сомуса, буниси ялпизлама, мана сутпатир», деб дастурхонни тўлдириб ташларди. Тушлик баҳона, тарих ҳақида, хусусан, мумтоз адабиётимиз, тил жилолари, қаламкашларнинг тилимизга эътиборсизлиги борасида куюнчак фикрлар айтиларди. Кибриё опа форс, рус, ўзбек тилларини мукаммал эгаллаган, айниқса, тиллардаги муқобиллик (синоним) масаласида ман-ман деган тилшунос олимдан қолишмасди.



— Бизнинг ота-боболаримиз уч тилда бемалол гаплашганлар: арабий, форсий, туркий. Ҳозир-чи? Баъзи шўринг қургур ёзувчи битта ўзбек тилида эплаб ёзолмайди. Номи чиққан бир ёзувчингиз уялмай-нетмай «Катта муҳаббат» деб ёзибди. Муҳаббат қовун эмас, унинг катта-кичиги бўлмайди. Ўзбеклар чин муҳаббат дейди, асл муҳаббат дейди. «Катта муҳаббат» — бу ўрисчадан ўтирилган ибора. Тунов кунни бир таклифномага кўзим тушди. «Сизни лутфан таклиф этамиз» дейилибди. «Лутфан» дегани, бу — аслида таклиф этишга арзимайсизу, аммо марҳамат юзасидан сизни ҳам чақира қолдик, дегани. Биз гоҳида чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб кетиб, кўнглимизга келган нарсани ёзаверамиз, бечора меҳмон «лутфан» таклиф этилганига хурсанд бўлиб зиёфатга ошиқади. Тилга эҳтиёт бўлиш керак, тилга қоқилган одам ўзини ўнглай олмай қолиши мумкин.

Бу сафар Катта Фаргона канали бўйидаги бир оромгоҳда дам олардим. Ёзнинг чилласи. Кибриё опанинг китобчасини варақлаб ётиб, кўзим илينيбди. Туш кўрибман. Тушимда болалигимга қайтибман. Ўртоқларим билан катта анҳор бўйида ўйнаб юрган эмишман. Баҳор, ҳаммаёқ чаман бўлиб гуллаган. Биз ўйин билан бўлиб, бир сайхонликка бориб қолдик. Бу ер бозор экан. Лекин нимагадир асосан чопон, белбоғ, дўппи каби кийимлар сотилаяпти. Лўмбиллаган, чиройли бир аёлнинг қўлида бир тахлам дўппи. Аёл бошига ҳам чуст дўппи кийиб олган. Шу пайт қаердандир оппоқ сочларини ярқиратиб Абдулла Қаҳҳор пайдо бўлди. У тўғри ҳалиги аёлнинг олдига келди. Дўппиларини битта-битта олиб кўрди. Аёл нимадир деб жовдиради ва чиройли марғилоний нуха дўппини Абдулла акага кийдирди. Домла тагин битта-яримта дўппини кийиб кўрган бўлди-ю, биттасини танлади. Аёлнинг этагига жаранлатиб бир ҳовуч кумуш танга ташлади. Аёл шарақлаб кулди. Абдулла ака чўрт ортига бурилди ва анҳор ёқалаб кета бошлади. Биз у кишига эргашдик. Абдулла ака кичкина бир кўприкдан ўтиб, оппоқ бўлиб гуллаган катта боққа қадам қўйди. Бизлар боққа киргани ҳаддимиз сиғмай тўхтаб қолдик. То Абдулла аканинг салобатли бўйлари кўринмай кетгунча у кишининг изидан ҳавас билан қараб турдик.

Қушлар чуғуридан уйғониб кетдим. Тушимнинг таъбирини ўйладим. У чарақлаб турган ёз офтобидек равшан эди. Агар аёлларни илҳом париси деб тасаввур қилсак, Абдулла ака ўша пари қўлидан шараф тожини кийиб, Ўзбекистоннинг абадий гулгун боғи — адабиёт оламига кириб кетганлиги чин ҳақиқат эмасми?

## АТИРГУЛНИНГ БИР ҲОВУЧ ҲИДИ



## ШЕЪРИЯТНИНГ БОБОДЕХҚОНИ

Миртемир ака шеър зарғари. У сўзни мисқолаб ўлчади, ёзадиган гапини етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесали. Бу ойдай аниқ нарса. Лекин... Ҳаммамизга маълум оддий сўзларга ўзгача бир сөхр бағишлай оладиган бу шоир қандай ишлар экан — кўпдан шуни ўйлар, мавриди келса, унинг шеър ёзишини, бирор асарига сайқал беришини кузатсам, деб ҳавасланардим.

Ниҳоят, шундай кун келди. «Гулистон» журналига Миртемир акага бағишлаб махсус саҳифалар бериладиган бўлди. Ундан шеър «ундириш» менга топширилди. Ишдан вақтлироқ чиқиб ишчилар шаҳарчасига қараб кетдим.

Қиш чиқиб борапти, кўчаларда қор эрий бошлаган. Қари ақания бутоқларига ёпишиб қолган шапалоқдай ҳўл қор парчалари шалоплаб йўлга тушади, паришон йўловчиларнинг бошига урилиб, қий-чув кўтаради. Троллейбус деразасидан шалаббо асфальтга тикилиб, хаёлчан кетяпман.

Биз ёшлар, ўз уйимиздай, эмин-эркин кириб борадиган шишамгина файзли ҳовли. Баҳордан кузаккача бирин-сирин потраб очиладиган уфори гуллар ҳали уйқуда. Ёзда оқ, қирмизи, пушти бўлиб кўз қамаштирувчи бу гуллар худди хонадон соҳибининг байтларига ўхшайди. Уларга тикилса, одамнинг ёшлиги, ёшликдаги тоғли, ҳануз дилни жизиллатадиган ёниқ туйғулар эса тушади, юрак ҳаприқади...

Ичкари кирдим. Миртемир ака кўринмайди. Газета-журнал варақлаб ўтиравердим. Анчадан кейин аста кириб келди. Эғнида иссиқ жун кўйлак, кулранг берет.

— Э, мулла Саъдулло! — деди жилмайиб, сўнг одати бўйича қайта-қайта ҳол-аҳвол сўради. Хонадаги буюмларга бир-бир тегиб чиқди. «Минск» маркали улкан, эски приёмникни кўйди, уни ўчириб,

«ВЭФ» транзисторини буради, қозоқча концерт бўлаётган экан, бирпас кулоқ солиб турди-да, «Ширинларғуй» деди. Чехрасига маъсум табассум югурди. Ниятимни айтдим.

У «Яхши» деб бош силқиди.

— Тайёр шеър бўлса олиб кетмоқчи эдим...

— Тайёр шеър... йўқ эди, — деди аста. Назаримда жиндай хижолат чеккандай бўлди. Гуё анчадан бери янги нарса ёза олмай юрибди-ю, буни мен тагин эслатиб кўйгандек эдим.

— Унда ёзиб берасиз.

Миртемир ака сал энгашди, ўнг кафтини қулогига тутди. Илтимосимни қайтардим. У қаддини ростлади, бошини силкиб, «хўп» ишорасини билдирди.

— Кўп бўлди «Гулистон»да чиқмадим. Ёзиб бераман. Беш-олти кундан кейин бир қайриласанда...

«Қайриладиган» куним келганда кутилмаган воқса юз берди. Миртемир ака тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Кўргани бордим. У бир ўзи бир хонада ётар, дераза ёнига қўйилган баланд каравотининг бош томонда дид билан тахланган қалам, дафтарлар, журнал ва китобчалар, катта-кагга шишаларда дори-дармонлар саф тортиб турарди. Миртемир ака «болам»лаб, «бўтам»лаб меҳмон қила кетди. Унинг вақти хуш эди, дам-бадам турган ҳамширалару врачларни бирор қизиқ гап айтиб кулдирад, ўзи ҳам ҳузур қилиб куларди. Шундай суюнчли дақиқаларга соя солгим келмади, шеър дардида турган бўлсам-да тилимни тийдим. Миртемир аканинг ўзи гап очди:

— Мен журналларинг олдида уятлиман... Шу туппа-тузук юрганийдим, бирданига бундоқ бўлиб қолди... ҳозир хийла яхшиман. Шеърни ёзиб бераман, қоралаб кўйганман. Тунда, соат ўн бирлардан кейин дўхтирлар хоналарига кириб кстади. Шунда беркитиб оз-оздан ишлаяпман. Бир кун дўхтирим кириб қолиб, уришди. «Ахир мен бу ишдан роҳат қиламан, ишласам, енгил тортаман», десам ҳам кўймади... Худди атайлаб қилгандек, дўхтирлар навбатчилик қиладиган хонанинг рўпарасига ётган эканман. Алдаб бўлмаяпти. Уларнинг кўзидан узоқроқ ерга кўчмоқчи бўлиб ўтирибман...

Миртемир аканинг гапларини эшитиб, унинг соддалиги ҳақида баъзи бировлар айтиб юрадиган ҳангомаларни эсладим.

— Нега куласан? — деди у ҳам беихтиёр илжайиб, — чиндан ҳам бошқа ерга кўчмоқчиман. Алиса хонимни алдаб бўлмайди...

Алиса хоним — Миртемир акани даволаётган врач экан.

Уч-тўрт кун ўтиб, шифохонага яна келдим. Остона хатлаб, ҳол-аҳвол сўрамасимданоқ Миртемир ака ёзилажак шеърдан гапирди.

— Мана, уч вариант ёзиб қўйдим, — деди қалиш кўкиш дафтарни қўлига олиб, — бир пухасини яхшилаб ишлаб бераман. Ҳали жиндак хомроқ... Ол, бўтам, анави олмаларни арчиб ўтир...

Уша куни мен Миртемир аканинг бир ижодий сиридан воқиф бўлдим: у бўлажак шеърларини олдин поэтик сояма ҳолида қоралаб чиқар, оҳори кетмаганлари билан алмаштирар экан. Сочмалар стук санъаткорнинг «чиғириғи»дан юз бор, минг бор ўтиб, асл шеър билан бўйлашадиган даражага етгач, шоир уларни қофияга, вазнга солар, улар учун илгаридан ҳозирланган либосга буркаб, оққа кўчирар эди. Сўнг яна меҳнат, яна сайқал бериш бошланади: «бачки новдалар» қирқилади, ярим томчи ҳам «сув» қолдирилмайди, жаранг тордай чертиб кўрилади, сўзларнинг бўй-басти чамаланади — ҳар қайси ўз ўрнидами, шираси синалади — тахир эмасми, чучмал эмасми... Ана ундан кейин шоирнинг ўзи эркалаб, ҳазиллашиб айтадиган бу «шиғир» эл хизматига сафарбар этилади. Миртемир аканинг шеърларидан ажиб бир тароват уфуриб туришининг, бу шеърларнинг «тўқилган»лиги сезилмай кетишининг сири шунда бўлса керак...

Хуллас, ваъда қилинган шеър унадиган бўлди. Миртемир ака шифохонадан чиққан эди.

— Эрталаб уйга кел, биргалашиб ёзамиз, — деди у бир куни. «Биргалашиб ёзиш»ни эшитиб, чўчидим. «Ҳазил қилипти шекилли. Мен шоир бўлмасам... Шеърят бобидаги илмимиз ҳам ҳаминқадар... Буёғи қандоқ бўлди?»

Йигит иши таваккал. Пешинда етиб бордим. Миртемир ака ташриф буюражак «соавтори»ни кутиб, безовталаниб турган экан. Каттакон столга юзма-юз ўтирдик. Миртемир ака ранго-ранг қаламда, турли хил ручкада чизавериб, бўялиб кетган қоғозларни олдига ёйиб қўйди. Гажақдор араб алифбесидаги ёзувларга боқиб гапнинг рости, эгим увишди: шоир битта шеърга шунча ишлов берадими?!

Миртемир ака шеърининг хомлигидан яна шикоят қилди. «Агар қистамаганларингда яна беш-олти кун устидан кўриш керак эди», деди. Сўнг диққатини жамлади-да, билинар-билинемас ноҳушлик билан деди:

— Қани ёздик.

Миртемир ака гоҳ кўтарилиб қарайди (тўғри ёзаяпманми-йўқми?) «ж»ни яхши ўхшатолмайман шекилли, ручкасини олади-ю, «жафодийда»даги «ж»нинг белидан зарб билан уриб, узун таёқча

ўтказди. Шундан кейин қаерда «ж» келса, ўзим «қўшимча таёғ» чизиб кетаман. Буни кўриб, Миртемир ака кулади.

«Шеъримиз» соатнинг милюдай ўта секинлик билан боряпти. Миртемир ака хатимни лаҳза сайин таъқиб этади, пуқта, вергулларигача кузатади, унутиб қолдирсам, дарҳол эслатади, ўзи эса сатрларга оро беради. Менинг назаримда «тайёргина шеър»ни қайта-қайта ўзгартиради...

Шу алпозда не машаққатлар билан шеърнинг икки башиши ёзиб битирдик. Учинчи банд етилганроқ шекилли, силлиқ кетди:

*Кулгу оёғига солдилар занжир,  
Неча гал овлоқда сурдилар мени,  
Номардлик ва зўрлик, найранг, қалби кир,  
Тошборон қилдилар урдилар мени...*

У дарҳол тайинлади:

— «Тошборон» деб ёз. Тошборон — топ ёмғирдай ёғилди, дегани. Бировлар «тошбўрон» деб нотўғри ёзди.

Давом этдик:

*Қўшғиздай талай отдилар ёху,  
Олис Шарқда қўйдим ўтхоналарда...  
Ёвгон ошимга қатдилар огу,  
Юз ўлдим Сурхонда Фарғоналарда.*

— Сурхонда деймизми ёки Хоразмда тузукмикан? — сўради Миртемир ака.

— Сурхон яхшироқ шекилли, — дедим эҳтиёткорлик билан, — ҳар ҳолда Фарғонага оҳангдон. Таъкид ҳам бор.

— Тўғри, — деди у, — мен ҳам шуни ўйлаган эдим.

Миртемир ака қўлёмасига бир оз тикилиб қолди. Кейин яна қироат билан янги башиши айта бошлади:

*Бир дунё яратдик — янги, бемисол,  
Менинг елкамдайди не оғир тошлар,  
Кун сайин армонлар, барҳақ, баркамол,  
Йўлда қолиб кетди не эзгу бошлар.*

Шу ерда қизиқ бўлди. Мен шеърнинг ички ритмикасига, мусиқийлигига берилиб кетиб, «эзгу бошлар»ни «азиз бошлар» деб ёзиб юборибман. Миртемир ака буни сезиб олиб, эскартирди. Мен хатомни

тузата бошладим. Бироқ, Миртемир ака нималарнидир пичирлаб турди-да, «Тўхта-чи «азиз бошлар» ҳам ёмонга ўхшамайди», деди. Унинг илтимоси билан охириги сатрни қайта ўқидим.

— «Йўлда қолиб кетди» деймизми ёки «Йўлимизда қолди?» яхшими? — У менга синчков тикилди.

— Менга, масалан, «Йўлда қолиб кетди» маъқул...

— Бўлмаса ўқувчига маъқули кетаверсин...

Бу — менинг учун айтилмаганини билардим. Миртемир ака ҳалим табиатли, кўнгилчан одам. Лекин у бадиий ижодда кеч қачон кўнгилчанлик қилмаган, хусусан, ўзига нисбатан қаттиққўл. Агар менинг фикримга қўшилган экан, бу унинг ҳурматлаганидан далолат бўлса керак.

Шеърнинг сўнги бандига ўтдик. Миртемир ака хомаки нусхаларни шилдирашиб, варақларни ағдариб, анча ўтирди. Сал овозини чиқариб, бир-икки сатр ўқиб кўрди.

— Бу ҳамма биладиган гаплар. Поэтик ифода керак, — деди ранжиб. Шеърнинг хулосасидан кўнгли тўлмаётгани шундоққина кўриниб турарди.

У бир четида шапалоқдай жой қолган варақни олдиға суриброқ кўйдида, шитоб билан ёза кетди. Анча ўтирдим. Кейин худди маъшуқасига севги изҳор қилаётган йигит ҳолатини кузатаётгандай, хижолат бўлдим. Аста туриб, ташқарига чиқиб кетдим.

Қайтиб кирганимда шоир ҳамон ёзарди. Бирпасдан кейин бошини кўтарди, енгил руҳ билан:

— Мана энди эшит-чи, — дедию ўқий бошлади.

— Яхши чиқибди, — дедим ёзишга ҳозирланиб.

— Маъқулми? Ундай бўлса ёзамиз, — Миртемир ака диктовкага чоғланди. Оққа кўчириб чиқдим. Сўнг шеърни бошидан охиригача баландроқ овозда, Миртемир аканинг қироатига тақлид қилиб ўқий бошладим. У баркамол санъаткорга ҳос тийрақлик, агар таъбир жоиз бўлса, ижодий рашк билан қулоқ солди шеърига. Ўзининг шеърдан кўра менинг сунъий қироатим кўпроқ маъқул бўлди шекилли, кулиб кўйди. Яна қалам-қоғоз олиб, нималарнидир чиза кетди. Бир сатр кўнглига ўтирмабди. Ўша мақбул бир сатрни излаб, камида ўн беш вариант ёзиб чиқди. Ниҳоят, дилидагини топди шекилли, енгил тин олиб, қаддини ростлади ва «у ёруғлик бўлса, мен шуъласима» деган сатрдан кейингисини «Эй, элга элдош дил, элдек қувонгил» деб ўзгартирди. Шу биргина сатр бугун бир шеърға ажиб бир

ўйноқилик, қувноқлик бахш этгандай бўлди. Назаримда, сўнги байт катта қандил эли-ю, унинг бир лампочкаси ёнмасди, ҳалиги сатр билан ўша лампочка ҳам ёнди, шеър бирдан нурлашиб, чарақлаб кетди...

Шеър битди. Уни тўрт буклаб, чўнтакка урдим. Редакциянинг топширигини бажарганимдан шод эдим. Миртемир ака мени кузатиб кўчага чиқди. Қоронғи тушиб қолган. Осмонда қорамтир-бинафша ранг булутлар кезади. Салқинроқ шабада эсади. Миртемир ака ҳавога тикилди.

— Баҳорий булутлар... Кўклам яқинлаб қолди.

Бекатда у яна шеърдан шикоят қилди:

— Қиёмига етмайроқ қолди. Асқадга айт, яхшилаб тузатсин, албатта тузатсин...

Бу гап менга нашъа қилди. Камипапгиз ҳам гоҳо-гоҳо у-бу нарса машқ қилиб юради. Лекин яширишнинг ҳожати йўқ, кўпинча қўлэмаларимизнинг сиёҳи қуримасдан уни тезроқ чоп эттиришга, дарҳол шов-шув кўтаришга уринамиз. Борди-ю, аксинча бўлгандачи? Миртемир акадаги Бардош билан Инсофнинг юздан бири, боринги, ўндан бири бизда ҳам бўлганда-чи? Эҳтимол, асарларимизнинг умри бойчечак умрига ўхшамаган бўлармиди?..

Ниҳоят, шеър ҳам чиқди. «Гулистон»нинг янги сонини қўлтиқлаб, Миртемир аканинг уйига кириб бордим. Бироқ, у журналини шлақачон олибди, шеърни ҳам кўриб чиқибди.

— Сизнинг кўнглингиз тўлмай турибди, одамларга маъқул бўляпти-ку — дедим ҳазиллашиб.

— Майли, раҳмат, — деди Миртемир ака жиддий, — китобга киритаётганимда қайта ишларман... Қани, мева-чевадан олиб ўтир, бўтам.

Миртемир ака эшикка юзланиб, кенжатоё қизи Гулнорани чақирди:

— Қақажон, битта чой дамлаб кел, қизим...

## АНОЙИ ЭМАС ЭКАН

Миртемир ака ўзбекнинг ўзидек содда, жайдари ва донишманд эди. У кишининг ҳалимдек юмшоқ кўнгли, тўпорилиги ҳақида қалам аҳли орасида латифалар юрарди. Шулардан биттаси мана бундай.

Домла шаҳардаги катта бир идорага бошлиқ бўлиб қолибди. Юзлаб одамларнинг тақдири қўлида эмиш. Бир куни у киши ўзлари хуш кўрадиган «Краснопреснинская» деган сигаретни тутатиб ўтирса, хузурига бир аёл кирибди. Миртемир ака азалдан ниҳоятда илтифотли эди, хусусан аёлларнинг иззатини жойига қўя биларди. Домла ҳалиги аёлга тўрдан жой кўрсатибди, чой қуйиб узатибди ва ҳол сўрабди. Аёл эридан шикоят қилибди. Унинг эри Миртемир ака раҳбарлик қилаётган ташкилотда ишлар экан.

— Хўжайин кунига, кунора ичиб келадилар. Рўзгордан барака қочди, болаларга тинчлик йўқ, қўни-қўшнидан уялиб ўладиган бўлдим. Куёвингизни бир тартибга чақириб қўйсангиз, домла...

Миртемир ака ора-чора «Вой, бетавфиқ», «Вой, ноинсоф» деб турибди. Аёлни овутган бўлибди.

Энди латифанинг охирига қулоқ солинг. Арзғўйи аёл йиғлаб-сиқтаб бўлгандан кейин Миртемир ака уни даҳлизгача кузатиб чиқибди. Болаларингизга у-бу олинг, деб бир сиқим пул берибди ва дебди:

— Кўп куйинманг, сиғлим. Ҳар бир аёлнинг бошида бор бу савдо. Куёв бола бир куни инсофга келиб қолар. Беш болангиз бор экан, на чора, бир амаллаб яшаб турасиз энди...

«Куёвни тартибга чақириб қўйиш» ҳақида оғиз ҳам очилмади. Аслида «Миртемир директор», «Миртемир амалдор» деган сўзлар нечоғлик гайритабиий туюлса, Миртемир аканинг бировга қаттиқ-қуруқ гапириши ёхуд танбеҳ бериши ҳам ақлга сиғмас эди.

Мен бу латифани шунчаки, устознинг соддалигини тасдиқлаш учун келтирганим йўқ. Латифа баҳона бир воқеа эсимга тушди.

Миртемир аканинг мухлислари орасида ёши ўтинқираган бир шоир бор. Аслида уни шоир дейишга ҳам тилингиз бормасди. Нсгаки, бу қофия устасининг ёзганлари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш, кўпинча баландпарвоз чақириқлардан иборат бўларди. Масалан, бир шеърда у шундай дейди:

*Қутлуғ бўлсин, пахтакорлар, хирмонингиз,  
Бу дунёда ҳеч қолмасин армонингиз.*

Бу қўбукқалам Миртемир акага яқинроқ ерда турарди. Шунинг учун домлага суйкаланиб келаверар, баҳонада ёзган-чизганларини Миртемирдек сўз заргарининг назаридан ўтказиб олишни ўйларди. Мен неча бор Миртемир аканинг учи ўткир қалам билан лабини буриб, бу ҳайбарақаллачи назмгўйининг «шиғирларини» бўяб ўтирганини кўрганман.

Бир куни китоб дўконига кирдим. Қарасам, ўша шоир замоннинг китоби чиқибди. У пештахтада ярқираб ётарди. Муқовасига ҳавас қилиб қўлга олдим. Варақладим. Юрагим шув этди. Китобга Миртемир ака сўзбоши ёзибди! Кўзларимга ипсонмай, қайта-қайта имзога боқдим: «Миртемир, Ўзбекистон халқ шоири». Тик турганча мухтасар сўзбошини ўқиб чиқдим. «Улут алломалар ҳам адашар экан-да, — дедим ичимда, — кимсан Миртемир бўлатуриб, шу халтурачига оқ йўл тилабди».

Орадан бир оз вақт ўтди. Бир куни айланиб Миртемир аканикига бордим. Анчагача миқ этмай ўтирганман шекилли, домланинг ўзи гап очди:

— Ҳм, нима гап? Бугун парвозинг пастроқ кўринадими?

— Биз сиздан хафамиз, — дедим отасидан аразлаган боладай писандалик билан.

— Э, тагин нима бўлди? Биздан бирон хатолик ўтибдими?

— Фалончиевнинг китобига сўзбоши ёзиб берибсиз-ку? Фалончиев ундоқ шоир, бундоқ шоир, деб. Миртемир акага нима бўлди, деб ҳамма ҳайрон.

— Ундай бўлса, мен ҳам сенларга ҳайронман, — деди Миртемир ака жилмайиб, — сўзбошини яхшилаб ўқиб чиқинглар. Миртемирнинг жиндай соддалиги бўлса бордир, аммо у бировлар ўйлагандек анойи эмас.

Домла тоқчадан ўша шоирнинг китобини келтириб, олдимга ташлади:

— Мана, қайта ўқиб чиқ-чи, шоир дебманми, йўқми?

Сўзбошини сиғичклаб ўқий бошладим. Икки қарра ўқиб чиқдим. Тавба! Миртемир ака кўшнисини «қўшиқчи» деган, «назмгўйи» деган, «шеърят ошиғи» деган, лекин бирор ерда «шоир» демаган эди! Қойил! Ёшлар китобга қараб ўқий олмайдиган нарсани кексалар сувга қараб ўқийди, деганлари рост экан-да...

Китобни қизариб столга қўйдим. Миртемир ака менга танбеҳ бермади, аксинча ўзини оқлаган бўлди:

— Кўздай қўшним, не қилай, бўтам? Кунда-кунора шеър кўтариб киравериб, безор қилиб юборди. Ўзи ёмон одам эмас. Лекин шеърларини ўқиб бўлмайди. Ахир қўшничилик ҳақини тўлаш керак-да, а лаббай? У ёғини сўрасанг, одамнинг юзи иссиқ. Биров кўзингга мўлтираб қараб туриб, мадад сўраса йўқ десълмас экансан. Ке, қўй, бу гапларни, чойдан қуй, бўтам...

## БИР АРМОН

Етмишинчи йилларнинг ўртаси эди. Иш билан овора бўлиб, бир ойча Миртемир акадан хабар ололмадим. Бир куни мишг истиҳола билан йўлга тушдим. Ўзимча ҳар хил баҳона излайман, ёлгон ишлатиб бўлса-да, домланинг кўнглини олишни ўйлайман. Миртемир ака одамсевар киши эди, шунинг учун эшигидан меҳмон узилмасди. Қачон борсангиз дастурхон ёзилиқ, домла ё меҳмон кузатаётган, ё бировни қаршилаётган бўларди.

Ҳеч нарса кўрмагандай эшикдан ишшайиб кириб бордим. Миртемир ака бир уйғур шоирини кузатиб ҳовлига чиқаётган экан.

— Келдингми, бўтам, ичкари кириб чой ичиб тур, — деди у ва ён шоирни қўлиқлаб кўчага чиқди.

Уйга кириб ҳовлига қараб ўтирдим. Ана, Миртемир ака эшикни аста ёпиб ичкари кирди. Ҳовли саҳнида сочилиб ётган қоғоз парчаларини, чўп-хасни битталаб териб олди. Уларни водопровод ёнидаги эски челақка ташлади. Сўнг қўлини ювди. Анвои бўлиб очилиб турган гулларни ҳовучлаб-ҳовучлаб искади, сўнг одатига кўра, снигил елка учуриб қўйдию ичкари ўтди.

Ўрнимдан турдим.

— Ке, бўтам, — деди тўрдаги жойга ўтиб, — кўришмайсан, тинчликми? «Муштум»да нима гап?

Менга «худо берди». Ишнинг тифизлигидан, «шиқоятчи»ларнинг жанжалию муаллифларнинг «галваси»дан гапириб, ўзимни оқлай бошладим.

Миртемир ака ёқимли жилмайди.

— Ёлгонлаб нима қиласан, бой бўлгур! Келишга вақтим бўлмади, деб қўя қол-да! Ол, еб ўтир.

Осон қутулганимга қувониб, дастурхондаги тансиқ меваларга хужум бошладим. Миртемир ака газета ўқишга тушди.

— Тунов куни бир ҳикоянгни ўқидим, — деди газетадан кўз узмай, — маъқул. Дард бор.

— Тили қалай экан? — дедим мақтов кутиб. Миртемир ака бетимга қаради, қулмай-ёнмай деди:

— Чидаса бўлади. «Хушрўй қишлоқ» дебсан. Жойни хушрўй деб бўлмайди, оламга айтилади хушрўй деб. Кейин, бўлар-бўлмасга мақол, мажоз ишлатаверибсан. Нимаики меъёридан опса, меъдага

тегади. Ўн саккиз яшар қизнинг ҳусни ўзи билан. Ортиқча зеб-зийнат унга ярашмайди.

Чойшакни бўшатиб, пиёлани бир четга қўйдим.

Миртемир ака табиатан қувноқ киши эди, ҳазил шеърлардан ҳам анча-мунча битган. Шунинг эслаб эркалик қилгим келди:

— Бизга ҳам бир нарса ёзиб беринг. «Муштум»да сира чиқмагансиз.

Миртемир ака ўрнидан турди. Тоқчадан бир варақ олиб, олдимга ташлади.

— Ма, ўқиб кўр. Маъқул бўлса, берарсанлар.

Шеърнинг номи эсимдан чиқаёзиди. Адашмасам, «Олақарга» деб аталарди шекилли. У яхшилик ва ёмонлик, вафо ва хиёнат ҳақида эди.

Шеърни чўнтакка уриб яна хиралик қилдим:

— Шундай катта шоирдан биттагина шеър ундириб борсам... ишхонадагилар қулмайдами? Бунинг ёнига тагин бир нима кўшиб беринг. Мақола бўлсаям майли...

Миртемир ака пешонасини силаб ўйланди.

— Нима ёзиб бераман, — деди секин, — «Муштум»га бир нарса ёзишнинг ўзи бўладими?

Рози бўляпти, айниб қолмасин, деб бўш келмадим.

— Майли, ўтириб ёзишга вақтингиз бўлмаса, айтиб турунг, мен ёзиб ола қолай.

Ёнимни қовладим. Ручка йўқ экан. Миртемир ака ҳазиллашди:

— Шундоқ дориломон замонда бечора мухбирларнинг ручкаси ҳам йўқ. Бу қаншоқ адолатсизлик! Дафтаринг борми?

— Бор, деб блокнотимни олдим.

— Яқинда Мирзачўлга бориб келдим, — деди Миртемир ака, — шу ёқда кўрганларимдан икки оғиз айтай. Кемтик ери бўлса ўзинг тўғрилаб чиқарарсан.

У туриб нари-бери юрди. Кифтини учирди. Сўнг айтишга тушди:

— Ёз. «Пашша». Уч нуқта...

Шариллатиб ёза кетдим. Назаримда бу мақола шоирнинг кўплан бери юрагида туғиб юрган армонларини тўкиб олиш учун бир баҳона эди. Анчайин нашшадан бошланган гап, поклик, ички, ташқи маданият, социал иллатлар, халқимизнинг табаррук анъаналарини асраш каби муқаддас туйғуларга бориб тақалиши керакдай эди. Лекин ён дафтаримни етти бети тўлай деганида «Ассалому алайкум» деб эшикдан икки меҳмон кирдию мақола узилди. Миртемир ака мени ҳам унутиб, меҳмонларга кучоқ очди:

— Э, келсинлар, келсинлар...

Ҳалиги шеър «Муштум»да босилиб чиқди. Лекин мақола чала қолиб кетди. Уни битказиб беришга Миртемир аканинг вақти ҳам, имкони ҳам бўлмади.

Бир кунни борсам, мукка тушиб газета ўқиб ўтирибдилар. Миртемир ака бир кучоқ газета-журналга обуна бўлган эди. Москвада, қарлош республикаларда чиқадиган турли йўналишдаги матбуотта муштарий эди. Нонуштадан кейин албатта янги келган газета ва журналларни бирма-бир варақлаб чиқар, бу ҳам бир неъматда, руҳий неъматсиз яшаб бўмайди дерди.

Миртемир аканинг талати одатлари бор эди. Газетани ўқиб бўлгач, унда таъзияномами, бирон кимнинг суратими бўлса, йиртиб олар, «Ҳар хил нопок ерда ётиб, оёқости бўлмасин» деб қўярди.

Бу сафар ҳам қайсидир газетани берилиб ўқиди, негадир бош чайқаб қўйди, кейин газетани бир четга ташлаб, менга ўгирилди:

— Чойдан қуйиб ич, бўтам. Менгайм қуй. Мана буни қара. Еттинчи асрда кўмилган бир аскар йигитнинг жасади топилибди. Буюмлари, асбоб-ускуналар, ҳатто тобутигача тиллодан экан... Ажаб! Мен ўлсам, у дунёга не обкетардим? Агар иложи бўлса, ўзим билан бирга шуларни олардим, деб бир сочма қоралаб қўйдим. Эшит.

Миртемир ака чойдан ҳўплаб, томоқ чайди, сўнг ўзига хос эрка бир талаффуз билан қораламасини ўқишга тушди.

— Ўзим билан бирга ҳовлидаги оқ атиргулнинг бир ҳовучини; Самарқанддаги йигитлик базимни; хув ўша ўтринча бир бўсани; қозоқ қимизидаш бир заранг косани; Ҳалимаҳонимнинг авж қўшиғидаги Ҳазрат Навоийнинг ўша бир сатрини, онамдан қолган ёлгор — парху болишни... ола кетардим.

Миртемир ака қогоздан бош кўтариб, илжайди:

— Бу бир армон-да энди, бўтам, бир ширин армон...

### ЭРКА СЎЗНИНГ ЭГАСИ ЭДИ

1958-йил. Университет талабаларимиз. Бир кун сабоқдошимиз гап топиб келди: «Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлар эмиш». Дарҳол дарслан «қуён» бўлиш йўлини излай бошладик. Бирданга «бошимиз оғриб қолди» ва... аудиториядан базўр юриб чиқдигу Ёзувчилар уюшмаси томон учдик.

Ҳалослаб етиб борсак, кичкина залга одам тўлибди, бўш жой йўқ. Биз қираверишда, йўлакда «деворни суяб» туравердик.

Мушоира бошланди. Биз китобларини ўқиган, бироқ ўзларини кўрмаган аллома шоирларимизнинг аксарияти шу ерда экан: Фафур Фулом, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла...

Сўз Собир Абдуллага берилди. Собир ака минбарга чиқди. Бир варақ қогозга қайта-қайта қаради, кейин залга ўгирилди. Хаста товушда оҳиста деди:

— Туроб, сен ўқиб бера қол...

Гур кулги кўтарилди.

— Ҳазали Собир ёзсин. Туроб ўқисин, — деб кимдир учирик қилди.

Минбарга ўрта бўйли, кулча юз, сочлари типратикан най-засилек тиккайган киши чиқди. Ийманиб кулганча Собир аканинг қўлидан газалини олди ва жарангдор, ўткир, ёқимли овоз билан ўқий кетди.

Ҳазал тугади. Чанак бўлди. Назаримда бу олқишнинг ярми Туроб акага аталган эди. Ўшанда у киши ҳали қирққа кирмаган қирчиллама йигит эди, доврўқли шоир эди. Таниқли воиз ва суҳандон эди.

Аста-секин Туроб акага яқинланиб, у киши билан ака-ука бўлиб кетдик. Туроб акала одамни ўзига тортадиган ажиб бир хислат бор эди, хайрихоҳликми, дилкашликми, оққўнғилликми...

Устоз эркаланиб гапирар, эркаланиб ёзар, биздек шогирдлариши суюб эркалар, биз ҳам баъзан талтайиб кетиб, устозга эркалик қилардик. Бир сафар Туроб аканинг янги қўшини пайдо бўлди. Қўшиқ «Бир ажойиб юртимиз бор» деб бошланарди. Бу қўшиқ ҳам Туроб аканинг барча қўшиқлари каби дарров оғизга тушди, ҳофизлар бирин-кетин айта бошладилар. Биз Туроб акага ҳазил қилмоқчи бўлдик. Раҳматлик дўстим Анвар Эшон, яна кимдир, учовлон қўшиққа пародия тўқидик:

*Бир ажойиб юртимиз бор,  
Ярми кампир, ярми чол,  
Ярми сахро, ярми жаннат,  
Ярми ўтлоқ, ярми — мол...*

Туроб ака пародияни эшитиб, мириқиб кулди. «Давомини ҳам тўқинглар-да энди, ё ҳашар қиламизми?» деди. У пайтлар Туроб

аканинг ёшидаги атоқли шоирларга пародия ёзиш одат саналмас эди. Ёзилган тақдирда дўнписини ечиб, тутилган қишлоғингизгача қувиб борарди.

Умуман, Туроб ака қувноқ, дилкаш, камтар, такаббурликдан олис, мағрур инсон эди. Кўришганда қўлингизни бир озгача қўйиб юбормас, қизиқ бир гап ё поэтик мутойиба ила димоғингизни чоғ этар, бундан ўзи ҳам роҳатланарди.

Сув ичирмасига сут ичар, деган гап атай Туроб ака учун ўйлаб топилгандек эди. Билишимча, дўстларига қандай хизмат қилса, рақибларини ҳам рози қилишга уринарди. Бир куни сўрадим: «Ака, фалончини нега бунча эркататасиз, у сизни унча ёқтирмайди?» Туроб ака кулди: «Унча ёқтирмаса, демак, сал-пал ёқтирар экан-да. Кел, шуям хурсанд бўлсин, Туроб ака мени олалади демасин. Кенгроқ бўлаверайлик, кенга — кенг дунё...».

Биз кейинги пайтда ҳалимлик, ҳим деган сўзларни камроқ ишлатадиган бўлиб қолдик. Энди билсам, ҳалимлик Туроб аканинг инсоний мезони экан. У киши катта-катта лавозимларда ишлади. Аммо бировга қаттиқ гапирганини, бировни изза қилганини эшитмаганман. Жуда хафа бўлиб кетса, «Яхши иш бўлмади-да, ўртоқ», деб лабини тишлаб ўйланиб қоларди.

Туроб ака бошлиқ бир вилоятга ижодий сафарга бордик. Учрашув айни авжига чиққанда бир ёзувчимиз арабча Тошкентга қайтиб кетди. Туроб ака унинг ортидан таассуф ила қараб қолди: «Яхши қилмади бу. Адабиётнинг обрўсини тўкли». Собир инсон эди раҳматлик.

Асқад ака билан Дўрмон богида айланиб юрибмиз. Табиийки, сўз қадри, сўз масъулияти ҳақида гап борди. Асқад ака кўзларини қисиб, олис уфқларга тикилдию, босиқ товушда деди: «Туробнинг ёзиб турганига офарин, фалончининг ёзмай қўйгани учун раҳмат».

Ҳаққи рост. Туроб аканинг асарларини мухлислари интиқ бўлиб, орзиқиб кутарди. Негаки, устоз янги шеър битадими, Ҳалимахоним ҳақида эссеми, драма ё туркум кўшиқларми, шаксиз, хаёлга келмаган янги гап тошиб айтар, юракка чўғ солиб кўнгилни мувозанатдан чиқарарди. Асл адабиёт ҳам шу бўлса керак-да.

Мен халқона тил жилосини, Миртемир акадан кейин Туроб аканинг шеърлятида кўриб ҳар сафар тонг қолардим. Саҳройи элнинг тарашланмаган мажозий шеvasи, Хоразмнинг ширил лаҳжаси, Фарғонанинг тағдор лутфию бахшиларнинг сойдек

тошқин, соф туркий лафзи Туроб Тўла шеърлятининг қўш қаноти эди.

*Хирмон тўлиб тўкилди дон,  
тўкилди дон, момо,  
Тандир тўлиб ёшилди нон,  
Ёшилди нон, момо...*

Нақадар шарқона, мушис ва жонга туташ манзара...

Туроб ака шоир бўлиб, элининг кўнглидаги сўзни топиб айтолганидан мамнун бўларди. Назаримда, муборак сўз ҳам то абад ундан рози бўлиб қолди.

Азиз шоирим ҳақидаги хотираларимни гўзал ривоят билан яқунлагим келди.

*Бир киши боғда кезиб юрарди. Оддий терак баргига кўзи тушиди. Олиб ҳидлади. Ундан хушбўй ҳид келарди.*

*— Сен нимасан, эй япроқ, — деди сайёҳ, — бўйинг мунча ёқимли!*

*— Мен терак баргиман, — деди япроқ, — бир печа муддат гулрайхонлар ичида яшадим. Шу туфайли уларнинг ҳиди менга уриб, гулсифат бўлибман...*

Туроб аканинг ёнида юрганлар ана шу терак баргига ўхшаб ўз-ўзидан мушки-анбарга айланиб қолганини сезмасди.

Устоз фоний дунёни маъмур этган эдилар, илоҳо, у кишининг боқий дунёлари ҳам обод бўлсин.

## ДАРЁДЕК ИНСОН ЭДИ

Асқад акани ўйлаганимда раҳматликнинг учта хислати ёдимга тушаверади. У киши донишманд эди. Ўзини аямайдиган заҳматқаш эди. Бировга озор бермайдиган ҳалим табиатли эди, ўзгалардан меҳрини, меҳнатини дариг тутмас эди. Бобурнинг машҳур сатри бор: Ўўлпи не билгай киши, то раҳнамо кўрсатмагай...

Мен Асқад аканинг бевосита раҳнамолигида камол топиб, адабиётда маълум мавқега эга бўлган тенглошларимни, укаларимни санаб беришим мумкин.

Асқад Мухтор донишмандлиги туфайли заҳматқаш эди, ва ё аксинча, заҳматқаш бўлганлиги учун ҳам донишманд эди.

Устоз ҳамиша бетакрор, теша тегмаган, қулоққа ёқимли эшитиладиган янги гап топиб айтардилар. У кишининг шеърлари ё



хикоялари, романларини эмас, кундалик мавзудаги кўпгина мақоласини ўқиганда ҳам одам беихтиёр хаёлга толар, ҳайратга чўмарди. Бу — Асқад Мухторнинг бировга ўхшамаганлигида, ўз фикри, дунёқарани, фалсафаси борлигида. Дунёвий ва диний илмлар билимдони сифатида, шубҳасиз, у киши ўз тенгдошлари орасида беназир эди. Фақат, замон зайлига кўра, у ўзини даҳрийнамо қилиб кўрсатишга мажбур эди. Бугун бизга Асқад ака жуда-жуда етишмаяпти.

Тақдирнинг мукофоти экан, бир неча йил Асқад аканинг ёнида, у кишининг ҳомийлигида ишлаш насиб этди. Камина у кишидан дунёга кўнгили кўзидан ташқари ақл кўзи билан қарашни ҳам ўргандим. Асқад ака уфқлар шайлоси эди. «Тепаша турган одам уфқнинг ярмини кўради, тоғда турган одам уфқнинг давомини ҳам кўради», деб таълим берардилар. Асқад ака чиқиб олган тоғ, ўшапта, биз ёшлар учун етиб бўлмас армон эди.

Чуқур дарё тинч оқади. Асқад ака тинч оқар дарёни эслатиб турарди. Дона-дона, бийрон сўзлашидан, фикрларининг теранлиги, ҳар бир калимасидан маъно уфуриб туришидан, такалдумининг тағдор ва чўгли бўлишидан. Ардоқли Зулфия онам бир мажлисда, мен Асқад билан гашлашсам, ўзимни маънавий бойиб қолгандек сезаман, деган эдилар.

Асқад аканинг гаши мўътабар эди, қандайдир маънода мезон эди. Бирор асар қўлёзмаси устида баҳс бўлиб қолса, «Асқад ўқидими?», «Асқад ака нима дебди?» каби саволлар тугиларди, бу табиий эди. Асар Асқад акага маъқул бўлса, демак, босишга лойиқ.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. «Гулистон» журналида ишлардим. Асқад аканинг топшириғи билан Миртемир домладан шеър ундиргани тез-тез бориб тураман. Миртемир ака, ўн марта қоралаб, қайта-қайта ишлаган шеърини қизганиб қўлимга тутқаздилар.

— Хали хомроқ, — дейди, — Асқадга айт, яхшилаб кўрсин.

Миртемир акадек сўз зарғари ўз асарининг тақдирини ҳаммага ишониб топширавермас эди. Асқад акага суянардди, Асқад аканинг зукколигини қадрларди.

Мамарасул Бобоев деган шоир бўларди. Афсуски, ҳозир унут бўлаёзди. Хокисор, камтарин инсон эди, юракка чинна ёпишадиган дилбар шеърлари кўп эди. Ўша Мамарасул аканинг классик сатри бор: у киши бир устоз тилидан шогирдига қарата, «Олга юргин, аммо менинг ортимдан!» дейди. Асқад акани эслаб ўтирибману, шу сатр хаёлимда айланаверади. Сир эмас, жилд-жилд китоб ёзган баъзи

бир ҳурматли акаларимиз ёшларнинг бошини силашга келганда... нима десам экан, ҳай, жиндай эринчоқликми, лоқайдликми қилишарди. Улар ёш истеъодларни тирсақлаб туртмаса-да, олдинга ўтишига кўймасди. Асқад ака, адабиёт — мардимайдонники, марҳамат, зўр нарса ёзган ўз ўрнига чиқаверсин, деган ақида эгаси эди. Орқасидан келаётган ёшларни қўлтиқлаб олинши фарз деб биларди. Бунақа жавонмардлик ўзининг қувван ҳофизасига ишонган кишиларга хос бўлса керак.

Дўрмон. Асқад ака бир оз хасталаниб ётибди. Гоҳо дала ҳовлисига қираман. «Юринг, дўстим, боғ айланамиз», дейдилар (Асқад ака ё эркалаб, ё иззатлаб ёшларни ҳам баъзан дўстим, дерди). Беш юз қадамлик текис йўлқани икки-уч бор айланамиз. Одатдагидек, нима қилиясиз, деб сўрайди Асқад ака. Мен улуг ашлӣ Аҳмад Яссавий ҳақида бир нарса ёзмоқчиман, тарих титкилаб, ўйланиб безовталаниб юрибман, дейман. Асқад ака маслаҳат беради: «Яхши мавзу. Қутлуғ иш. Фақат Яссавий образини майдалаштирманг. Дунёга, даврга умумбашар кўзи билан қараш керак. Яссавийнинг фожеаси — азалий ва абадий фожеа, шуни очишга урининг, қамровни кенгроқ олинг».

Устознинг нимага шайма қилаётганини англадим. Буни кейинроқ, Асқад аканинг кечалари хаёл қочганда битган қайдларида ҳам ўқидим.

Асқад ака унутиб бўлмайдиган инсон эди. У кишини кўрган, билган одамлар тирик экан, бу азиз инсон ҳақидаги ёруғ хотиралар кўнгили тўрида ўтдай ёниб тураверади.

## ЭРИПМАГАН ШУКУР АКА

Шукур Бурҳон истеъодли, ҳалол, санъатга салоқатли ёшларни бағрига олиб, уларга оталик, устозлик қиларди. Ана шундай шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов эди.

Бир сафар Ҳамза театри Фарғонага гастролга борди. Ўша кунлари Эркин Комилов Киевдан телеграмма олди. Уни ўқиб, кўзлари ёши, севиниб Шукур аканинг ёнига чопди.

— Шукур ака, мен проба (синов)дан ўтибман, Кисв тез келиш, кинога тушасиз, деб чақиряпти!

— Қуллуқ бўлсин! — деди Шукур ака, шогирдининг омадига қувониб. — Яхши бориб кел!

Эркин бирдан бўшанди. У биладики, театр директори ўла қолса жавоб бермайди. Чунки Эркин спектаклларда катта-катта ролларни ижро этарди. Шунини ўйлаб, Эркин устозига ялинди:

— Шукур ака, директордан бир ҳафтага жавоб олиб беринг, бунақа омад ҳалоб келавермайди.

Шукур Бурҳоннинг сўзини ҳеч ким икки қилолмас эди. Директор қийналиб, базўр жавоб берди Эркинга. Энди Киевга униш керак, бироқ ёз фасли, дам олиш мавсуми бўлгани учун отликқа ҳам чипта топилмас эди. Шукур ака Эркинни эргаштириб аэропортга чиқди. Тўғри бошлиқнинг олдига кирди:

— Мана бу бола шогирдим. У Киевга униши керак. Бизга билет керак...

— Биз сизни қадрлаймиз, яхши кўраимиз. Шукур ака, деги бошлиқ, — лекин, биттаям чипта қолмади. Олдинроқ айтиб қўйганингизда...

— Бўлмаса, Масковга бера қол чиптангни! — зарда қилди Шукур ака.


— Узр, Масковга ҳам йўқ эди...

— Унда Тошканга бордир — Тошканга?! — Шукур аканинг гулдурак товуши янгради. — Тошканга икки билет, тамом!

Хуллас, устоз-шогирд стаклашиб Тошкентга келишди. Шукур ака тагин аэропорт бошлиғининг олдига кириб, Киевга битта, Фарғонага битта чипта олиб чиқди. Эркинни Киевга жўнатиб, ўзи Фарғонага қайтиб кетди.

Шукур Бурҳонов ана шунақа устозлардан эди.

## БАДИАЛАР



## НАВОИЙ ҚАЛАМГА ОЛГАН ЗОТ

Чироқчининг харитасини томоша қилиб ўтириб, Қалқама деган ерга кўзим тушди. «Қалқама ... Бахшилар ўланига қўшалган ном экан», дедим ичимда. Ундан сал тспароқда Лангар деган манзил турарди. Ажабландим. Дунёда Лангар деган ҳам кўп экан-да. Чимкент атрофидаги Лангарни биламан. Бухоронинг Гиждувонида ҳам Лангар бова бор. Қамашининг тўридаги Лангар отага атаб маҳобатли мақбара кўтарилган. Бу ерда яна битта Лангар...

— Биздаги Лангар ота азиз авлиёлардан, — деди туман ҳокими Файзулла Ашуров, — кексаларнинг айтишига қараганда, у киши улуг шайхлардан бўлган эканлар. Бир зиёрат қилиб қўйсангиз ёмон бўлмайди. Қалқаманинг раиси шу ерда юрувди. Ҳозир топтирамик-да.

Раис топилгунча ҳоким билан гурунглашиб ўтирдик.

— Чироқчининг халқи озгина ўр келади, яъни қайсарроқ бўлади, — деди ҳоким, — лекин кўнглини топсангиз мўрчадек ёпишади ишга. Бурунчилардан қолган бир гап бор. «Шундай ишлагинки, ё отинг чиқсин, ё ўтинг» дейди. Уч йил бўлди, ишляпмиз, қани, кўрайлик-чи, нима чиқар экан.

Кейинги йилларда янги раҳбар кўравериш кўнгиллари совиган туман аҳлининг айтишига кўра, Чироқчи энди ҳокимга ёлчиган эмиш (Кўз тегмасин).

Раис топилди. У Бекмурод Боймуродов экан. Кўринишидан элик ёшни қоралаган, лекин аллақачон олтмишни уриб қўйибди. Қотма, хоксор. Кеч куз бўлишига қарамай, оёғида ёзги шиппак. Бекмурод ака мухбирлар билан суҳбатлашавериб пишиб кетган шекилли, Қалқамага етгунча зериктирмади.

Ниҳоят, тоғлар бағрига бош қўйган Лангар қишлоғига ҳам етиб келдик. Халқнинг асосий қисми қишлоқ ўртасидан ўтадиган сой

бўйига ўрнашган. Ер етишмаганлари тепага, қир-адрлар бағрига уй-жой қилиб чиққан. Қишлоқда сув таҳсил, шунинг учун халқ асосан чорва билан, галла билан машғул. Қирлардаги иморатлар олдида сўппайган дарахт кўринмайди — сув йўқ.

Бекмурод ака, бироп қарияни олайлик, деб мачитта кириб кетди. Бир оздан кейин бурунги мударрислардек ошноқ салла ўраб, кўк яктак кийган савлатли кишини бошлаб чиқди. У Абдухалил ота, раиснинг айтишича, Лангарнинг тирик тарихи эмиш.

Лангар ота мақбараси кўҳна қабристоннинг тўрида экан. Абдухалил ака вақтни ўтказмай Лангар отанинг кимлигини айтишга тушди.

— Ҳазратимнинг исми шарифлари аслида Абулҳасан Ишқий. Бир ривоятда хоразмлик дейилган, биттасида хуросонлик. Ҳар не бўлганда ҳам ўзимизнинг туркий қавмдан. У киши Баҳовуддин пиримнинг замонларидан анча бурун, ўн иккинчи асрда келганлар бу ерга. Ҳазратимнинг кароматлари бисёр эмиш.

Тепага кўтарилдик. Абдухалил ака мақбаранинг мўжазгина эшигини очди ва бисмилло деб ичкарига кирди. Гира-шира қоронғи. Мақбара Шаҳрисабздаги Амир Темур сағанасини эслатади. Чорбурчак қабр тоши, чекка-чеккада шам қолдиқлари. Бу ерга тез-тез зиёратчилар келиб туради шекилли, хона супириб-сидирилган, озода, туйнукчалардан тоза ҳаво билан илқ нур кириб турибди.

Абдухалил ака авлиёнинг кароматидан сўзлади:

— Ҳазратимнинг бир муриди бор экан. Об-оташига қараб турадиган. Бугунгидай совуқроқ кун экан. Мурид таҳорат суви ҳозирлашга улгурмай қолибди. Ҳазрат чиқиб кўрадики, муриднинг қўлида муздек сув тўлдирилган қумғон. Мурид изза бўлиб қумғонни дарров қўлтигига уради. Ҳазрат унга тикилиб тураверади. Дам ўтмай сув исиб, қўлни куйдирадиган бўлади. Ҳазрат, сен етилибсан, энди сенга иршод бергаймиз, деб уни Қамаша, Ғузор тарафларга шайх қилиб тайинлайди. Қамашига борган бўлсангиз, у ерда ҳам Лангар ота мақбараси бор. Ўша Лангар ота мана шу ҳазратимнинг шогирди Муҳаммад Содиқ шайх бўладилар. Пири комилнинг иззатига у кишини ҳам Лангар ота деб атайдилар.

Ҳамонки Лангар ота шунчалик соҳиби каромат экан, наҳотки тазкираларда у кишининг таъриф-тавсифи келтирилмаган бўлса, деган ҳаёлга бордим. Тошкентга қайтган Алишер Навоийнинг «Насоим ул муҳаббат» асарини варақладим. Бирдан кўзим ярқ этди. Ҳазрат Навоий сўфийлар силсиласига мансуб юзлаб зоти шарифларни таърифлар экан, 628-фаслда ёзди: «Абулҳасан Ишқий хоразмликдур,

Силсиласи Шайх Боязид Бистомийга етар, анга тарбият қилрошур. Ўз замонида фақр элининг (одий фуқаронинг) муқталдоси (етакчиси, раҳбари) эрмиш, балки машойихнинг нешвоси. Мурид ва асҳоб (суҳбатдошлари) бағоят кўп ва каромату мақомати андин кўпроқ».

Навоий шунингдек, Ишқий силсиласини давом эттирган Илос шайх, Абу Мусо шайх, Шайх Султон Сўфий каби саккизта шайх хусусида қизиқарли маълумотлар келтиради: «Худойкул шайх — Абулҳасан Ишқийнинг соҳиби сажжодаси (хос ходими) ва Шайхул машойих экандур... Муҳаммад шайх эрса Худойкул шайхнинг ўғлидур... ўз замонида халойиқ муршиди (пири, раҳнамоси) эрмиш. Султонлар анга муридлик хайсиятидин (сабабидан) иродат келтирибдурлар».

Навоий таърифлаган Муҳаммад шайх Қаманида сокин бўлган Лангар ота эканлиги энди аён бўлди. Ҳазрат Навоий ибратли бир ҳикоят билан Муҳаммад Содиқ шайх — Лангар ота тавсифига нуқта қўяди. Эмишки, бир кун шайх муридлари ила суҳбат қуриб ўтирган экан. Ўзини олим деб санагувчи бир кимса суҳбатга гап қўшиб шайхнинг жигига тегаверибди. Шайх мундоқ қараса ёнида сув тўла кўза билан кафтдек тош турган экан. Тошни олиб кўзанинг оғзини ёпибди. Шу заҳоти ҳалиги олимнинг товуши ўчибди. У шайхни мот қилмоқчи бўлиб анча-мунча масала тайёрлаб келган экан, барчаси хотирадан кўтарилиб кетибди. Хуллас суҳбат охиригача бечора олим бир оғиз гап айтолмай карахт бўлиб ўтираберибди. Ваъз ниҳоясига етгач, Шайх кўза оғзидаги тошни олибди. Даъвогар олимнинг шуури равшан тортиб, кўнглига илму ирфон қайтибди. У истиффор келтириб шайх олдида тиз чўкибди ва унга мурид бўлибди.

## ШАРҚНИНГ БУЮК АЁЛЛАРИ

Ҳазрат Навоий «Насоим-ул маҳаббат» — «Муҳаббат шабалалари» асарида шарқда яшаб ўтган авлиё аёллардан ўттиз биттасининг таърифини келтиради. Жумладан, Марям Басрия, Хакимаи Дамашқия, Имраъун Хоразмия, Бибичаи Мунажжима каби сўфийлик тариқатига кирган каромат соҳибаларининг ҳаёт тарзи кўнгилларга завқ бағишлашини таъкидлайди.

Саккизинчи асрда яшаган Робиа Адавия ана шундай авлиё аёлларнинг сарҳалқаси, сарвари эди. У бутун умри давомида муслима қизлар тарбияси билан шугулланди, шогирдларига дунёвий ва илоҳий

илмлардан сабоқ берди. Робиа тасаввуфда олий мақомга етган орифлардан эди. Ҳасан Басрий каби ўз замонасининг машҳур фозиллари билан бемалол мунозарага киришар, аксар ҳолларда голиб бўлиб чиқарди. Робиа муаллиманинг ёрқин ҳаёти ҳақида халқ оғзида ажиб ҳикоятлар сақланиб қолган. Бугун эътиборингизга ўша ҳикоятлардан айримларини ҳавола этамиз.

## РОБИАНИНГ МУНОЖОТИ

Толиби илмлардан бўлмиш икки йигит Робиани зиёрат қилгани келдилар. Авлиё момонинг дастурхони ёзиқлик эди. Кўрдиларки, иккита нон турибди. Йигитлар олис йўл босиб келинган, қорнилари оч эди. Нафси шайтон хуруж қилади, нонга қўл чўз дейди. Аммо уй бекаси илтифот кўрсатиб дастурхонга таклиф этмайди. Йигитлар бир муллат сабр айлаб ўтирибдилар. Шу маҳал «Ҳақ дўст ё олло!» деб бир гадо пайдо бўлди. Робиа ҳалиги иккита нонни гадога узатиб юборди. Меҳмон йигитлар тамшанганча қолавердилар.

Мезбон жим, йигитлар сукутда. Бир замон ҳамсояннинг оқсоч хотини бир сават нон кўтариб кирди. Саватни Робианинг олдида қўйди.

— Бегойим сизга атаб пасиба юбордилар, отин биби, — деди оқсоч. Робиа саватга назар солди. Унда ўн саккизта нон бор эди.

— Бу бизга эмас, адашибсиз, синглим, — деди Робиа. Оқсоч қизарди, бегойимнинг марҳамати шул, дея қасам ичди.

— Саватингизни олиб кетинг, — деди Робиа, — бизга оллонинг буюргани бор.

Оқсоч саватни кўтариб чиқиб кетди. Анчадан кейин яна нон олиб кирди. Индамай Робианинг олдида қўйди. Саватдаги нон йипирмага эди.

— Бу бизга аталган экан, — деди Робиа. Йигитлар ўзаро кўз уриштириб олдилар. Улардан бири юрак ютиб сўради:

— Бу ердаги сирга тушунмадик, муаллим. Ул саватни инкор этдингиз, бул саватни қабул қилдингиз?

Робиа деди:

— Сизларнинг оч-наҳор эканларингизни сездим. Лекин иккитагина нонга таклиф этгани уялдим. Нонни гадога бердим. Кейин олло таолога муножот қилдим: «Эй парвардигори олам, сен менга бирни берсанг, мен ўн ҳисса қилиб қайтараман, дегувчи ўзингсан. Иноятингни дариф тутма!» дедим. Муножотим яратганга етди.

Қўшидан пасиба кирди. Қарасам, ўн саккизта нон экан. Ҳақ таоло бандасининг ризқини кам қилмайди, йигирмата бўлиши керак, деб ўйладим. Аслида ҳамсоя киритган нон йигирмата эди. Қани дастурхонга қарасинлар...

□ Йигитлар Робианинг кароматига яна бир карра иқрор бўлдилар.

#### КИЙИК КИМДАН ҲУРҚАДИ

Робиа бир куни тоғ сайрига чиқди. Ям-яшил арчазорлар, ойдин булоқлар қошида бу фоний дунё гўзалликларидан баҳра олиб роҳат қилди. Оқ либосли, малаксиймо аёлини кўриб, атрофига олқорлар, охулар тўпланди. Улар Робиага ажабланиб боқар, чўчимай бемалол ўтлаб юришарди. Иттифоқо Ҳасан Басрий келиб қолди. Уни кўриб, кийиклар тум-тарақай қочиб кетдилар. Ҳасан изза бўлиб деди:

— Эй Робиа, бу жониворлар нечун сендан ҳуркамайдию мени кўрса қочади? Бу сирни аңлат!

Робиа сўради:

— Нонуштага нима еб эдинг, Ҳасан?

— Қўй ёғига қовурилган пиёз.

— Сен эрта билан буларнинг ёғини ебсан, — деди Робиа, — тағин нега мендан ҳурқади, деб сўрайсан. Сен ўзингдан сўра.

Ҳасан Басрий индамади.

#### ИККИ ТАНГА БИРЛАШМАДИ

Ҳасан Басрий бир куни Робианинг олдига келди.

— Эй Робиа, сен илми зоҳир эмас, илми ботиндан бир ҳикоят айтгинки, мен обидалингинга иқрор бўлай.

— Унда эшит, — деди Робиа, — неча кун танҳо ўлтириб ип йигирдим. Калава қилиб сотсам бирон егулик оларман, деб ўйладим. Сотдим. Икки кумуш танга бўлди. Бир тангани чап қўлимга, бир тангани ўнг қўлимга олиб сиқиб ўтирдим.

— Нега ундай қилдинг Робиа?

— Негаки, икки танга бир қўлимда бирлашса, шайтонга айланмасин, мени йўлдан уриб хор қилмасин, дедим. Бугун нафс устидан қозонган галабам шул бўлди, Ҳасан.

#### БАЛИҚ ВА КАБУТАР

Ҳасан Басрийнинг Робиада кўнгли бор эди. Бироқ Робиа рўй-хушлик бермас, ўзини ишқи илоҳийга бағишлаб, дунёдан тоқ ўтишни

ният қилган эди. Ҳасан эса, ўзининг устунлигини кўрсатиб қўйиш учун қулай фурсат кутиб юрар эди. Бир куни Робиани сув бўйида учратиб қолди.

— Кел Робиа, икки ракат намоз ўқийлик, — деди Ҳасан ва қўлтигидаги жойнамозни олиб ариққа отди. У, Робиа сув устига қалам босгани журъат етолмайди, деб ўйлаган эди.

— Эй Ҳасан, бунақа амал ўзини авлиё қилиб кўрсатишга уринадиган, аслида нотавон кимсаларнинг иши, — деди Робиа ва жойнамозни сувдан олиб осмонга отди. Сакраб сажжодага чиқди. Тесада туриб Ҳасанни чорлади:

— Кел, Ҳасан, — деди Робиа, — сенинг ишинг балиқниқига ўхшайди, бизнинг ишимиз кабутарга менгазайди. Фийсабиллоҳ, гап бунда ҳам эмас. Гап — кўнглини ҳақга боғлаб, хусни мутлақ дийдорига ноил бўлишда.

Ҳасан бош эгди.

#### УЧ БУЮМНИНГ ХИСЛАТИ

Бир куни Робиа хизматкори орқали Ҳасан Басрийга уч хил буюм юборди: шам, игна ва соч толаси. Икки кун ўтди. Учинчи кун Ҳасан халиги буюмларни кўтариб кириб келди.

— Робиа, — деди у, — икки кун ўйладим, вале нимага ишора қилганингни тушунмадим.

Робиа жавоб берди:

— Бунинг маъноси осон. Бамисли шам бўлиб одамларга ёруғлик тарқатиб яшагин. Ҳақ йўлида шамдай ёниб тамом бўлсанг ҳам ўкинма. Инсон бўлсанг, игнадек тинмай меҳнат қилгин. Агар сен савоб ишлар қилишга соч толасидек яқин бўлсанг, яхши номинг дунё тургунча туради.

Бу гапдан кейин Ҳасаннинг Робиага муҳаббати юз чандон зиёда бўлди.

#### СОҲИБҚИРОН ЕТОЛМАГАН МАНЗИЛ

Шаҳрисабзда сирли бир маскан бор. Бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Дунёнинг етти иқлимидан ташриф булрган сайёҳлар атайлаб шу масканни сўроқлаб келадилар. Одми, ҳатто бир маънода фақирона бу зиёратгоҳ олдида узоқ вақт хаёлга толиб турадилар. Наҳотки, дунёнинг ярмини ўз иродасига бўйсундирган

салтанат соҳибининг сўнгги манзили шу тариқа тасаввур этилган бўлса? Наҳот Самарқанду, Кеш, Бухорою қадам-қадим Ясси-Туркистонда одий иморатлар бунёд этган Соҳибқирон ўзига шу беҳашам, дарвешлар чиллахонасидек оддий бир сағанани раво кўрган бўлса?

Бу — Амир Темур даҳмасидир.

Хўш, нега буюк жаҳонгир ўзи ният қилган ерга кўмилмади? Сағана нечун битмай чала қолди? Нега одамлар асрлар бўйи ушбу даҳманинг қаердалигидан беҳабар эдилар? Келинг, Амир Темурнинг сўнгги кунлари борасида қалам тебратган муаррихларнинг битикларини тагин бир варақдайлик.

Маълумки, 1404 йилнинг охирида Амир Темур Хитой юришига отланади. Неча юз минг кишилиқ лашқари билан Ўтрорга қараб йўлга чиқади.

Ўша йили қиш қаттиқ келган эди. Бетиним қор ёғар, баъзи манбаларда айтилишича, қорнинг қалинлиги икки найза бўйи (деярли уч метр) келарди. Совуқ захрига бирон тирик жон чидамасди. «Ўша кезлари ҳаво шу даража совиб кетдики, — деб ёзади тарихчи Ҳофизи Абрў, — кўпчилик ақобиру зодагонларнинг аъзоларини совуқ олди, оддий фуқаро ва ходимларнинг аксарияти ҳалок бўлди. Қавс (ноябр)нинг бошидан то хут (феврал) охиригача Жайхун ва Сайхун дарёларининг барча кечувларидан лашқар, аравалар, карвон, филлар муз устидан юриб ўтдилар. Совуқнинг зўридан тил оғизда увишиб қоларди».

1405 йилнинг 15 январ куни Амир Темур Ўтрор шаҳрига келиб тушади ва қиш чилласи ўтгунча шу ерда туришга қарор қилади. Ўзини кузатиб келган хос маҳрамлари ва мулозимларига ижозат беради, улар нарафига зиёфат уюштиради. Бироқ қутилмаганда Соҳибқироннинг иситмаси кўтарилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Ҳозик табиблар дарҳол муолажага киришадилар. Лекин кун ўтган сайин жаҳонгирнинг ҳолати яхшилиқ томонга юз бурмайди...

Бир куни Амир Темур туш кўрди. У Кўкўғлон деб аталмиш суюкли отида турганмиш. Шу пайт қоши-кўзи чиройли, қомати самбитдек, дуркун бир йигит келиб, отнинг жиловини тутди.

— Отдан тушсинлар, Ҳазратим, — деди йигит қовоқ уйиб, — от миниш навбати энди бизга етди.

Соҳибқирон чўчиб уйғонди. У иймонли бир муслим ва донишманд инсон сифатида бу дунёдан насибаси узилаётганини пайқайди. Тахт

ворисини тайинлаб, авлодларига айтадиган васиятини айтиб қолиши лозим. Амир Темур кўп йиллар муқаллам ҳам қазои қадар хусусида ўйлаган ва жондек азиз тўнғич ўгли Жаҳонгирни тожу тахт вориси, деб эълон қилган эди. Эвоҳ, Жаҳонгирнинг умри қисқа экан, йигирма ёшида хасталаниб оламдан ўтди. Кейин Соҳибқирон Жаҳонгирнинг ўгли Муҳаммад Султошни валиаҳд қилиб тайинлади. Муҳаммад ҳам икки йилча бурун отасининг изидан боқий дунёга риҳлат қилди. Жигар-бағри кабоб бўлган буюк бобо энди Жаҳонгирнинг кичик ўгли Пирмуҳаммадни тахтга эга қилиб қолдиришни мўлжаллаб, хаёл суриб ўтирарди.

Ҳазрат аркони давлатни, дин нешволарини, қўмондонлар, набиралари, ўзига содиқ мулозимлар, хос муншийларини ҳузурига чорлатди. Сўнгги Фармон фурсати етган эди. Соҳибқироннинг амри билан мунший васият ёзиниға тутинди: «Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жопимни бахш этаётиман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Оби дийда қилиб ўтирманлар, оху нола чекманлар, бушдан фойда йўқ. Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинлашиқки, Самарқанд тахти анинг амри фармонила бўлғай, тамкинлик ва истиқлол ила мулку миллат, лашқар ва раиятнинг муҳим ишлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса, унга тобелик ва бўйсунуш маросимини ўрнига қўйинлар, уни биргаликда қўллаб-қувватланлар, токи олам бузилмасин...

Ўғилларим! Миллатнинг улуг мартабасини, саодатиши сақламоқ учун Сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхшилаб ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўриқланг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин».

Бу орада давлатпаноҳнинг саломатлиги кундан-кун ёмонлашиб борарди. Бир куни у аёёнларига аввал бир бармоғини, сўнгра иккинчи бармоғини кўрсатди. Табиблар бу ишорага ўзларича хайрли таъбир бердилар:

«Ҳазратимиз, иншоолло, бир-икки кун ичида соғайишни умид қиладирмен, демоқдалар». Соҳибқирон бош чайқайди: «Асло, мен ушай демоқчи эмасман. Мен сизларнинг орангизда яна бир-икки кундан ортиқ бўлолмайман, демоқчи эдим».

Ўлим элчиси эшик қоқиб турганлиги барҳақ эди. 1405 йил 18 феврал куни Буюк жаҳонгир бу ёруғ олам билан видолашиб, яхшилар мақомига бориб қўшилди.

Мархумнинг жасади мўмиёланди, уни махсус аравага ортидилар ва минглаб кўриқчилар қуршовида Самарқанд сари йўлга тушдилар. Бирор ой йўл босиб шаҳарга етиб келдилар. Бу пайт салтанат вориси бўлмиш Пирмуҳаммад айшу ишрат ила банд эди. Дафн маросимини Амир Темурнинг яна бир зукко невараси Ҳалил Султон ўтказди. Бобосини Рухобод мавзесида, Муҳаммад Султон мадрасасида дафн этдилар. Чунки замон потинч эди, ҳали олдинда тожу тахт учун қаттол олишувлар турар, бундай вазиятда Соҳибқиронни Кешга элтиш ўта қатгис эди. Шу тариқа Амир Темур ўз даҳмасига етолмай, дорус-салтана — Самарқандда узлатга чекинди.

Хўш даҳманинг тарихи нечук, унинг кейинги тақдири не бўлди?

Амир Темур, алаи-оқибат бир кун, деганларидек, ҳамиша борар боғини ўйларди. Шунинг учун у 1380 йиллардаёқ она юрти Кешда ўзига атаб даҳма бино этишга фармон берган эди. Даҳма Дорус-саодат билан Дорул-тиловат ўртасида бўлиши керак эди. Амир Темурнинг отаси билан ўғли Жаҳонгир ҳам шу ерга дафн этилган эди. Испан элчиси Клавихонинг гувоҳлик беришича, 1404 йилда ҳам даҳма қурилиши давом этаётган экан. Амир Темурнинг тасодифий ўлими ва темурий шаҳзодаларнинг ўзаро низоси туфайли сағана эътибордан четда қолди. Бора-бора у ер тагида кўмилиб кетди.

Ўтган асрнинг эллагинчи йиллари. Шаҳар кенгайди, одамлар масжид атрофига ҳам иморат сола бошладилар. Бахтга қарши Мардониде ҳовуз кўчасидаги бир фуқаронинг уйи айнан сағананинг устига тўғри келган экан. Бечора хонадон эгасининг тинчи бузилди: у қишда ёмон туш кўради, ё кўққисдан бир балога дучор бўлади. Бир куни унинг ҳовлиси чўка бошлайди. Уй соҳиби кўни-кўшнилари ёрдамга чорлайди. Ҳовлининг ўйилган ерини очадилар ва... қадим сағана гумбазига дуч келадилар.

Тошкентдан олимлар етиб келишди. Улар сағанани қум тупроқдан тозалаб, у ёқ-бу ёғини андак талқил қилиб, қайта ёпиб қўядилар. Сағанани расаматли таъмирлаш, уни эл-юрт кўзига очиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Чунки Темур номи ҳали тарихларда қора бўёқ билан ёзиларди.

Бундан ўттиз беш йил бурун илк бор Шаҳрисабзга қадам қўйган эдим. Буюк бобомизнинг муборак сағанасини зиёрат қилиш орзусидаман. Бироқ сағана эшиги ҳаммага ҳам очилавермасди, ҳар

ким ўзидан чўчирди. У пайтлар туман раҳбари раҳматлик Соиб Усмонов эди. Ҳалим табиатли, бировнинг кўнглини қолдирмайдиган инсон эди. Илтимосимни эшитиб мулойим жилмайди:

— Сизга кўрсатишимиз мумкин. Ёзувчилар асл тарихимизни билишлари керак.

Соиб ака кимгадир телефон қилди. Ҳадемай бир йигит етиб келди. Икковлон йўлга тушдик. Йигит мени пастқам кўчалардан бошлаб кетди. Кўримсиз, кўҳна бир уй олдида тўхтадик. Ҳамроҳим ён-верига алашгаб бир чуқурга тушди. Сўнг, келаверинг, деганшек мени имлади. Бир табақали кичкина эшикдан ертўлага кирдик. Йигит гугурт чақиб шам ёқди. Мен турган еримда қотиб қолдим. Чор бурчакли, тепаси гумбазсимон мўъжазгина ҳужра. Ўртада маҳобатли тош тобут. Шам ёруғида у янада ваҳимали, илоҳий бўлиб туюлади. Ахир мен кимсан — жаҳонни титратган жангу жадаллар қироли Амир Темурнинг бўш тобути қаршисида турардим. Кўз ўнгимда Шайхзаданинг «Улутбек» асаридagi манзара жонланди: гўё ҳозир мана бу тош тобут қопқоғи жаранглаб очилди-ю, «Урҳо! Ёғий қочди!» дея қилич яланғочлаб Соҳибқирон чиқиб келадигандек...

Бугун, яна ўша афсонавий сағанада бош эгиб турибмиз. Бу сафар бизга Жомеъ масжидининг имоми Абдухалил Дўстмурод ўғли ҳамроҳлик қилди. Абдухалил билан кўп йилдан бери танишимиз. Диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган суҳбати ширин йигит. У буюк бобоқалон руҳига атаб Қуръон тиловат қилди. Сўнгра даҳма деворларига, тош тобут сиртига битилган арабий ёзувларни ўқиб, таржима қилиб берди. Улар ояти карималар, кудсий ҳадислар эди.

Ер қаъридаги бу нимқоронғи, чоққина ҳужра, хўжасига буюрмаган нақшинкор бўш тобут одамни зиддиятли, мажҳул хаёлларга етаклайди. Умрнинг ўткинчилигини ўйлаб кетасан. Бу кўҳна олам бир қўналға, бир карвонсарой. Бас, шундоқ экан, нечун баъзида кўпикдек омонат ҳою ҳавасларга зиёда кўнгили қўямиз? Нега бировнинг ҳақиқа хийнат қилишдан кўрқмаймиз? Мунофиқлик, такаббурлик, ёлғон сўз орқали роҳат кўзламоқ гуноҳи азим эканлигини нега англамаймиз? Бировнинг асабини қақшатгандан кўра бир оғиз ширин калом билан унинг маҳзун кўнглига чироқ ёққан афзал эмасми?

Амир Темур ардоқлаган пири комил Аҳмад Яссавий дейдилар: «Яхшиликдан нима ёмонлик кўрдингки, яхшилик қилмайсан? Ёмонликдан не яхшилик кўрдингки, ёмонлик қилгайсан?» Мана бу

ҳикматни эса, Соҳибқиронга нисбат берадилар: «Тикон бўлиб оёққа қалалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил!»

Бу икки мўтабар зотнинг мухтасар ўғитлари сизу бизга абадий васият эмасми, азиз ватандош?

### «ОТЕЛЛОНИ ҲИНАМАЙМАН!»

Аброр Ҳидояттов бу ёруғ оламни тарқ этгандан кейин Отелло образи «етим» бўлиб қолди. Ораладан бир неча йил ўтди. Томошабинлар яна Отеллони соғина бошладилар. Аммо бу ролни ким ўйнайди? Аниқроғи, ким ўйнай олади? Аброр ака Отелло ролини беш юз марта ўйнади, жаҳон аҳлини лол қолдирди. Магрибу Машриқ бу улуг инсоннинг санъатига офарин айтди. Энди беназир устоз, қани, биронта мард бўлса, кўтариб кўрсин, дегандек, Отелло тимсолида сахна ортига улкан харсанг тош ташлаб кетгандек эди. Бу тошга гоҳо-гоҳо дилида ўти бор актёрлар энтиқиб разм солиб ўтар, харсангни ўрнидан кўзгатишни орзу қиларди. Аммо халқ айтмоқчи, дард бошқа, дармон бошқа экан. Театрдаги ман-ман деган актёрларнинг биронтаси «Мен Отеллони ўйнайман» деб оғиз очолмас эди. Чунки ҳар ким ўз ҳолини биларди.

Мухлисларнинг ягона умиди Шукур Бурхоновдан эди. Шукур ака Аброр аканинг яктан шогирди, келбати ҳам, саҳти-сиёқию овози ҳам устозини эста солади. Аброр ака баъзи ролларни қиёмига етказиб бир неча ой ўйнагандан кейин, Шукур, бу ёғига энди ўзинг олиб кетавер, деб «совға» қилиб юборарди. Бас, Отелло образини Шукур ака тирилтира олмасмикин? У киши ҳозир шухрат чўққисиди, соғлиги ҳам яхши, агар бел боғласа, бемалол удалайди.

Шукур акани Отелло қиёфасида кўришни истаганлар орасида камини ҳам бор эдим. Шунинг учун бир кунни уйларига борганда дангал сўрадим:

— Шукур ака, Отеллони соғиниб қолдик. Қачон ўйнаб берасиз?

— Ким айтди сенга Шукур Бурхон Отеллони ўйнайди, деб?

Кўзимни чирт юмиб ёлғонладим:

— Халқ айтаяпти...

Шукур ака керилиб кулди. Халқнинг эрка фарзандларига керилиш ҳам ярашар экан. Бирозгача «А-а, халқ айтди, дегин», деб яйраб ўтирди. Ниҳоят, ўктам, босиқ овозда дона-дона қилиб деди:

— Ҳолва деган билан оғиз чучимаиди, билиб қўй. Мен Отеллони ўйнашим мумкин. Ўйнасам — удалайман. Аммо уни энди бошқача талқин этиш керак. Аброр аканинг Отеллоси юракларга елимдай ёпишиб қолганди. Одамлар Шукур Бурхоннинг Отеллосини қабул қиладими, йўқми? Во, масала қаерда!

Расмий идораларда «Отелло» спектаклини тиклаш ҳақида сўз бўлган шекилли, ниҳоят бир кун хушxabар эшитдик.

— Шукур ака Отеллони ўйнашга рози бўлибдилар!

Бизга ўхшаган чаққон мухлислар суюнчи олгани ўзимизга қадрдон бўлиб қолган ҳовлига қараб зиғилладик. Шукур ака Кўқон гилос тагида ҳаланчак-креслода кўк чой шопириб ўтирган экан. Кайфияти яхши. У ёқ-бу ёқдан гурунлашган бўлдик. У киши бирдан ёшлар ҳақида гапира кетди:

— Сенлардан олдин битта ёш артист келибди. «Бой ила хизматчи»да Фофирни ўйнаётган экан. Қийналиб кетдим, ака, ролнинг сириши айтинг, дейди. Нимаси қийин, укам, дедим. Саҳнада бор-йўғи уч марта кўринасан. Биринчисиди бойнинг олдида хотинингни олиб кирасан. Кейин қозилар билан жанжаллашасан, кейин Сибирга кетасан, вассалом!

Шукур аканинг гапи менга Л. Толстойнинг шумлигини эслатди. Бир киши Толстойдан «Шундай катта-катта романларни қандай қилиб ёзасиз», деб сўраган экан, Толстой кулмай-ёнмай жавоб берибди: «Менинг катта бир лугат китобим бор. Роман ёзишдан аввал ўша лугатни олдимга очиб қўяману сўзларни битта-битта териб олавераман. Қарабсизки, роман тайёр-да...» Толстойнинг гапида жон бор, албатта. Лекин лугатдан қайси сўзларни териб олиш керак? Шунингдек, Шукур аканинг уч мартагина чиқасан дейишида ҳам чуқур маъно бор. Уч мартагина... қандоқ кўришиш керак саҳнада? Ҳамма гап шунда.

Ўша кунни Шукур ака роса очилди. Биз у кишининг ҳикояларини маҳлиё бўлиб тинглаймизу ҳаёлимизда бир савол чарх уради: «Отеллони қандай сўраймиз?»

Бир замон Шукур ака чой хўшлаб калла чайқайди:

— Одам қариса эзма бўлиб қолар экан. Тоза бошларингни қотирдимми? Энди навбат сенларга, шаҳарда нима гап?

Сўз очишга баҳона тополмай ўтирган эдик, мен тўқ эткизиб дедим:

— Одамлар «Отелло»нинг премьрасини кутаяпти...

Шукур аканинг юзига зоҳирий бир гурур қалқиб чиқди.



— Журналистлар ҳам ис чиққан ердан қолмайди-да. Дарров қаердан эшитдинглар?

Сезиб турибмиз, ганимиз унга мойдай ёқди. У креслони гичирлатиб оғир кўзгалди, бир-бир босиб уйга кириб кетди. Бизлар отасидан бозорлик кутган болалардай эшикка тикилиб ўтирибмиз. Анчадан кейин бир даста қоғоз кўтариб чиқди, тап этказиб олдимизга ташлади.

— Мана, ҳаммаси Отелло!

Бу араб ёзувида кўчирилган Отелло монологи эди. Ҳарфлари ҳам пақ бир суям келади. Янгича алифбога Шукур аканинг тиши ўтмас, шу боис ўйнайдиган ролларини кўпинча арабча ёзувда кўчириб оларди. Оллоҳ таоло бир берса, кўш қўллаб беради, деганларидек, Шукур аканинг қувваи ҳофизаси шу даражада кучли эдики, катта-катта матнларни икки-уч ўқишда ёдлаб олаверарди.

Ўша куни кўшгимизда бир ҳовуч нур билан уйга қайтдик. Аммо... бирор ой ўтиб, санъат мухлисларини ларзага соладиган воқеа юз берди.

Неча ойдики, Шукур ака Отеллонинг ҳаёли билан яшайди. Монологлар, диалоглар ёд бўлган. Баъзан у биронта шогирдини «Дездемона» қилиб рўпарасига ўтқазиб кўяди, малика билан дардлашади. Гоҳо мажнундек ўзи билан ўзи гаплашади. Шогирдлару мухлислар ўқтин-ўқтин келиб ҳол сўраб туришибди. Хуллас, тайёр-гарлик ёмон эмас. Репетициялар яхши ўтса, кузга бориб янги мавсумни «Отелло»нинг премьераси билан очиш ҳам мумкин.

Ана шундай умидбахш ўйлар оғушида юрар экан, Шукур ака бир куни туш кўрди. Тушига Аброр ака кирибди. Устознинг хув ўна шаҳар марказидаги ҳовлиси эмиш. Негадир, у ҳовли этагидаги кичкина бир ҳужрада истиқомат қилармиш. Шукур ака кириб борганда Аброр ака энди ошхонадан чой дамлаб чиқаётган экан. Кўлида катта қизил гардин чойнак. У шогирдини кўрибдию илкис тўхтабди ва Шукур акага ёмон кўз билан қарабди.

— Шукур, сен Отеллони ўйнайдиган бўлдингми? — деб сўрабди тўсатдан.

Шукур ака инчамабди. Аброр аканинг кўзлари баттар ёнибди:

— Отеллони ўйнама! Эшитдингми, ўйнама! — дебди у дағдага билан. Устознинг товушида ҳам буйруқ, ҳам илтижо, ҳам умид бор эмиш. — Агар сен Отеллони ўйнасанг, мен ўламан, Шукур, мен ўламан...

Шукур ака лом-мим демай, остонада тахта бўлиб тураверибди. Аброр ака бошқа сўз қотмай, ичкарига кириб кетибди.

Шукур ака чўчиб уйгонди. Жиққа терга ботибди. Ён-верига алашлади. Чорпояда бир ўзи ётар, бир-бир шабада эсар, тонготарга ҳали анча бор эди. У қаддини ростлаб ўтирди. Кўрган тушининг таъбирини ўйлади. Устоз ушдан норози бўлаяпти. Одамлар Шукур Бурхонов ижросида Отеллони кўргач, табиийки, Аброр Ҳишоятовнинг Отеллосини эсдан чиқарадилар. Артистнинг унут бўлгани — ўлгани эмасми?

«Йўқ, мен устознинг арвоҳини чирқиратиб обрў олмайман», деди ичида Шукур ака ва ўрнидан туриб, шофёрига телефон қилди.

У Чилонзорга, театр директорининг уйига етиб борганида ҳали тонг бўзармаган эди. Директор Шукур акани овозидан таниб хавотирланди ва дарров эшик очди.

— Келинг, Шукур ака, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик деди — Шукур ака. — сизга бир гапни айтгани келдим. Мен Отеллони ўйнамайман!

Директорнинг бошидан бир челақ муздек сув қуйилгандек бўлди. Рости, у буюк спектаклнинг тирилишини орзу қилар, баҳонада театрнинг моддий аҳволини ҳам яхшилаб олишини ўйлаб қўйган эди.

— Нима бўлди? Нега ўйнамайсиз? — деди у бўшашиб.

Шукур ака: «Кўяверинг, сўраманг» дегандек қўл силтади.

— Ҳа, шунчалик экан, бевақтда овора бўлмай, театрда айтсангиз ҳам бўларди шу гапни...

— Йўқ! — деди Шукур ака зарда билан. — Бу гапни тезроқ айтиб, юрагимни бўшатиб олишим керак эди. Хўп, омон бўлинг.

Директор долу ҳайрон, елка қисганча қолаверди.

Шукур ака ҳовлисига кириб келганида тонг отган, улкан олча шохларида ёз қуёшининг илк нурлари жилва қиларди. Устоз руҳини шод қилганидан унинг ҳам кўнгли тонгдай ёришиб борарди.

## МУНДАРИЖА

## ҲИКОЯ ВА ҲАЖВИЯЛАР

Бепарво бўлмоқчиман .....	4
Осмондаги ой .....	9
«Нексия»нинг илдири .....	12
Сўзимни сотиб олдим .....	14
Менинг хўроз қувганим .....	17
Зорийдан ўч олганим .....	22
Бировнинг пўстини .....	26
Ухлатадиган «дори» .....	27
«Алпомишнинг энаси» .....	28
Ёлгончининг рост гапи .....	29
Дока рўмолининг қуриши .....	39
Қозон бошидаги хотин .....	44
Туя лўк-лўк этади .....	48
Даланга салом айт .....	64
Бир нуф кам бўлибди .....	68

## УСТОЗЛАР ЁДИ

Палов бўлмаган масаллиғ .....	70
Алёр .....	72
Алабийёт уйининг эшиги .....	75
Ҳай, ҳай, хато қилманг! .....	76
Дўппи .....	77

## АТИРГУЛНИНГ БИР ҲОВУЧ ҲИДИ

Шеърятнинг бободехқони .....	80
Анойи эмас экан .....	85
Бир армон .....	88
Эрка сўзининг энаси .....	90
Дарёдек инсон эди .....	93
Эринмаган Шуқур ака .....	95

## БАДИАЛАР

Навой қаламга олган зот .....	98
Шарқнинг буюк аёллари .....	100
Соҳибқирон етолмаган манзил .....	103
Отеллони ўйнамайман .....	108